

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ ТҮПЛАМИ

5-сон  
(973)  
2021 йил  
февраль

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:

биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўtkazilgan норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

## МУНДАРИЖА

### Иккинчи бўлим

40. «2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Ёшларни кўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 3 февралдаги ПФ-6155-сон Фармони
41. «Қишлоқ хўжалиги билим ва инновациялар тизими ҳамда замонавий хизматлар кўрсатишни янада ривожлантириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 3 февралдаги ПФ-6159-сон Фармони
42. «Қишлоқ хўжалиги машинасозлиги тармоғида соғлом рақобат муҳитини яратишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 1 февралдаги ПҚ-4969-сон қарори
43. «Шоли етиштиришни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғриси-

- да» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 2 февралдаги ПҚ-4973-сон қарори
44. «Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги хузуридаги Қишлоқ хўжалигига билим ва инновациялар миллий маркази фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 3 февралдаги ПҚ-4975-сон қарори
  45. «Алишер Навоий номидаги ҳалқаро жамоат фондини ташкил этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 4 февралдаги ПҚ-4977-сон қарори
  46. «Тошкент шаҳрида «Янгиҳаёт» индустрисал технопаркини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 4 февралдаги ПҚ-4979-сон қарори

### *Учинчи бўлим*

47. ««Термиз ҳалқаро савдо маркази» эркин савдо зонаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2021 йил 2 февралдаги 47-сон қарори
48. «Курилиш соҳасида электрон давлат харидларини ташкил этиш ва ўтказиш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2021 йил 5 февралдаги 55-сон қарори
49. «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан жойлаштирилган маблағлар хисобидан ипотека кредитлари ажратиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2021 йил 5 февралдаги 56-сон қарори

### *Бешинчи бўлим*

50. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви ва Молия вазирлигининг 2020 йил 23 декабрдаги 239-В-4-сон, 2020 йил 15 декабрдаги 57-сон «Тижорат банклари томонидан давлат мақсадли жамғармалари кредит линиялари хисобидан имтиёзли микрокредитлар бериш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорни, шунингдек, унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 3 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2527-4)  
Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-хукуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисидаги маълумот

## ИККИНЧИ БЎЛИМ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ФАРМОНИ**

### **40 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйи- ча Ҳаракатлар стратегиясини «Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш ўили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида\***

Мамлакатимизда ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, юқори иқтисодий ўсишга эришиш ҳисобидан халқимизнинг фаровонлигини ошириш ва кундалик хаётидаги муаммоларни ҳал этиш, шунингдек, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйи-ча Ҳаракатлар стратегияси ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида белгиланган вазифаларнинг ўз вақтида амалга оширилишини таъминлаш мақсадида:

1. Халқ билан очик мулоқот натижалари асосида тайёрланган 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш ўили»да амалга оширишга оид давлат дастури (кейинги ўринларда — Давлат дастури) иловага\*\* му-вофиқ тасдиқлансан.

2. Коронавирус пандемияси шароитида тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш чораларини давом эттириш мақсадида кўйидагиларнинг амал қилиш муддати 2021 йил 31 декабрга қадар узайтирилсин:

туризм, транспорт ва умумий овқатланиш соҳаларида фаолият юритаёт-ган субъектларнинг ер ва мол-мулк солиғи бўйича 2021 йил 1 январь ҳолатига қарздорлиги тўланиши;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 мартағи ПФ-5969-сон Фармонида назарда тутилган вақтинча қийинчиликларни бошдан кечираётган хўжалик юритувчи субъектларнинг мол-мулк солиғи ва ер солиғи бўйича 2020 йил 31 декабрь ҳолатига кўра мавжуд қарзига пеня ҳисобланишини тўхтатиш ва солиқ қарзини мажбурий ундиришга қара-тиш чораларини кўрмаслик талаби;

коронавирус пандемияси даврида Ўзбекистон Республикаси Президен-ти томонидан тадбиркорлик субъектларига 2020 йил 31 декабрь ҳолатига

---

\* Ушбу Фармон «Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 4 фев-ралда эълон қилинган.

\*\* Илова «Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

қолдиқда турган мол-мулк солиги ва ер солиги бўйича берилган фоизсиз кечиктириш (бўлиб-бўлиб тўлаш) суммаси;

«хуфиёна иқтисодиёт» улушини қисқартириш учун солик аудити ўтказишида «таҳлика-таҳлил» тизими босқичма-босқич жорий этилган ҳолда солиқларни ва бошқа мажбурий тўловларни ўз вақтида тўлаб келаётган кичик тадбиркорлик субъектларида солик аудити ўтказилишига мораторий.

3. Ёшларни қўллаб-кувватлаш, ижтимоий муҳофазага муҳтоҷ талабаларни ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш, ижтимоий адолат тамоилини таъминлаш мақсадида 2021 / 2022 ўқув йилидан бошлаб:

а) олий таълим муассасаларига кириш имтиҳонларида энг юқори балл тўплаган 200 нафар ёшлар учун Ўзбекистон Республикаси Президенти гранти жорий этилсин.

Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги Молия вазирлиги ва Давлат тест маркази билан биргаликда 2021 йил 1 апрелга қадар Ўзбекистон Республикаси Президенти грантини ажратиш тартибини ишлаб чиқсин ва олий таълим муассасаларига кириш имтиҳонларида балл тўплаган шахслар тўғрисидаги очик маълумотларни назарда тутувчи ягона электрон реестри шакллантирсинг;

б) олий таълим муассасасида икки ва ундан ортиқ фарзанди шартнома асосида ўқиётган оилаларга таълим кредити бериш ва талаба томонидан ушбу кредитни ўқиш даври тугагандан сўнг қайтариш амалиёти йўлга қўйилсин.

Молия вазирлиги Марқазий банк билан биргаликда икки ой муддатда мазкур амалиётни йўлга қўйиш хамда Давлат бюджети маблағлари хисобидан тижорат банкларида кредитлар учун мақсадли ресурслар ажратишни таъминлаш чораларини кўрсинг;

в) олий таълимгага ажратиладиган давлат грантлари сони 25 фоизга хамда эҳтиёжманд оилалар фарзанди бўлган хотин-қизлар учун давлат грантлари сони 2 бараварга оширилсин, шунингдек, хусусий олий таълим муассасаларида мутахассисларни тайёрлашга давлат гранти бериш тизими жорий этилсин.

Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда 2021 / 2022 ўқув йили учун ўқишга қабул қилишга давлат буюртмаси параметрларининг тубдан қайта кўриб чиқилишини таъминласин;

г) академик таътил беришнинг қўйидаги тартиби ўрнатилсин:

академик таътил олишни истаган талabalар ўз ихтиёрига кўра академик таътил муддатига таълимнинг сиртқи ва масофавий шаклига ўтказилиб (агар олий таълим муассасасида бундай таълимнинг шакллари мавжуд бўлса), уларга узлуксиз мустақил таълим олиш имконияти яратилади;

оиласининг бетоб аъзосини парвариш қилиш сабабли анъанавий шаклдаги таълимни давом эттириш имконияти бўлмаган талabalарга ҳам академик таътилни олиш хуқуки берилади;

талabalарга ўқиш давомида академик таътил берилиши бўйича миқдорий чекловлар бекор қилинади;

академик таътилдан қайтган талабаларни илгари ўзлаштирилган фанлар бўйича қайтадан ўқитиш амалиёти бекор қилинади.

Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси билан биргаликда бир ой муддатда академик таътил олишни истаган талабалар томонидан сиртқи ва масофавий шаклда мустақил таълим олишни ташкил этиш, олий таълим муассасаларида экстернат тартибида таълим олиш бўйича хукуқий асосларни яратишни назарда тутивчи қарор лойихасини Вазирлар Маҳкамасига киритсан;

д) илмий унвон ва илмий даражаларни бериш ваколати 2021 йил 1 сентябрдан бошлаб республиканинг нуфузли олий таълим муассасаларининг илмий кенгашларига босқичма-босқич ўтказилсин.

Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссияси Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги билан биргаликда уч ой муддатда илмий даражали кадрлар тайёрлаш ва олий таълимдан кейинги таълим соҳасида давлат бошқаруви тизимини янада такомиллаштириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойихасини киритсан.

4. Республикада талаф юқори бўлган касблар бўйича иқтидорли мутахассисларни нуфузли хорижий таълим, илмий ва бошқа муассасаларда тайёрлашнинг самарадорлигини тубдан ошириш мақсадида 2021 йил 1 апрелдан бошлаб:

«Эл-юрт умиди» жамғармаси орқали нуфузли хорижий олийгоҳларнинг магистратура ва докторантурасида ўқишига юбориладиган ёшлар сони 5 барабарга оширилсин;

«Эл-юрт умиди» жамғармаси ҳисобидан хорижда бакалавриат таълим дастурлари бўйича ўқитиш тизими жорий этилиб, 2021 йилда 100 нафар ёшларнинг хорижга таълим олиш учун юборилиши таъминлансин;

«Эл-юрт умиди» жамғармаси таълим дастурлари бўйича номзодларни саралашни очик стипендия танлови асосида Ўзбекистон Республикасининг барча фуқаролари учун уларнинг республикадаги иш ва ўқиш жойидан қатъи назар мунтазам равишда ўтказиш амалиёти йўлга қўйилсин;

бакалавриат, магистратура ва докторантурада ўқиш дастурлари учун стипендия танловини нуфузли хорижий таълим, илмий ёки бошқа муассасадан ўқишига қабул қилиш тўғрисидаги таклифнома асосида ўтказиш тартиби йўлга қўйилсин.

«Эл-юрт умиди» жамғармаси бир ой муддатда давлат хизматчилари ва мутахассисларни хорижда тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича аниқ чоралар кўрсин.

5. Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Фанлар Академияси ва Инновацион ривожланиш вазирлиги уч ой муддатда физика фани ва чет тиллари бўйича узлуксиз таълим сифати ва натижадорлигини ошириш бўйича қўйидагиларни назарда тутивчи комплекс дастурларни ишлаб чиқсин:

илмий тадқиқотларни ривожлантириш, таълим ташкилотларида мазкур фанларни ўқитиш методикасини қайта кўриб чиқиш, амалий ва инновацион

лойиҳалар танловларини ташкиллаштириш, соҳадаги илмий ташкилотлар фаолиятини такомиллаштириш;

янги авлод, шу жумладан электрон дарслик ва ўқув курсларини яратиш, шунингдек, ўқувчиларнинг амалий кўникмаларини шакллантириш мақсадида ўқув дастурларида амалий ва интерфаол машғулотларнинг улушкини кўпайтириш;

хорижий тилларни ўрганиш учун кенгроқ имконият яратиш мақсадида бепул тил ўрганиш электрон платформаларини яратиш;

ихтисослашган мактаб (синф)лар фаолиятини босқичма-босқич йўлга кўйиш, уларни олий таълим ташкилотлари ҳамда ишлаб чиқариш корхоналари билан ўзаро боғлаш ҳамда хорижий мамлакатлардан ўқитувчиларни жалб этиш.

6. Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги Миллий олимпия қўмитаси ҳамда Туризми ривожлантириш давлат қўмитаси билан биргаликда уч ой муддатда 2025 йилда Ўзбекистонда ёшлар ўртасидаги IV ёзги Осиё ўйинларини ўtkазишга пухта тайёргарлик кўриш ишлари бўйича чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқсин ва унда қўйидагилар назарда тутилсин:

республикада мавжуд спорт обьектлари ва иншоотлари, логистика, транспорт ва меҳмонхона инфратузилмасини ўрганиш натижасида Осиё Олимпия Кенгаши ва халқаро спорт федерациялари талабларига мувофиқ уларни таъмирлаш ёки янгиларини қуриш бўйича таклифларни тайёрлаш;

ёшлар ўртасидаги IV ёзги Осиё ўйинларига тайёргарлик кўришнинг бош режасини унда белгиланадиган ҳар бир тадбир бўйича молиялаштириш манбаси ва масъул ижрочини кўрсатган ҳолда тузиш;

Осиё Олимпия Кенгаши талабларига асосан ёшлар ўртасидаги IV ёзги Осиё ўйинлари дастурига киритиладиган спорт турларини саралаб олиш ва ўйинлар дастурини ишлаб чиқиш босқичларини белгилаш.

7. Аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш ва ижтимоий ҳимояни кучайтириш мақсадида:

а) 2021 йил 1 июлдан бошлаб «ҳамширалик иши» билан мустақил шуфулланиш учун ўрта тибиёт мутахассисларига ўзини ўзи банд қилиш асосида рұксат берилсин;

б) 2021 йил якунига қадар меҳрибонлик уйларининг уй-жойга мухтоҷ 900 нафар чин етим битиравчилари уй-жой билан таъминлансан.

Молия вазирлиги кейинги йиллар учун бюджет параметрларини шакллантиришда меҳрибонлик уйларининг уй-жойга мухтоҷ етим битиравчилари ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни уй-жой билан таъминлашга маблағлар ажратилишини назарда тутиб борсин;

в) 2021 йилда 22 та мактабгача таълим ташкилоти бинолари, 31 та янги мактаб, 16 та олий таълим муассасалари бинолари, 24 та соғлиқни сақлаш обьектлари ҳамда 23 та спорт обьектларининг қурилиши таъминлансан.

8. Ижтимоий ҳимояга мухтоҷ болаларнинг таълим олиши ва касб эгаллашига кўмаклашиш, оғир касалликка чалинган болаларни даволаш мақсадида Болаларни кўллаб-куватлаш фонди ташкил этилсин ва унинг мақсад-

лари амалга оширилишини молиялаштириш учун Давлат бюджетидан 100 миллиард сўм ажратилсин.

9. Илғор хорижий тажриба ва кенг жамоатчилик таклифлари инобатга олинган ҳолда, 2021 йил 1 июнга қадар ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-кувватлашга қаратилган қўйидаги амалиёт жорий этилсин:

муҳтоҷ аҳолини протез-ортопедия буюмлари ва реабилитация техник воситалари билан таъминлаш амалиётини сертификат бериш тизимиға ўтказиб, фуқароларга ўз танловига кўра давлат томонидан бериладиган маблағлар (сертификат) ҳисобидан исталган ишлаб чиқарувчидан протез-ортопедия буюмлари ва реабилитация техник воситалари сотиб олиш имкониятини яратиш;

ногиронлик белгилари аниқ кўриниб турган, анатомик нуқсонлари бўлган шахсларни клиник-функционал маълумотларни олишга доир қўшимча текширувдан ўтказмасдан туриб, улар ногиронлиги бўлган шахс деб топилганда ногиронликни муддатсиз даврга белгилаш.

Софлиқни сақлаш вазирлиги уч ой муддатда тиббий-ижтимоий хизматнинг мутлақо янги моделини шакллантириш чораларини кўрсин.

10. Пенсия ва нафақаларни тайинлашда фуқаролар учун янада қулай шароитлар яратиш мақсадида қўйидаги тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ 2021 йил 1 июндан бошлаб:

пенсияларни тайинлашда шахснинг иш ҳақи ва меҳнат стажи тўғрисидаги маълумотларнинг электрон базаси юритилмаган давр — 2005 йилдан аввалги йиллар учун иш стажи шахснинг меҳнат дафтарчасидаги мавжуд ёзувлар асосида тасдиқловчи хужжатлар талаб этилмасдан ҳисобланади;

уч йил ва ундан аввал тайинланган, қайта ҳисобланган пенсия ва нафақаларни текшириш ҳамда улар бўйича аниқланган ортиқча тўловни ундириш бекор қилинади;

ишловчи фуқаролар томонидан ишламайдиган турмуш ўртоқлари келгусида пенсия таъминотига эга бўлишлари учун ўз даромадларидан ихтиёрий равишда ҳар ойда ижтимоий солиқ тўлаш хуқуки берилади;

пенсия ва нафақалар фуқаронинг хоҳишига кўра рўйхатга олинган доимий яшаш ёки вақтинча турган жойи бўйича тайинланади ва тўланади;

пенсия ва нафақаларни накд пулсиз шаклда олиш учун аризалар фуқаролар томонидан Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг (кейинги ўринларда — Пенсия жамғармаси) тегишли бўлимига мурожаат қилмаган ҳолда, тижорат банклари филиалларида банк пластик карталарини очиш жараёнида ёки банк мобиль иловалари орқали электрон шаклда расмийлаштирилади;

фуқароларнинг пенсияга бўлган хуқуки йўқолганлигини тегишли вазирлик ва идоралар томонидан тақдим этиладиган электрон маълумотлар асосида аниқлаш орқали пенсияларни накд пулсиз шаклда олувчи шахслар томонидан ҳар олти ойда Пенсия жамғармасининг бўлимига келиш ҳамда масъул ходимлар томонидан жойларга чиқкан ҳолда мониторинг ўтказиш мажбурияти бекор қилинади.

11. Пенсия ва нафақалар тўғри тайинланиши ҳамда тўланиши бўйича

текширишлар натижасида аниқланган ортиқча түлов суммасининг 2021 йил 1 февраль ҳолатига бўлган қарздорлиги ҳисобдан чиқарилсин.

12. Иқтисодиётни ривожлантириш, шу жумладан камбағалликни қисқартириш ва узоқ муддатли барқарор иқтисодий ўсишнинг пойдеворини яратиш мақсадида:

а) ишсиз аъзолари бор оиласарга, жумладан, «Темир дафтар», «Аёллар дафтари» ва «Ёшлар дафтари»га киритилган фуқароларга дехқончилик билан шуғулланиш имкониятларини кенгайтириш учун:

дехқончилик билан шуғулланиш учун, шу жумладан янги ўзлаштирилган, лалми, фойдаланилмаётган ер майдонларида 0,1 гектардан 1 гектарга-ча ер ажратилиши;

ажратилган ер майдонлари суфориш тизими (артезиан кудуклар, томчилатиб суфориш тизими ва бошқалар) ҳамда электр энергияси билан таъминланиши;

берилган ерларни ўзлаштириш учун (ер ҳайдаш, уруғ, кўчат харид қилиш ва бошқалар) субсидия ажратилиши йўлга қўйилсин.

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши билан биргаликда 2021 йил 1 апрелга қадар хар бир туманнинг имконияти ва ривожланиш йўналишидан келиб чиқиб, эҳтиёжманд оиласарга дехқончилик билан шуғулланиш учун кўмаклашиб тизимини йўлга қўйиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори лойиҳасини киритсин;

б) тадбиркорлик ва ўзини ўзи банд қилиш фаолиятини бошламоқчи бўлган ишсиз, шу жумладан «Темир дафтар», «Аёллар дафтари» ва «Ёшлар дафтари»га киритилган фуқароларга фаолиятини бошлаш учун керак бўлган асбоб-ускуна, меҳнат қуролларини харид қилиш учун 7 миллион сўмгача субсидиялар ажратилиши амалиёти йўлга қўйилсин.

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги ҳамда Маҳалла ва оиласи қўллаб-кувватлаш вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда ишсиз аҳолини тадбиркорликка ва ўзини ўзи банд қилиб ишлашиб фаолиятига жалб қилишининг янги механизмлари юзасидан таклиф киритсин;

в) 2021 йил 1 марта бошлаб заргарлик соҳасида кенг имкониятлар яратиш учун «Навоий кон-металлургия комбинати» ДК томонидан кумушни биржа орқали заргарлик буюмларини ишлаб чиқарувчиларга эркин сотиш тартиби жорий этилсин.

Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги бир ой муддатда кумушнинг ишлаб чиқарувчиларга биржа савдолари орқали сотилиши, биржага қўйиладиган кумуш ҳажмларини шакллантириш ва маҳсулот бошлангич нархини асосли белгилаш бўйича таклифларни киритсин.

13. Белгилаб қўйилсинки, 2021 йил 1 марта 2022 йил 1 июня қадар ички туризмни оммалаштириш доирасида Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибга мувофиқ Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қилиш учун қўйидаги харажатларнинг бир қисмини қайтариш механизми жорий қилинади:

авиаташувчиларга — ички туризм йўналишларидағи авиақатновларда авиа чипта нархининг 25 фоизи;

туроператор ва турагентларга — Ўзбекистон Республикасида доимий яшовчи фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар учун ташкил этилган турлар юзасидан авиа ва темир йўл чипталари нархининг 15 фоизи ҳамда жойлаштириш воситаларининг жойлаштириш бўйича хизматлари (мехмонхона хизматлари) нархининг 10 фоизи. Бунда, ушбу харажатларнинг бир қисмини қайтариш саёҳат амалга оширилган худудлардаги жойлаштириш воситаларида камидан бир кечадан тунаб қолиш шарти билан тақдим этилади.

14. Электр энергияси ва табиий газ таъминотида монополияни бекор қилиб, бозор муносабатларини шакллантириш мақсадида:

суюлтирилган газ импорти учун белгиланган божхона божи ва уни импорт қилиш учун талаб этиладиган рухсат этиш хусусиятига эга хужжатлар бекор қилинсин;

2021 йил 1 июнга қадар ишлаб чиқарувчи ва импортёрлар учун электр энергияси ва табиий газ билан таъминлаш соҳасига бозор механизмларини жорий этиш орқали улгуржи бозорни шакллантириш «йўл харитаси» ишлаб чиқилсин.

Энергетика вазирлиги «йўл харитаси» ишлаб чиқилишини таъминласин ҳамда биринчи босқичда, 2021 йил 1 августдан бошлаб, йирик корхоналарга электр энергияси ва табиий газни импорт асосида сотиб олиш хукуқи берилишини назарда тутсин.

15. Давлат солиқ хизматида «Соликчи-кўмакчи» тамоили асосида фермер хўжаликларининг даромад ва харажатларини автоматик шакллантириш ва солиқ органларига юбориш имконини берувчи электрон тизимни 2021 йил 1 июляга қадар амалиётга жорий этиш чоралари кўрилсин.

Белгилансинки, давлат солиқ хизматининг фаолиятини «Соликчи-кўмакчи» тамоили асосида ташкил этиш доирасида олдинги йил учун даромадлари йиллик молиявий ҳисобот маълумотларига кўра камидан 5 миллиард сўмни ташкил этган, юридик шахс мақомига эга бўлган тадбиркорлик субъектлари ва фермер хўжаликлари солиқ мониторингида иштирок этишга ҳақли.

16. Вазирлар Махкамаси, Молия вазирлиги ва Ҳисоб палатасининг Молия вазирлиги тизимидағи Давлат молиявий назорати департаменти тузилмасини такомиллаштириш ва фаолиятининг самарадорлигини ошириш, ички аудит хизматларини тартибга солиш тизимини ривожлантириш, шунингдек, ўтказиладиган текширишлар ва уларнинг натижалари юзасидан маълумотларни очиқ эълон қилиб бориш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

Молия вазирлиги Ҳисоб палатаси билан биргаликда бир ой мuddатда давлат молиявий назорати ва ички аудит тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича ишларни жадаллаштирунсан.

17. Божхона назорати тартиб-таомилларини такомиллаштиришда ракамили технологияларни кенг жорий этиш, давлат божхона хизмати органлари фаолияти самарадорлигини ошириш мақсадида 2021 йил 1 июлдан бошлаб божхона назоратини олиб боришнинг қўйидаги тартиби белгилансин:

тоифадан ташқари мақомдаги «Масофавий электрон декларациялаш божхона постлари» синов тариқасида босқичма-босқич ташкил этилади;

божхона расмийлаштируви жараёнларини масофавий бошқариш, инсон аралашуви кескин қисқартирилади;

чегараларда ветеринария ва фитосанитария органлари томонидан юк ташувчиларни рўйхатга олиш, ҳужжатларни текшириш, уларга кўрсатилган хизматлар учун тўловлар ундириш жараёнини рақамлаштириш орқали умумий онлайн назорат амалиёти жорий этилади.

18. Давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштириш, шу жумладан давлат бошқаруви самарадорлигини ошириш мақсадида:

а) жорий йилда ёшларни қўллаб-кувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратган холда ҳар бир ҳудудда биттадан туман (шаҳар) бюджетини шакллантиришда ҳаражатларнинг камида 5 фоизини бевосита аҳолининг фикр-мулоҳазаларини инобатга олиб, маҳалладаги муаммоларни ҳал этишга йўналтириш тартиби эксперимент тариқасида жорий этилсин;

б) 2021 йилда давлат бошқаруви ходимлари сони ўртacha 15 фоизгача оптималлаштирилсин.

Молия вазирлиги Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ва бошқарувда манфаатдор идоралар билан биргаликда 2021 йил 1 мартаға қадар қўйидаги чораларни назарда тутувчи Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳаси киритилишини таъминласин:

бошқарувда бир-бирини тақрорлайдиган идоралар, функциялар ва бюрократик тўсиқларни ва мажлисбозликни қисқартириш;

кўп йиллар давомида бўш турган штат бирликларини оптималлаштириш;

айрим давлат функцияларини хусусий секторга ўтказиш ҳамда лицензия ва руҳсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни қисқартириш ва уларни бериш жараёнини автоматлаштириш хисобига иш жараёнларини қайта кўриб чиқиши;

вазирлик ва идоралар фаолиятида қарор қабул қилиш жараёнларини соддалаштириш;

рақамли технологияларни кенг жорий этиш хисобидан иш жараёнларини оптималлаштириш;

вазирликларда фаолиятни туман, шаҳар, қишлоқ ва маҳалла кесимида режалаштириш тизимини жорий этиши;

в) ўрта ва қўйи бўғин бошқарув органларининг фаолиятини тубдан такомиллаштириш доирасида:

вилоят, туман, шаҳар ва маҳалла бошқарувида самарадорликни ошириш учун ходимлар сони ва маоши ҳудуднинг ўзига хослиги ва иш ҳажмидан келиб чиқиб белгилансин;

қўйи тизим раҳбарлари ва ходимларини янгича талаблар ва замонавий ахборот технологиялари асосида самарали ишлашга ўргатиш ва малакасини мунтазам ошириб боришнинг аниқ тизими жорий этилсин;

Вазирлар Махкамаси икки ой муддатда ўрта ва қўйи бўғин бошқарув

органларининг фаолиятини тубдан такомиллаштириш бўйича аниқ чораларни кўрсин;

г) 2021 йил якунига қадар амалдаги қонунчилик хужжатларини қайта кўриб чиқиш, шу жумладан эскирган ва ўз аҳамиятини йўқотган хужжатларни бекор қилиш ва тарқоқ хужжатларни тизимлаштириш орқали тартибга солиш юкини ва тадбиркорлик фаолиятини тартибга солишнинг дарражасини камайтириш учун ортиқча нормаларни қисқартириш таъминлансин.

Адлия вазирлиги 2021 йил 1 майга қадар норматив-хукукий хужжатларни, шу жумладан маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг эскирган ва ўз аҳамиятини йўқотган хужжатларини бекор қилиш бўйича ишларни ташкил этиш ҳамда аниқ муносабатларни тартибга солувчи хужжатларни тизимлаштириш бўйича таклифларни киритсин;

д) 2021 йил 1 июлга қадар маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан қарорларни фақатгина маҳсус «Е-қагор» электрон тизими орқали тайёрлаб, қабул қилиш амалиёти йўлга қўйилсин.

Адлия вазирлиги уч ой муддатда:

маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорларини тайёрлаш, қабул қилиш, хисобга кўйиш ва эълон қилиш бўйича электрон ахборот тизимини жорий этиш;

электрон тизимдан фойдаланиш, уни юритиш ва унда жамоатчилик иштирокини таъминлаш;

қабул қилинаётган қарорларни ижрочи ва манфаатдор ташкилотларга етказиш ва тегишли базалар билан интеграция қилиш;

маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ходимларини мазкур тизимда ишлаш бўйича ўқитиш амалиётини йўлга қўйиш;

электрон тизим орқали қабул қилинмаган хужжатларни амалга киритганлик ҳамда норматив-хукукий хужжатларни адлия органларида хукукий экспертизадан ўтказмаган ҳолда қабул қилганлик учун маъмурий жавобгарликни белгилаш бўйича таклифларни киритсин.

19. Молия вазирлиги 2021 йил 1 майдан бошлаб куйидагиларга оид молиявий маълумотларни оммавий ахборот воситалари ва Интернет жаҳон ахборот тармоғида эълон қилиш амалиётини жорий этсин:

давлат органлари бюджетдан ташқари жамғармаларининг даромади ва харажатлари;

устав фондида (устав капиталида) давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган юридик шахслар ҳамда уларга устав фондининг (устав капиталининг) 50 фоизи ва ундан ортиги тегишли бўлган юридик шахслар харидлари;

давлат субсидия ва грантларининг микдорлари ва олувчилари.

Коррупцияга қарши курашиш агентлиги икки ой муддатда очиқ эълон қилиниши лозим бўлган маълумотлар рўйхатини кенгайтириш, шу жумладан давлат харидлари ва инвестиция лойиҳалари доирасида ҳамда рухсат этиш хусусиятига эга хужжатларни бериш бўйича ташкил этиладиган тендер ва танлов комиссияларининг таркиби, давлат активларининг олди-сотди ва давлат-хусусий шериклик лойиҳалари жараёнлари иштирокчилари,

солиқ ва бошқа имтиёзлар олувчилар каби маълумотларни очиқ эълон қилиш бўйича таклифларни киритсин.

20. Коррупцияга қарши курашиб агентлигининг қўйидагиларни назарда тутувчи «Е-Антикоррупция» лойиҳасини амалга ошириш тўғрисидаги таклифи маъқуллансан:

давлат органлари ва ташкилотлари томонидан киритилган коррупциявий омилларни бартараф этиш бўйича таклифларни кўриб чиқиш, соҳа ва тармоқлар кесимида чукур таҳлиллар ва жамоатчилик сўровларини ўтказиш натижасида «Коррупцияга мойил бўлган муносабатлар электрон реестри»ни шакллантириш;

«Коррупцияга мойил бўлган муносабатлар электрон реестри»га муовফик ҳар бир коррупциявий омилни биринчи навбатда рақамлаштириш (электрон навбат, аукцион ва бошқа замонавий усуллар), очиқликни таъминлаш, жамоатчилик назорати каби воситалар орқали бартараф этиш бўйича таклифларни эксперталар ва фуқаролик жамияти институтлари вакиллари орасида кенг муҳокамадан ўтказган ҳолда ишлаб чиқиш;

амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг натижадорлигини ва коррупциявий омилларни бартараф этишга таъсирини жамоатчилик фикрини ўрганган ҳолда баҳолаш ва эълон қилиш.

Коррупцияга қарши курашиб агентлиги Бош прокуратура ва Адлия вазирлиги билан биргаликда уч ой муддатда «Е-Антикоррупция» лойиҳасини амалга ошириш механизмлари ҳамда коррупцияга мойил бўлган муносабатларни бартараф этиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастурини назарда тутувчи Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳасини ишлаб чиқсан.

21. Адлия вазирлиги икки ой муддатда аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг давлат органлари билан муносабатга киришишида бюрократик тўсиқларни тубдан қисқартиришга қаратилган, қўйидагиларни назарда тутувчи Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони лойиҳасини киритсан:

фуқароларнинг доимий (вақтинча) рўйхатдан ўтган жойидан қатъи назар фойдаланиши мумкин бўлган давлат хизматларининг кўламини кенгайтириш;

давлат, ижтимоий ва бошқа хизматларни кўрсатишда фуқаронинг шахсини тасдиқлашнинг ягона идентификация рақамини жорий этиш;

давлат органлари ва ташкилотлари ўртасида электрон маълумот алмашинувини йўлга қўйиш орқали улар ўртасида қофоз кўринишида хужжат тақдим этиш амалиётига чек қўйиш;

фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларига кўрсатилган давлат хизматларининг натижаларини почта алоқаси орқали етказиш амалиётини йўлга қўйиш;

«марказ-маҳалла-фуқаро» тамойили бўйича давлат хизматлари марказлари орқали кўрсатиб келинаётган хизматларнинг ҳар бир оиласига кириб боришини таъминлаш бўйича Қарши шаҳар тажрибасини жорий этиш.

22. 2021 йил 1 майдан бошлаб мамлакатимизга 2005 йил 1 январга қадар

келиб, доимий яшаётган, шунингдек, мамлакатимизда 15 йил давомида доимий яшаб турган фуқаролиги бўлмаган (чет давлат фуқаролигини қабул қилмаган) шахслар томонидан истак билдирилган тақдирда Ўзбекистон Республикаси фуқароси деб тан олиш тартиби жорий қилинсин.

23. Инсон хукуқларини таъминлаш соҳасидаги халқаро стандартлар ва инсонпарварлик тамойилини кенг жорий этиш мақсадида:

2021 йил 1 апрелга қадар Олий Мажлиснинг Инсон хукуқлари бўйича вакили (омбудсман) томонидан ҳар чоракда жамоатчилик вакиллари билан биргаликда тергов изолятори ва жазони ўташ муассасаларига «мониторинг ташрифлари» тизимини йўлга қўйиш чораларини кўриш тавсия этилсан;

2021 йил 1 июнга қадар жазони енгилроғи билан алмаштириш ва шартли озод қилиш тўғрисида тақдимнома киритиш ваколати жазони ижро этиш муассасаларидан янги ташкил этиладиган инсонпарварлик комиссияларига ўтказилсан;

2021 йилда 6 тагача манзил-колониялар қисқартирилсан.

24. Кенг жамоатчиликнинг қўйидаги таклифлари маъқуллансан:

а) ўйл ҳаракати хавфсизлиги хизматининг асосий фаолиятини фуқароларга кўмак беришга йўналтириш ҳамда коррупцияга имкон берадиган омилларни бартараф этиш чораларини кўриш учун:

автомототранспорт воситасини техник кўриқдан ўтказишни экстерриториаллик принципи асосида йўлга қўйиш ва янги автомототранспорт воситасини техник кўриқдан ўтказиш талабини бекор қилиш;

Тошкент, Нукус шаҳарларида ва вилоятлар марказларида биттадан рўйхатдан ўтказиш ва имтиҳон олиш бўлим (бўлинма)ларида фуқароларнинг доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинган худудидан қатъи назар автомототранспорт воситаларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва уларга давлат рақами белгиларини беришни амалга ошириш;

барча рўйхатдан ўтказиш ва имтиҳон олиш бўлим (бўлинма)ларида ҳамда камида 20 та давлат хизматлари марказларида миллий ҳайдовчилик гувоҳномасини расмийлаштиришни (шу жумладан, алмаштириш ёки ўқолгани ўрнига янгисини бериш) фуқароларнинг доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинган худудидан қатъи назар амалга ошириш;

ҳайдовчилик гувоҳномасини олишга талабгорлардан имтиҳон олиш жараёнини жамоатчилик томонидан, шу жумладан Интернет жаҳон ахборот тармоғи орқали кузатиш имконини яратиш;

илғор хорижий тажрибага асосланган ҳолда, автомобиль йўл транспорт ҳодисаларининг олдини олиш ҳамда ўлим ҳолатларини, шу жумладан пиёдалар ўтиш жойларининг замонавий светофорлар билан таъминланганлик даражасини босқичма-босқич ошириш орқали қисқартириш.

Ички ишлар вазирлиги уч ой муддатда ушбу бандда назарда тутилган чора-тадбирлар амалга оширилишини таъминлаш бўйича Ҳукумат қарори лойихасини киритсан;

б) республика худудида давлат ўрмон фондига кирмайдиган дарахт ва буталарнинг қимматбаҳо навлари кесилишига жорий этилган мораторийнинг амал қилиш муддатини 2021 йил 31 декабрга қадар узайтириш. Бунда:

хар бир кесилган дарахт ва буталар учун компенсация тарзида 10 туп құмматилиги жиҳатидан кесиладиган дарахт ва буталардан кам бўлмаган, йирик ўлчамли қўчат экиш хамда уларни камида икки йил давомида парвариш қилиш, ноконуний кесилган дарахт ва буталар учун эса уч йил давомида парваришлаш шарти билан 100 туп қўчат экиш мажбурияти киритилсин;

дарахт ва буталарнинг кесилишига жорий этилган мораторий талаблагирига риоя этилиши устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш мақсадида дарахт ва буталарнинг ноконуний кесилишини аниқлаган ёки олдини олган фуқароларни рағбатлантириш тизими жорий этилсин.

Экология ва атроф-мухитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси икки ой муддатда атроф-мухитга етказилган зарарни қоплаш тартибини қайта кўриб чиқиб, табиатни қайта тиклашга қаратилган компенсация механизmlарини кенг жорий этсин.

25. Ташқи ишлар вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда икки ой муддатда хорижий мамлакатлар билан 2021 йилда савдо-иктисодий, инвестициявий, илмий-маърифий, маданий-гуманитар ва сиёсий соҳаларда, шунингдек, хавфсизлик соҳасида хамкорликни фаоллаштиришга қаратилган, шу жумладан Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ва тадбиркорлик субъектлари учун тартиб-таомилларни соддалаштириш ва маҳсус қулай режимлар тақдим этишини назарда тутувчи аниқ чора-тадбирлар бўйича таклифларни киритсин.

26. Адлия вазирлиги «Тараққиёт стратегияси» маркази ва «Юксалиш» умуммиллий харакати билан биргаликда:

Давлат дастури амалга оширилишининг боришини тизимли мониторинг қилиш, уни сифатли ва ўз вақтида бажариш учун қўшимча чоралар кўриш бўйича тавсияларни ишлаб чиқиш;

Давлат дастури амалга оширилишининг бориши тўғрисидаги ахборотни ҳар ойда умумлаштириш хамда яқунларини аниқ кўрсаткичлар ва эришилган ижобий ўзгаришларни, таҳлилий ахборот кўринишида акс эттирган ҳолда, ўз веб-сайтларида жойлаштириш;

мониторинг натижалари тўғрисидаги ахборотни ҳар ойда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ва Вазирлар Маҳкамасига киритиш;

Давлат дастурини амалга ошириш яқунларига бағишлиланган ахборот-таҳлилий шарҳларни тайёрлаш, уларни хорижий тилларда эълон қилиш ва кенг тарқатишини таъминласин.

27. Олий Мажлис палаталари ва Вазирлар Маҳкамасининг Давлат дастурининг изчил ва ўз вақтида ижросини назорат килишни қўйидаги тартибда амалга ошириш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин:

Қорақалпогистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоят, туман, шаҳар ҳалқ депутатлари Кенгашлари ўз худудларида Давлат дастурини амалга ошириш бўйича ўн кун муддатда чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқади ва ҳар ойда ўз мажлисларида муҳокама қилиб боради;

Вазирлар Маҳкамаси ҳар ойда Давлат дастури бажарилишини Бош

вазир ўринбосарлари ва маслаҳатчилари хузурида танқидий кўриб чиқади, ҳар чоракда Ҳукумат Раёсатида муҳокама қилиб боради ҳамда ўз вақтида ва тўлиқ бажарилмаган тадбирлар юзасидан масъул вазирлик ва идоралар раҳбарларига нисбатан тегишли чоралар кўради;

Олий Мажлис палаталари ҳар чоракда Бош вазир ва Ҳукумат аъзоларининг Давлат дастури бажарилиши юзасидан ахборотларини эшитиб боради ҳамда бу борада вазирлик ва идоралар фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган таклифларни ишлаб чиқади;

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси Адлия вазирлиги ва Ҳисоб палатаси билан биргаликда ҳар ойда Давлат дастури бажарилишини назорат қилиб боради ҳамда унинг ўз вақтида ва тўлиқ ижро этилишини таъминлаш чораларини кўради.

28. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясига Халкаро пресс-клуб билан ҳамкорликда:

ушбу Фармоннинг мақсад ва вазифалари оммавий ахборот воситалари ва Интернет жаҳон ахборот тармоғида кенг тушунтирилишини;

Давлат дастури амалга оширилишининг бориши тўғрисидаги холис ва тўлиқ маълумотнинг кенг жамоатчиликка тезкорлик билан етказилишини таъминлаш тавсия этилсин.

29. Адлия вазирлиги манфаатдор идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

30. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш. Низомиддинов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2021 йил 3 февраль,  
ПФ-6155-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ФАРМОНИ**

**41 Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар тизими  
ми ҳамда замонавий хизматлар кўрсатишни янада  
ривожлантириш тўғрисида\***

Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 — 2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тўлақонли амалга ошириш, шунингдек, тадбиркорлик субъектларига илмий асосланган ахборот, замонавий хизматларни кўрсатиш, ишлаб чиқаришга илм-фан ютуқлари ва инновацияларни кенг жорий этиш, таълим, илм-фан, ишлаб чиқариш ва агрохизматлар кўрсатиш тизимининг узвий интеграциясини таъминлаш мақсадида:

1. Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар тизимини 2021 — 2025 йилларда устувор ривожлантириш концепцияси (кейинги ўринларда — Концепция) 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Концепция доирасида қишлоқ хўжалиги тармоқларида таълим, илм-фан, ишлаб чиқариш ва қишлоқ хўжалиги субъектларига замонавий агрохизматлар кўрсатишнинг узвий тизимини ўзаро боғлайдиган Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузурида Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази (кейинги ўринларда — Миллий марказ) ташкил этилсин ва у куйидаги йўналишларда фаолият юритишга масъул этиб белгилансин:

қишлоқ хўжалиги соҳасида таълим, илм-фан ва ишлаб чиқаришнинг узвий интеграциясини таъминлаш;

фермер хўжаликлари, қишлоқ хўжалиги кластерлари ва кооперациялари ҳамда илфор хорижий илмий-тадқиқот муассасалари билан манфаатли илмий-ишлаб чиқариш ҳамкорлигини йўлга қўйиш, янги илмий ишланмалар, инновациялар ҳамда ракамли технологияларни жорий этиш;

барча турдаги давлат илмий ва олий таълим муассасаларининг қишлоқ хўжалиги соҳасида амалга ошириладиган илмий-тадқиқот фаолиятини мувофиқлаштириш;

қишлоқ хўжалиги тармоқларининг малакали мутахассисларга бўлган жорий ва истиқболдаги эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни таъминлаш;

қишлоқ хўжалиги соҳасида фундаментал, амалий ва инновацион тадқиқотларни амалга ошириш, олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш, илфор тажриба ва замонавий технологиялар асосида уларнинг малакасини ошириш;

қишлоқ хўжалигида хусусий секторни кенг жалб этган ҳолда билим, малака ва кўнікмаларнинг самарали алмашинуви ҳамда узатилишини таъминлайдиган миллий ахборот ва маслаҳат хизматлари тармоғини ривожлантириш;

---

\* Ушбу Фармон «Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 4 февралда эълон қилинган.

халқаро сифат стандартларини жорий қилишда кўмаклашиш, маҳсулот этиширувчилар ва агробизнеснинг ўзаро ҳамкорлик платформасини ташкил этиш.

3. Қишлоқ хўжалиги соҳасида таълим, илм-фан ва ишлаб чиқаришнинг узвий интеграциясини таъминлаш бўйича Мувофиқлаштирувчи кенгаш (кеёнинг ўринларда — Мувофиқлаштирувчи кенгаш) ташкил этилсин ва унинг таркиби 2-иловага\* мувофиқ тасдиқлансан.

Мувофиқлаштирувчи кенгаш (Ш.М. Фаниев):

қишлоқ хўжалиги соҳаси ҳамда унинг тармоқлари бўйича илмий изланишлар олиб бораётган ва кадрлар тайёрлаётган барча турдаги давлат илмий-тадқиқот ва олий таълим муассасаларининг ўзаро ҳамкорлигини таъминласин;

қишлоқ хўжалиги соҳаси мутахассисларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ишларини самарали ташкил этсин;

қишлоқ хўжалиги соҳасидаги талаб ва илгор хорижий тажрибалар асосида олий ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасаларида Давлат таълим стандартлари, ўкув режа ва дастурларининг тизимли равишда тақомиллаштирилишини таъминласин;

қишлоқ хўжалиги соҳасидаги илмий-тадқиқот муассасаларининг йиллик иш режасини ҳамда улар фаолияти самарадорлигини баҳолаш индикаторларини тасдиқласин;

қишлоқ хўжалиги соҳасида илмий-тадқиқот натижаларини тижоратлаштириш, илм-фан ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этиш, ишлаб чиқариш муаммоларига илм-фан орқали ечим топиш мақсадида соҳадаги илмий-тадқиқот муассасалари ва қишлоқ хўжалиги кластерлари ўртасида келишувлар тузиш амалиётини йўлга қўйсин.

Илмий-тадқиқот институтларига биректирилаётган вазирлик, идора ва хўжалик бирлашмалари рўйхати 3-иловага\* мувофиқ маъқуллансан.

4. Белгилансинки:

Миллий марказ Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг ишчи органи ҳисобланади;

Миллий марказ ўз тизимидағи илмий-тадқиқот муассасаси фаолиятига бевосита раҳбарлик қиласи, чорвачилик йўналишлари, ўрмон ва сув хўжалиги, ипакчилик соҳаларида фаолият юритувчи илмий-тадқиқот муассасалари билан ҳамкорликдаги фаолиятни йўлга қўяди, қишлоқ хўжалиги соҳасидаги олий ва профессионал таълим муассасаларининг илмий ва инновацион фаолиятини мувофиқлаштиради;

Миллий марказ Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат таъминоти илмий ишлаб чиқариш маркази, «АгроИнновация» ДУК, «Ғўза уруғчилиги маркази» негизида ташкил этилади.

5. 2021 йилдан бошлиб қишлоқ хўжалиги соҳасида илмий тадқиқотлар ва инновацион ишларга буюртмаларни шакллантириш ва молиялаштиришнинг қўйидаги тартиби жорий этилсин:

а) Мувофиқлаштирувчи кенгаш 2021 йил 1 апрелга қадар Қишлоқ

\* 2-3-иловалар «Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

хўжалигининг устувор йўналишлари, глобал, миңтақавий ва худудий муаммаларнинг илмий ечимларини тадқиқ қилиш бўйича кейинги беш йилга мўлжалланган дастурни (кейинги ўринларда — беш йиллик дастур) ишлаб чиқади ва эълон қиласди.

Беш йиллик дастур қишлоқ хўжалиги соҳасидаги идоралар, уюшмалар ва бошқа ташкилотлар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, илмий-тадқиқот муассасалари, қишлоқ хўжалиги ва унга хизмат кўрсатувчи субъектлар, жумладан агросаноат кластерлари, кооперациялар, фермер ва дехқон хўжаликларининг таклифлари асосида шакллантирилади;

б) беш йиллик дастурда назарда тутилган йўналишлар қишлоқ хўжалиги соҳасида илмий лойиҳалар бўйича давлат буюртмаларини шакллантириш учун Иnnovation ривожланиш вазирлигига тақдим этилади;

в) беш йиллик дастурда назарда тутилган, шунингдек, қишлоқ хўжалиги субъектлари томонидан таклиф этилган ва бюджетдан молиялаштирилмаган ёки тўлиқ молиялаштирилмаган лойиҳаларни ҳамда бошқа вазифаларни амалга ошириш мақсадида, Миллий марказ ҳузурида Қишлоқ хўжалигига билим ва инновацияларни қўллаб-куватлаш жамғармаси (кейинги ўринларда — Жамғарма) ташкил этилади.

Жамғарма маблағлари республика бюджети, маҳаллий бюджет даромадларининг прогноздан ошириб бажарилган қисми, вазирлик ва идораларнинг бюджетдан ташқари маблағлари, хомийлик хайриялари, халқаро ва хорижий ташкилотларнинг грантлари, илмий тадқиқот ишларини молиялаштириш ва уларнинг якуний натижасидан фойдаланиш истагини билдирган қишлоқ хўжалиги субъектлари ва бошқа шахсларнинг маблағлари ҳамда қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар хисобидан шакллантирилади.

Жамғарма маблағларини бошқариш Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг ишли органи — Миллий марказ томонидан амалга оширилади.

Илмий тадқиқотлар ва инновацион ишланмаларнинг бюджет маблағлари ҳамда Жамғарма маблағлари хисобидан молиялаштирилиши уларни молиялаштириш учун бошқа маблағларни тўғридан-тўғри жалб қилишни истисно қилмайди.

Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда Қишлоқ хўжалигига билим ва инновацияларни қўллаб-куватлаш жамғармаси тўғрисидаги низомни тасдиқласин.

#### 6. Куйидагилар:

2021-2022 йилларда Миллий марказнинг Республика агрохизматлар маркази, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар агрохизматлар марказлари (кейинги ўринларда — худудий агрохизматлар марказлари);

2022 йилдан бошлаб босқичма-босқич қишлоқ туманларида Миллий марказнинг туман агрохизматлар марказлари (кейинги ўринларда — туман агрохизматлар марказлари) ташкил этилсин.

#### 7. Белгилансинки:

а) Республика агрохизматлар маркази, худудий ва туман агрохизматлар марказлари:

Жаҳон банкининг «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш» лойихаси доирасида ажратиладиган маблағларни жалб этган ҳолда ёки давлат-хусусий шериклик шартлари асосида ташкил этилади;

ўз фаолиятини ахборот ва маслаҳат хизматлари кўрсатиш тизими асосида амалга оширади;

б) худудий агрохизматлар марказлари Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат таъминоти илмий-ишлаб чиқариш марказининг худудий бўлинмалари негизида ташкил этилади;

в) Республика агрохизматлар маркази, худудий ва туман агрохизматлар марказлари ўз фаолиятини қўйидаги йўналишларда ташкил этади:

худудларнинг узоқ муддатли ривожланиш тенденциялари ва инсон капитали бозори талабларидан келиб чиқкан ҳолда соҳада кадрларга бўлган эҳтиёжни аниқлаш;

хорижий тажриба асосида қишлоқ хўжалиги соҳасида фаолият олиб бораётган кадрларнинг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш;

худуднинг қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши эҳтиёжларидан келиб чиқиб илмий ташкилотларга тайёр илмий ишланмалар ва тегишли илмий маслаҳатларга буюртмаларни шакллантириш;

кишлоқ хўжалиги соҳаларининг долзарб йўналишлари бўйича тайёрланган илмий ишланмаларни худудлар шароитига мослаштириш йўналишидаги тадқиқотларни амалга ошириш, унинг натижаларини бевосита қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи субъектларга етказиш;

худудлар аграр соҳаси асосий ихтисослашувидан келиб чиқкан ҳолда ҳалқаро тажрибалар ҳамда илмий фаолият натижаларини тижоратлаштириш;

қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасидаги барча хизматларни «ягона дарча» тамоили асосида амалга ошириш;

қишлоқ хўжалиги субъектларига бевосита ва онлайн ҳамда «call-марказ» орқали хизмат кўрсатиш.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 11 августдаги «Ҳалқаро тикланиш ва тараққиёт банки ҳамда Ҳалқаро тараққиёт уюшмаси иштирокида «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш» лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4803-сон қарорига асосан қишлоқ хўжалигига давлат бошқаруви ва илмий-тадқиқот институтларини трансформация қилишга Жаҳон банкининг 160 млн АҚШ доллари миқдоридаги маблағлари йўналтирилаётганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Белгилансинки, мазкур маблағлар Миллий марказ, унинг тизимидағи муассасалар ҳамда агрохизматлар марказлари фаолиятини ташкил этиш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, соҳа мутахассислари, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етишитирувчиларнинг билим ва кўнікмаларини ошириш, қайта тайёрлаш ва лойиҳада назарда тутилган бошқа тадбирларга йўналтирилади.

9. 2021 йил 1 марта бошлаб, тажриба тариқасида, Миллий марказ

тизимидағи илмий-тадқиқот муассасаларыда тадбиркорлик субъектларини жалб этган ҳолда кичик илмий-инновацион корхоналар ташкил этишга рухсат берилсин, бунда:

а) илмий-тадқиқот муассасаси:

худудларнинг тупрок-иқлим шароитларидан келиб чиқиб, қишлоқ хўжалиги экинларининг илмий асосланган ҳолда экилишини ташкил этади;

кишлоқ хўжалиги экинларининг уруғчилик ва селекциясини йўлга кўяди, янги нав ва дурагайларни яратади;

ўсимликларни зарапкунандалардан асраш, тупрок унумдорлигини ошириш бўйича илмий асосланган таклифлар ишлаб чиқади;

б) тадбиркорлик субъектлари:

илмий-тадқиқот муассасасининг янги нав ва дурагайларни яратиш бўйича фаолиятини молиявий таъминлашга кўмаклашади ҳамда унинг натижаларини тижоратлаштириш чораларини кўради;

ички ва ташқи бозор талабларидан келиб чиқиб, экспортбоп қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштиришни йўлга кўяди ва уни оммалаштиради;

янги ички ва ташқи бозорларни топиш, халқаро стандартларга мос келувчи лабораториялар, уруғликни сақлаш, саралаш, қадоклаш ва мева-сабзавотни қайта ишлаш ускуналарини харид қилишга кўмаклашади;

кишлоқ хўжалиги маҳсулотларини саралаш, қадоклаш, миллий бренд асосида экспорт қилиш чораларини кўради;

в) фойда солиғи бўйича жами даромадни аниқлашда тадбиркорлик субъектлари — солиқ тўловчиларнинг илмий тадқиқотларга ва (ёки) тажриба-конструкторлик ишланмаларига доир харажатлари, амортизация қилинадиган активларни олишга оид харажатлардан ташқари, тегишли илмий тадқиқотлар ва (ёки) тажриба конструкторлик ишланмаларининг натижасидан қатъи назар, Солиқ кодексида назарда тутилган тартибда бундай тадқиқотлар ва ишланмалар (хизматларнинг алоҳида босқичлари) тугалланган ва (ёки) қабул қилиш-топшириш далолатномасини тарафлар имзолаганидан кейин чегириб ташланади.

10. Белгилансинки, 2021 йил 1 февралдан бошлаб Миллий марказ, мазкур Фармонга 4-иловада\* кўрсатилган илмий-тадқиқот институтлари ҳамда улар тизимида киравчи илмий-тажриба станциялари ва участкаларининг (кейинги ўринларда — илмий-тадқиқот муассасалари) бино ва иншоотларини сақлаш, шунингдек, уларнинг ходимлари (илмий ходимлардан ташқари) меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича харажатларни молиялаштириш Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади, бунда:

Миллий марказнинг бошқарув аппарати ходимларига Қишлоқ хўжалиги вазирлиги марказий аппарати ҳамда агрохизматлар марказлари ходимларига вазирликнинг худудий бўлинмалари учун белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш ва моддий рафбатлантириш шартлари мос равишда қўлланилади;

Илмий-тадқиқот муассасалари ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш шартлари бюджет маблағлари ҳисобидан фундаментал, амалий тадқиқотлар ва инновацион ишларнинг илмий-техника дастурларини амалга оширища

\* 4-илова «Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

қатнашувчи илмий-тадқиқот муассасалари илмий ва раҳбар ходимларининг базавий лавозим маошларига тенглаштирилади;

Миллий марказ, илмий-тадқиқот муассасаларининг бошқа харажатларини молиялаштириш уларнинг илмий, ишлаб чиқариш, илмий тадқиқот ишлари натижаларини тижоратлаштириш ва хизмат кўрсатиш фаолиятидан тушадиган маблағлар, хорижий ва халқаро ташкилотларнинг грантлари, ҳомийлик хайриялари, шунингдек, қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

11. Миллий марказ ва илмий-тадқиқот муассасаларига бюджетдан ташқари манбалар ҳисобидан шаклланадиган маблағларни мустақил тасарруф этиш ҳуқуқи берилсин, бунда ушбу ташкилотлар:

бюджетдан ташқари маблағларни бошқариш учун тижорат банкларида ҳисоб рақами очиши ва ундаги маблағлардан мустақил фойдаланиши мумкин (бюджет ташкилотларининг ғазна ҳисоб рақамларидан фойдаланишга доир талаблар ушбу маблағлардан фойдаланишга нисбатан татбиқ этилмайди);

юқори малакали мутахассисларни шартнома асосида жалб этади, ходимларга устамалар ва моддий рафбатлантиришнинг бошқа турлари миқдорларини мустақил белгилайди;

саклаш харажатлари, вазифа ва мажбуриятларни бажариш, ходимларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, моддий-техник базани мустаҳкамлаш, дастурий таъминотлар, замонавий ахборот-коммуникация воситалари, илмий лабораториялар учун маблағларни мустақил сарфлайди.

12. Бош вазир ўринбосари Ш.М. Фаниев:

бир ҳафта муддатда мазкур Фармонда назарда тутилган вазифаларни ижрочилар ва худудлар кесимида тасдиқласин ҳамда ижрога қаратсин;

икки ҳафта муддатда қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар тизимини 2021 — 2025 йилларда устувор ривожлантириш концепциясини амалга ошириш бўйича «Йўл ҳаритаси»ни ишлаб чиқсин ҳамда тасдиқласин.

13. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Ж.А. Ходжаев) манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

14. Адлия вазирлиги мазкур Фармоннинг ижрочиларга етказилишини, унинг мазмун-моҳияти тегишлилиги бўйича давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, уларнинг худудий бўлинмалари, ахолига тушунтирилишини ҳамда ижрога қаратилишини таъминласин.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6 сентябрдағи «Профессионал таълим тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5812-сон Фармонига 5-иловага\* мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

16. Мазкур Фармоннинг ижросини ташкил этишга масъул ва шахсий

---

\* 5-илова «Конун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

жавобгар этиб Бош вазир ўринбосари Ш.М. Фаниев, қишлоқ хўжалиги вазири Ж.А.Ходжаев, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ва вилоятлар ҳокимлари белгилансин.

Фармоннинг ижросини ҳар чоракда муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш. Низомиддинов зимасига юклансин.

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижадорлиги юзасидан 2021 йил 1 июль ва 30 декабрга қадар Ўзбекистон Республикаси Президентига ахборот берилсан.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2021 йил 3 февраль,  
ПФ-6159-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2021 йил 3 февралдаги  
ПФ-6159-сон Фармонига  
1-ИЛОВА

**2021 — 2025 йилларда қишлоқ хўжалигида билим ва  
инновациялар тизимини устувор ривожлантириш  
КОНЦЕПЦИЯСИ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

Кейинги йилларда қишлоқ хўжалигида илмий-тадқикот фаолияти самарадорлигини ошириш, илфор технологиялар, илм-фан ютуқларини кенг жорий этиш, аграр соҳада билимларни тарқатиш ва инновацияларни жорий қилиш билан боғлиқ хизматларни ташкил қилиш борасида муайян чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Илм-фан соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар натижасида ҳудудларнинг тупроқ-икклим шароитларига мос ва экспортбоп маҳсулот ишлаб чиқариш имконини берувчи ўсимликларнинг янги навлари, экинларни парваришлиш ҳамда маҳсулот этиштириш бўйича ресурс тежайдиган интенсив агротехнологиялар амалиётга изчил татбиқ қилинмоқда.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини этиштиришда давлат буюртмаси бекор қилиниб, соҳада бозор тамойиллари ҳамда молиялаштиришнинг янги механизмлари жорий этилди. Хўжалик юритишнинг замонавий шакллари, жумладан кластер ва кооперациялар ташкил этилиб, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш, қайта ишлаш, логистика тизимини кенгайтириш

орқали қўшилган қиймат занжирини яратиш тадбирлари амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, агросаноат мажмууда стратегик тадқиқотлар ва прогнозлаш ишлари тизимли ташкил этилмаётганлиги сабабли соҳа ва унинг тармоқларида мавжуд муаммоларни таҳлил қилиш асосида илмий асосланган хulosаларга таянган ҳолда ривожлантириш истиқболларини белгилаш бўйича яхлит тизим яратилишига эришилмаган.

Натижада, кишлоқ хўжалигида таълим, илм-фан, инновацион фаолият ва ишлаб чиқаришнинг чуқур интеграциясини таъминлаш ҳамда ушбу тизимнинг самарали бошқарув бўғинларини шакллантириш зарурати пайдо бўлмоқда.

2021 — 2025 йилларда қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар тизимини устувор ривожлантириш концепцияси (кейинги ўринларда — Концепция) ушбу вазифаларни амалга оширишга хизмат қилади.

Мазкур Концепциянинг асосий мақсади қишлоқ хўжалигида таълим, илм-фан, инновацион фаолият ва ишлаб чиқаришнинг интеграциясини янада чуқурлаштириш, янги билимларни яратиш ва қўллаш, ресурс тежайдиган инновацион технологиялар, илфор хорижий ва маҳаллий фан ютуқларини жорий этиш, замонавий билим ва малакага эга мутахассисларни тайёрлаш ҳамда агрохизматлар кўрсатиш тизимини ривожлантиришга ўналтирилган бўлиб, кўйидаги устувор ўналишларни қамраб олади:

мехнат бозори конъюнктураси ўзгаришига мос ҳолда инсон капиталини ривожлантиришга қаратилган аграр таълим тизимини такомиллаштириш;

агросаноат мажмуудаги илмий муассасаларнинг илмий ва инновацион фаолиятини янада ривожлантириш;

қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, сақлаш ва қайта ишлаш билан шуғулланувчи субъектлар учун ахборот ва маслаҳат тизими асосида иш юритадиган агрохизматлар кўрсатиш тармоғини ривожлантириш.

## **2-боб. Концепциянинг устувор ўналишлари**

### **I. Мехнат бозори конъюнктураси ўзгаришига мос ҳолда инсон капиталини ривожлантиришга қаратилган аграр таълим тизимини такомиллаштириш**

Яқин истиқбол ва келажакдаги мақсадли вазифалардан келиб чиқиб, олий ва профессионал таълим қамровини кенгайтириш, таълим жараёнига рақамли ва замонавий технологияларни жорий этиш, олий ва ўрта маҳсус маълумотга эга бўлган мутахассислар тайёрлаш, таълим сифатини ошириш ҳамда ушбу жараёнга кадрлар буюртмачиларини фаол жалб этиш, мехнат бозоридаги тенденциялар ўзгариб боришини хисобга олган ҳолда, мутахассисларнинг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш, олий таълим ва илмий муассасаларда илмий-тадқиқот ишлари натижадорлигини таъминлаш бугунги куннинг долзарб вазифаларидир.

Иқтисодиёт тармоқлари ва мехнат бозорининг ўзгарувчан талаблари

ҳамда кадрлар буюртмачиларининг эҳтиёжларидан келиб чиқсан ҳолда давлат таълим стандартлари, ўқув режалари ва фан дастурлари ҳамда дарсликларни янгилаш, замонавий, юкори самарали ахборот-коммуникация технологияларини ўқув жараёнинг жорий этиш асосида талаба ва ўқувчиларнинг амалиётини ташкил этишни тубдан такомиллаштириш, қишлоқ хўжалиги соҳасидаги олий ва профессионал таълим муассасаларида кадрлар тайёрлаш сифатини оширишнинг истиқболли мақсадлари қўйидагилардан иборат:

қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар тизими доирасида йўналишлар ва ҳудудлар кесимида малакали мутахassisларга бўлган эҳтиёжни аниглаш;

қишлоқ хўжалигида билим ва инновацияларга бўлган эҳтиёждан келиб чиқсан ҳолда олий ва профессионал таълим муассасаларининг фаолиятини такомиллаштириш. Бунда:

мехнат бозори таҳлиллари асосида тайёрланган хулосаларга таяниб, олий ва профессионал таълим муассасаларининг кадрлар тайёрлаш ва ўқув режаларини ҳамда ўқув фанлари дастурларини такомиллаштириш;

қишлоқ хўжалиги йўналишидаги олий ва профессионал таълим муассасаларининг барча йўналишларида «Агроконсалтинг» курси доирасида ўқув жараёнини ташкил этиш;

мақсадли йўналишларда олий ва профессионал таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларининг малакасини ошириш;

ўқув-методик материалларни тайёрлаш, жумладан ўқув жараёнинг New Extensionist Learning Kits (агроконсультантларнинг янги авлодини ўқитиш) воситаларини жорий этиш;

Миллий марказда ҳамда замонавий агротехнологиялар асосида фаолият юритувчи хўжалик субъектларида талаба ва ўқувчиларнинг ўқув ва ишлаб чиқариш амалиётини ташкил этиш;

олий ва профессионал таълим муассасаларининг ўқув лабораторияларини модернизациялаш ва реконструкция қилиш ҳамда янгиларини қуриш ва жиҳозлаш;

қишлоқ хўжалиги мутахassisларининг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш тизимини самарали ташкил этиш Дастурини ишлаб чиқиш;

Миллий марказ ва унинг ҳудудий агрохизматлар марказларида янги хизмат турларини кенг жорий этиш мақсадида хорижий мутахassisларни жалб қилиш;

Миллий марказ ва унинг ҳудудий агрохизматлар марказларида фаолият олиб бораётган ва жалб қилинган ходимларни KPI тизими асосида баҳолаш механизмини жорий этиш;

агрохизматлар кўрсатиш сифатини ошириш бўйича хорижий эксперталарни жалб этган ҳолда, ўқув ва амалий семинар ҳамда тренингларни ташкил этиш ҳамда Training of Trainers (TOT) дастурларини йўлга қўйиш;

қишлоқ хўжалиги мутахassisларини шартнома асосида қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсларини, жумладан Миллий марказ ва унинг ҳудудий агрохизматлар марказлари базасида ташкил этиш;

профессор-ўқитувчилар алмашинуви ва уларнинг касбий ҳаракатчанлигини таъминлаш назарда тутилади.

## **II. Агросаноат мажмуидаги илмий муассасаларнинг илмий ва инновацион фаолиятини янада ривожлантириш**

Ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, қишлоқ хўжалиги экинлари хосилдорлигини ошириш, янги навларни яратиш, селекция, уруғчилик ва кўчаччиликни ривожлантириш, илм-фан ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этиш, республика худудларини муайян қишлоқ хўжалиги экинлари ва озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришга ихтисослаштириш каби концептуал йўналишларга асосланган илм-фани ривожлантириш долзарб вазифа ҳисобланади. Бунда:

Қишлоқ хўжалиги соҳасида таълим, илм-фан ва ишлаб чиқаришнинг узвий интеграциясини таъминлаш бўйича Мувофиқлаштирувчи кенгаш фаолиятини йўлга қўйиш орқали қишлоқ хўжалиги соҳаси ҳамда унинг тармоқлари бўйича илмий изланишлар олиб бораётган ва кадрлар тайёрлаётган барча турдаги давлат илмий-тадқиқот ва олий таълим муассасаларининг ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш;

қишлоқ хўжалиги соҳасида илмий тадқиқот натижаларини тижоратлаштириш, илм-фан ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этиш, ишлаб чиқариш муаммоларига илм-фан орқали ечим топиш мақсадида соҳадаги илмий-тадқиқот муассасалари ва кластер, кооперациялар, фермер ҳамда дехқон хўжаликларининг узвий ҳамкорлигини йўлга қўйиш;

Қишлоқ хўжалиги ва унга хизмат кўрсатувчи субъектлар, жумладан агросаноат кластерлари, кооперациялар, фермер ва дехқон хўжаликларининг таклифлари асосида Қишлоқ хўжалигининг устувор йўналишлари, глобал, минтақавий ва худудий муаммоларнинг илмий ечимларини тадқиқ килиш бўйича беш йилга мўлжалланган дастурни ишлаб чиқиш.

Миллий дастур асосида фундаментал ва амалий тадқиқотлар, инновацион ва стартап лойиҳаларни амалга ошириш тизимини молиялаштириш, илмий тадқиқот натижаларини ишлаб чиқаришга жорий этиш ва бевосита буюртмаларга кўра тижоратлаштириш кўламини кенгайтириш, Миллий марказ мутахассислари ҳамда маслаҳатчилари малакасини оширишнинг истиқболли мақсадлари қўйидагилардан иборат:

сув танқислиги мавжуд бўлган худудларда ер ва сув ресурсларини барқарор бошқариш бўйича халқаро саммит ўtkазиш, хукуматлараро битим тузиш ҳамда халқаро илмий ҳамкорлик бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

таълим ва илмий фаолият йўналишидан келиб чиқсан ҳолда тизимдаги олий таълим муассасалари кафедралари ва илмий-тадқиқот ташкилотлари раҳбарларининг ўзаро функционал вазифаларини бажаришдаги ўриндошлик фаолияти доирасидаги интеграцион тизимни амалга ошириш механизми бўйича низом ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;

қишлоқ хўжалиги экинларининг дастлабки уруғчилигини ташкил этиш,

йўқолиб кетиш хавфи остида бўлган навларнинг уруғчилигини қайта тиклаш, етиширилган оригинал уруғларни «Уруғчиликни ривожлантириш марказига» манфаатли шартномалар орқали етказиб бериш тизимини йўлга кўйиш;

қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларининг илмий ишланмаларга бўлган талабини инобатга олган ҳолда замон талабларига жавоб берадиган, тижоратлаштириш даражаси юқори бўлган илмий тадқиқот натижаларини бевосита буюртмалар асосида ишлаб чиқиш ҳамда амалиётга татбиқ этиш ишлари кўламини кенгайтириш;

ресурс тежайдиган инновацион техника ва технологиялар бўйича илпор хорижий ва маҳаллий тажрибаларга оид маълумотлар базасини яратиш, қишлоқ хўжалиги субъектлари учун қулай ракамли ахборот алмашинуви тизимини шакллантириш;

илмий-тадқиқот ташкилотлари томонидан яратилган интеллектуал мулкни ҳалқаро миқёсда ҳимоя қилиш ва молиявий рағбатлантиришнинг хуқуқий асосларини такомиллаштириш;

илмий-тадқиқот ташкилотларида замонавий илмий-тадқиқот йўналишларини, лаборатория ва тажриба участкаларини ташкил қилиш, шунингдек, илмий тадқиқотларнинг сифати ва натижадорлигини ошириш мақсадида ноёб илмий объектлардан самарали фойдаланиш;

қишлоқ хўжалиги экинларининг ҳосилдор, иссиққа ва сувсизликка чидамли, яхши таъм, юқори даражадаги товар хусусиятларига эга нав ва дурагайларини яратиш мақсадида жаҳон коллекцияларидан селекция навлари ва дурагайларни интродукция қилиш;

агросаноат соҳасини ва қишлоқ худудларини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари бўйича фаолият юритадиган, ҳалқаро даражада эътироф этиладиган илмий мактабларни яратиш;

қишлоқ хўжалиги соҳаси билан боғлик илмий ташкилотлар фаолиятини қамраб олувчи ягона илмий тадқиқот тизимини шакллантириш;

қишлоқ хўжалиги соҳаси ривожланган хорижий давлатларнинг илмий кутубхоналари билан шартнома асосида илмий нашрлар фондини бойитиш;

илмий тадқиқотчилар, олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари ва талабаларининг электрон илмий адабиётлар каталогларидан ҳамда жаҳон таълим ресурсларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш;

жаҳон стандартлари асосида соҳага доир ноёб тарихий китоблар, энциклопедиялар, монография ва бошқа илмий нашрларнинг электрон каталоглар базасини босқичма-босқич шакллантириш.

### **III. Илмий ахборот ва маслаҳат тизими асосидаги агрехизматлар тармоғини ривожлантириш**

Агарар соҳа ташкилотлари учун қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ва қишлоқ худудларини ижтимоий ривожлантириш ҳамда янги иш ўринларини яратиш, агрехизматлар тармоғини яратиш ва кенгайтириш, таълим, илм-фан, инновацион фаолият ва ишлаб чиқаришнинг интеграция-

сини янада чукурлаштириш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бирiga айланди.

Голландиянинг Вагенинген Университети билан ҳамкорликда Академик М. Мирзаев номидаги Бордорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти худудида жаҳон стандартлари асосида етакчи давлатларнинг илмий марказлари ва институтлари андозасида, миллий қишлоқ хўжалиги манфаатларига асосланган Илмий-тадқиқот маркази ташкил этилади.

Илмий-тадқиқот маркази қишлоқ хўжалиги соҳасида илмий тадқиқотларнинг устувор йўналишлари бўйича молиялаштириш манбалари ва механизмини такомиллаштиришни инобатга олган ҳолда, Қишлоқ хўжалигида илмий тадқиқотларни амалга ошириш бўйича Миллий дастурни (кейинги ўринларда — Миллий дастур) ишлаб чиқади ва илмий лойихаларнинг баъжарилишини мувофиқлаштириш ва мониторингини юритиш ишларини амалга оширади.

Миллий дастур қўйидаги стратегик йўналишларни қамраб олади: озиқ-овқат хавфсизлиги ва озиқ-овқат маҳсулотларининг санитар-гигиеник хавфсизлигини таъминлаш;

глобал иқлим ўзгариши салбий оқибатлари ва прогнозини ҳисобга олган ҳолда ер ва сув ресурсларини барқарор бошқариш;

қўшилган киймат занжирини яратиш, жумладан қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотлари бозорлари ҳамда бозор инфратузилмасини ривожлантириш, экспортни кенгайтириш ва импортни оптималлаштириш;

агар соҳа тараққиётини прогнозлаш ва режалаштириш, мониторинг ва баҳолаш, шунингдек, қишлоқ хўжалигида билимлар ва инновациялар тизимининг самарали фаолият кўрсатишини бошқариш;

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги хузуридаги Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар Миллий маркази (кейинги ўринларда — Миллий марказ) бинолари ва инфратузилмаси обьектларини, шунингдек, синов ва кўргазма майдончалари иншоотларини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлашни амалга ошириш;

Миллий марказ хузуридаги худудий агрохизматлар марказларини босқичма-босқич ташкил этиш ҳамда уларнинг моддий-техника базасини замонавий техник воситалар ва технологиялар билан ривожлантириш;

қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар тизими фаолиятини халқаро стандартлар даражасида самарали ташкил этишга кўмаклашиш мақсадида хорижий эксперталар гурухини жалб этиш;

агрохизматлар кўрсатиш тартибини такомиллаштириш мақсадида «рекамли ахборот ва маслаҳат хизматлари» ахборот тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

агар соҳадаги тадбиркорлик субъектларининг хизмат турларига ва инновацион ишланмаларга бўлган эҳтиёжларини баҳолаш;

қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспортини янада ривожлантириш мақсадида «даладан истеъмолгача» тамойили асосида халқаро стандартларни кенг жорий этишга кўмаклашиш;

қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилари учун онлайн

режимида ахборот-маслаҳат ва агрохизматлар кўрсатиш тизимини йўлга қўйиш ҳамда маҳсулот етишириш бўйича тавсияларни ўзида қамраб олган мобил платформаларни яратиш;

агрохизматлар кўрсатиш жараёнини реал вақт режимида масофадан видеокузатиш, мониторинг қилиш ҳамда агрохизматлар кўрсатишнинг сифати ва тезкорлигини баҳолаш тизимини жорий этиш;

етакчи хорижий давлатлар билан ҳамкорликда қишлоқ хўжалиги экинларининг ўсиши ва ривожланишини, заараркунанда ва касалликлар билан зааррланишини ҳамда озуқа элементларига бўлган талабини сунъий йўлдошларнинг (Sentinel, Аист ва бошқалар) спектр тахлиллари орқали ўрганиши йўлга қўйиш;

давлат ва хусусий мулкчилик, шунингдек, давлат-хусусий шериклик шартларида юридик шахс мақомига эга бўлган консалтинг хизматларини ташкил этиш бўйича ташкилий, молиявий ва ҳукукий жиҳатдан қўллаб-куватлаш тадбирларини амалга ошириш;

Миллий марказ ва унинг худудий агрохизматлар марказлари фаолиятига аграр соҳа олимлари ва малакали мутахассисларни тизимли равища жалб этиш, агрохизматлар кўрсатувчи мутахассисларнинг маълумотлар базасини яратиш ва доимий янгилаб бориш;

илмий тадқиқотлар натижаларини тижоратлаштириш ва трансфер қилиш бўйича амалий тажрибага эга бўлган ташкилотлар билан ҳамкорликда ўқув семинарлари ва тренинглар ташкил этиш орқали Миллий марказ ҳамда унинг худудий агрохизматлар марказлари мутахассислари ва маслаҳатчиларининг малакасини ошириш.

### **3-боб. Концепцияни амалга оширишдан кутилаётган натижалар**

Концепцияни амалга оширишдан қўйидаги натижалар кутилмоқда:

қишлоқ хўжалиги соҳаси билан боғлиқ илмий-тадқиқот ташкилотлари фаолиятини қамраб олувчи ягона билим ва инновациялар тизими шакллантирилади;

қишлоқ хўжалигида билим ва инновацияларга бўлган эҳтиёждан келиб чиқиб, олий таълим муассасалари ҳамда агротехнологиялар техникумлари фаолияти такомиллаштирилади;

хорижий тажрибадан келиб чиққан ҳолда, Қишлоқ хўжалиги соҳаси учун кадрларни тайёрлаш, малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш тизимини самарали ташкил этиш дастури ишлаб чиқилади;

Миллий марказ ва унинг худудий агрохизматлар марказлари учун етук кадрларни тайёрлаш, уларнинг малакасини доимий ошириб бориш, қайта тайёрлаш ва фаолиятини сертификатлаш тизими яратилади;

глобал иқлим ўзгаришини инобатга олган ҳолда сув танқис минтақаларда ер ва сув ресурсларини барқарор бошқариш бўйича халқаро саммит ўтказилади ҳамда халқаро илмий-тадқиқот маркази ташкил этилади;

Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази худуди-

да Хитой Халқ Республикаси билан ҳамкорликда Янлин агроинновация парки ташкил этилади;

илмий-тадқиқот муассасалари томонидан яратилган интеллектуал мулкни халқаро миқёсда химоя қилиш ва молиявий рағбатлантиришнинг ҳукукий асослари такомиллаштирилади;

ахборот маслаҳат ҳамда хизматлар тармоғини ривожлантириш учун Халқаро эксперт кенгаши (International Expert Board) ташкил этилади;

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар Миллий маркази ҳузуридаги 100 дан ортиқ хизматларни кўрсатиш тизими йўлга қўйилади;

қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар марказлари фаолиятига аграр соҳа олимлари ва малакали мутахассисларни тизимли равишда жалб этиш, агрохизматлар кўрсатувчи мутахассислар тўғрисидаги маълумотлар базаси яратилади ва доимий янгилаб борилади.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

### **42 Қишлоқ хўжалиги машинасозлиги тармоғида соғлом рақобат мухитини яратишга доир қўшимча чора-тад- бирлар тўғрисида\***

Қишлоқ хўжалиги машинасозлиги тармоғида соғлом рақобат мухитини ривожлантириш, барча ишлаб чиқарувчиларга тенг шароитлар яратиш ва тармоқнинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш мақсадида:

1. Қишлоқ хўжалиги машинасозлиги тармоғида фаолият юритувчи маҳаллий қишлоқ хўжалиги техникасини ишлаб чиқарувчилар:

Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган эҳтиёт қисмлари ва бутловчи буюмларни қишлоқ хўжалиги техникасини ишлаб чиқариш ва унга сервис хизматини кўрсатиш учун импорт қилишда белгиланган тартибда шакллантириладиган рўйхатлар бўйича 2022 йил 1 январга қадар божхона тўловларидан (қўшилган қиймат солиги ва божхона йифимидан ташқари) озод килинсин;

қишлоқ хўжалиги техникасини ишлаб чиқариш ва унга сервис хизматини кўрсатиш учун бутловчи буюмлар, хомашё ва материалларни импорт қилишда товарлар эркин муомалага (импортга) чиқаришнинг божхона режимига жойлаштирилган санадан бошлаб қўшилган қиймат солигини 270 кун кечиктириб тўлашига рұксат берилсин.

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 2 февралда эълон қилинган.

2. Белгилансинки, ушбу қарорга мувофиқ имтиёзлар қўлланган ҳолда:

импорт қилинадиган эҳтиёт қисмлари ва бутловчи буюмлар рўйхатлари ва уларга тузатишлар имтиёз берилган ташкилот томонидан шакллантирилади ҳамда улар юзасидан Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги хузуридаги «Лойиҳалар ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш маркази» ДУКнинг ижобий хулосаси олинган тақдирда, импорт қилувчи ҳар қандай ташкилотлар рўйхатда кўрсатилган товарларни белгиланган тартибда импорт қилиш хуқуқига эга бўлади;

импорт қилинган товарлардан мақсадли фойдаланиш учун импорт қилган ташкилотлар раҳбарлари шахсан масъул хисобланади.

3. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги Молия вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва тегишли манфаатдор ташкилотлар билан биргаликда 2021 йил 1 декабрга қадар қишлоқ хўжалиги машинасозлигини янада ривожлантириши рағбатлантириш, шу жумладан тармоқда янги маҳсулотларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ҳамда маҳаллийлаштиришни чукурлаштиришга қаратилган лойиҳаларни хорижий ва маҳаллий инвесторлар учун жозибадорлигини ошириш бўйича таклифлар ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

4. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Ж.А. Кўчкоров ва С.Ў. Умурзаков зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2021 йил 1 февраль,  
ПҚ-4969-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ

**43**

**Шоли етиштиришни янада ривожлантириш чора-тад-  
бирлари тўғрисида\***

Сўнгти йилларда кишлок хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, экспортни ошириш, соҳага замонавий технологияларни татбиқ этиш ҳамда сув ресурсларидан оқилона фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бироқ, бугунги кунда тобора кучайиб бораётган сув тақчиллиги, ахоли ўсиши ҳамда бошқа инсон таъсири билан боғлиқ омиллар сувни кўп истеъмол қиласиган экинларни етиштиришга сувни тежайдиган технологияларни жорий этишни тақозо этмоқда.

Республикада шоли етиштириш, сақлаш, қайта ишлашнинг узлуксиз ва самарали тизимини такомиллаштириш, ички истеъмол бозорини гуруч маҳсулотлари билан барқарор таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш, бу борада илмий-тадқиқот ишларини кучайтириш ҳамда шоли етиштиришда сувни тежайдиган технологияларни кенг қўллаш мақсадида:

1. Кишлок хўжалиги вазирлиги, Инновацион ривожланиш вазирлиги, Ўзбекистон фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши-нинг шоличилик кластерлари ёки шоли экишга рухсат этилган минтақаларда шоли етиштирувчи фермер хўжаликлари базасида элита уруғчилик хўжа-ликлари (кейинги ўринларда — Уруғчилик хўжаликлари)ни ташкил этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин. Бунда:

«Уруғчиликни ривожлантириш маркази» ДК Шоличилик илмий-тадқиқот институти билан ҳамкорликда Уруғчилик хўжаликларида авлодли уруғлик кўпайтириш тизимини йўлга қўяди;

Уруғчилик хўжаликлари юқори авлодли уруғликларни карантин назоратидан ўтказилган хорижий компаниялардан ёки Шоличилик илмий-тадқиқот институтидан олади ва кўпайтиришни ташкил этади;

шолининг элита ва авлодли уруғчиликини етиштириш учун қонун хужжатларида белгиланган тартибда ер майдонлари ажратилади;

экилган уруғлик шоли майдонлари белгиланган тартибда апробация кўригидан ўтказилади ва сертификат олинади;

Уруғчилик хўжаликлари томонидан уруғлик шолини тозалаш, саралаш ва қадоқлаш ишлари амалга оширилади.

Бош вазир ўринбосари Ш.М. Фаниев, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Ж.А. Ходжаев) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилюятлар ҳокимларни билан биргаликда 1-иловага\*\* мувофиқ ҳудудларда Уруғчилик хўжаликларини ташкил этиш чораларини кўрсинг.

2. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга асосан 2021 йил 1 июндан бошлаб уруғлик шолига мувофиқлик сертификатини бериш, белгиланган тар-

\* Ушбу қарор «Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 3 февралда эълон қилинган.

\*\* 1-илова «Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

тибда аккредитациядан ўтказилган юридик шахслар томонидан ҳам амалга оширилишига рухсат берилади.

3. Инновацион ривожланиш вазирлиги, истисно тариқасида, 2021 йил 1 февралдан бошлаб илмий-техник дастурлар доирасида шоли селекцияси, етиштириш агротехникаси ва уруғчилик тизимини ривожлантириш билан боғлиқ 5 йилгача мақсадли лойиҳалар танловини эълон қилсин. Бунда, селекция йўналишида амалга ошириладиган фундаментал ва амалий лойиҳалар аввал бажарилган лойиҳаларнинг мантиқий давоми эканлиги инобатга олинсин ва узлуксиз давом эттирилиши таъминлансин.

4. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Ж.А. Ходжаев) Сув хўжалиги вазирлиги (Ш.Р. Хамраев) ва Фанлар академияси (Б.С. Юлдашев) билан биргаликда:

минтақаларнинг тупроқ-иклим шароитларига мос шолини алмашлаб экиш дастурини тузиш ва экин майдонларининг хисобини олиб бориш ҳамда Уруғчилик хўжаликларида навбатлаб экиш тизимини йўлга қўйсин. Бунда, бир далада 2 йилдан ортиқ шоли етиштирилишига йўл кўймаслик бўйича илмий асосланган алмашлаб экиш тизими жорий қилинади;

Хоразм вилоятининг тупроқ-иклим шароитларини ўрганиб, хориждан шолининг юқори ҳосилли навлари уруғларини олиб келиш ҳамда уларни маҳаллий шароитда кўпайтириш бўйича тажриба-синов лойиҳаларини амалга оширсин. Бунда, ушбу амалиёт тажриба-синов натижаларига кўра республиканинг бошқа ҳудудларига ҳам татбиқ этиш чоралари кўрилади.

5. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимлари, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Сув хўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгшининг шоли етиштиришда сувни тежайдиган технологияларни кенг кўллаш мақсадида:

2021 йилда жами шоли майдонларининг камида 20 фоизида кўчатлаб экиш, камида 50 фоизида лазер ускунаси ёрдамида ер текислаш тизимини жорий этиш, камида 30 фоизида шолини замонавий уруғ сеялкалари орқали экиш;

2022 йилда жами шоли майдонларининг камида 40 фоизида кўчатлаб экиш, камида 70 фоизида лазер ускунаси ёрдамида ер текислаш тизимини жорий этиш, камида 50 фоизида шолини замонавий уруғ сеялкалари орқали экиш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

Бош вазир ўринбосари Ш.М. Фаниев, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ва вилоятлар ҳокимлари билан биргаликда мазкур таклифларни тўлиқ жорий этиш ҳамда 2023 йилдан бошлаб янада кенгайтириш чораларини кўрсин.

6. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши (Қ.Р. Сарiev), Хоразм вилояти ҳокимлиги (Ф.У. Эрманов) Инновацион ривожланиш вазирлиги (И.Ю. Абдурахмонов), Сув хўжалиги вазирлиги (Ш.Р. Хамраев), Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Ж.А. Ходжаев) ҳамда Фанлар Академияси (Б.С. Юлдашев) билан биргаликда 2021 йил шоли экиш мавсуми давомида, эксперимент тариқасида, тегишли ҳудудларда:

500 гектардан майдонда зовур сувларидан фойдаланган ҳолда шоли етиштиришни;

50 гектардан майдонда анъанавий суфориш усулини қўллаган ҳолда, аммо тунда сув бермаслик усулида шоли етиштиришни;

20 гектардан майдонда ёмғирлатиб суфориш усулида ҳамда 20 гектардан майдонда тупроқости томчилатиб суфориш усулида шоли етиштиришни йўлга қўйисин.

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги эксперимент натижалари бўйича батафсил ҳисоботни ҳамда 2022 йилда мазкур экиш ва суфориш технологияларини кенг қўллаш бўйича чора-тадбирлар дастурини 2021 йил 1 декабрга қадар Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

7. Белгилансинки, 2021 йил 31 декабрга қадар шоли етиштиришда шолини замонавий уруғ сеялкалари ҳамда кўчатлаб экиш ускуналарини сотиб олган қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларга сотиб олинган уруғ сеялкалари ва кўчатлаб экиш ускуналари қийматининг 20 фоизигача Давлат бюджетидан қоплаб берилади.

Кишлоқ хўжалиги вазирлиги (Ж.А. Ходжаев) Молия вазирлиги (Т.А. Ишметов) билан биргаликда бир ой муддатда мазкур бандга мувофиқ ускуналар қийматининг бир қисмини қоплаш тартибини ишлаб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

8. Шоли етиштириш ва қайта ишлаш мақсадида, хориждан олиб келинадиган шоли нав ва дурагай уруғликлари, лаборатория жиҳоз ва ускуналари, замонавий қишлоқ хўжалиги техникалари ва агрегатлари, дон қуритиш ускуналари ҳамда бутловчи қисмлари 2023 йил 1 январга қадар белгиланган тартибда шакллантириладиган рўйхатларга мувофиқ божхона божидан озод қилинсин.

#### 9. Кўйидагилар:

Корақалпогистон Республикаси ва вилоятларда 2021 йил ҳосили учун шоли етиштириш прогноз кўрсаткичлари 2-иловага\* мувофиқ;

Корақалпогистон Республикаси ва вилоятлардаги илмий муассасаларда 2021 йил ҳосили учун шоли навларини жойлаштириш ва суперэлита уруғлик шоли етиштириш ҳажмларининг прогноз кўрсаткичлари 3-иловага\* мувофиқ;

Ўзбекистонда шоличиликни ривожлантириш бўйича 2021-2022 йилларга мўлжалланган комплекс чора-тадбирлар дастури (кейинги ўринларда — Дастур) 4-иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

Бош вазир ўринбосари Ш.М. Фаниев, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Ж.А. Ходжаев) Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгashi ҳамда вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда мазкур прогноз кўрсаткичларининг бажарилишини ҳамда Дастурнинг ижросини таъминласин.

10. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Ж.А. Ходжаев) Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги (А.Х. Тошкулов) билан биргаликда:

бир ой муддатда Тошкент давлат аграр университети ва унинг филиал-

---

\* 2 — 4-иловалар «Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

лари, Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институтида шоличилик йўналишида қабул квотасини ошириш юзасидан Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин;

2021 йил 1 июнга қадар Қорақалпоғистон Республикасида Тошкент давлат аграр университетининг Нукус филиалини ҳамда Вьетнам аграр университети билан биргаликда шоличилик йўналишида қўшма факультет ташкил қилиш чораларини кўрсинг;

икки ой муддатда дунёнинг шоличиликка ихтисослашган марказларида (Япония, Хитой, Россия, Жанубий Корея, Филиппин ва бошқалар) ёш кадрлар ва мутахассисларнинг хорижий грантлар асосида малакасини оширишга юбориш бўйича чораларни белгиласин.

11. Мазкур қарорда назарда тутилган кўрсаткичларга ўз вақтида эришиш орқали озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, шунингдек, бу борада самарали назорат тизимини ўрнатиш мақсадида:

а) Бош прокуратура (Ш.Ж. Рахимов), Бош прокуратура хузуридаги Иктисолий жиноятларга қарши кураши департаменти (Д.Ф. Рахимов):

мазкур қарорнинг 1 ва 2-иловаларига мувофиқ ер майдонларида шоли экилиши, унинг уруғ, кўчат, минерал ўғит ҳамда сув билан таъминлаш тадбирларини ўз вақтида амалга оширилишини жойига чиқкан ҳолда ўрганиб борсин;

мазкур қарорнинг 5-бандида назарда тутилган шоли майдонларида кўчатлаб экиш, лазер ускунаси ёрдамида ер текислаш ҳамда шолини замонавий уруғ сеялкалари орқали экиш тизимларини жорий қилиниши устидан доимий назорат ўрнатсин;

республика худудларида рўйхатга олинмаган шоли етиштириш ҳолатларини аниклаб, уларни қонун хужжатларига мувофиқ расмийлаштириш чораларини кўрсинг;

мазкур қарор талабларига қатъий риоя этилишини ҳамда уни бузган айбдорларга нисбатан қонун доирасида тегишли чоралар кўрилишини таъминласин;

амалга оширилган ишлар юзасидан ҳар ой якуни бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига ахборот киритиб борсин.

б) Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (М.И. Рўзметов), Давлат солиқ кўмитаси хузуридаги Кадастр агентлиги (Ф.К. Умаров), Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (Қ.А. Юлдашев) учувчисиз учиш қурилмалари ёрдамида мазкур қарорга мувофиқ шоли экинларини жойлаштириш, навбатлаб экишни ташкил этиш, шунингдек, ноқонуний шоли майдонларини аниклашга кўмаклашсин;

в) Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси (А.Д. Вахабов), Ички ишлар вазирлиги (С.А. Нишанбаев), Сув хўжалиги вазирлиги (Ш.Р. Хамраев) ҳамда Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Ж.А. Ходжаев) мазкур бандда назарда тутилган тадбирларни амалга оширишда ҳар томонлама кўмаклашсин;

г) Бош вазир ўринбосари Ш.М. Фаниев:

икки хафта муддатда мазкур қарор доирасида 2021 йил ҳосили учун

шоли етиштириш прогноз кўрсаткичларидан келиб чиқиб, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари кесимида манзилли рўйхатни тасдиқласин;

республика худудларида, мазкур қарор талаблари бўйича шоли етиштиришни кўпайтириш ҳамда уруғ, минерал ўғит, сув ва бошқа ресурсларни тежайдиган технологияларни кенг жорий қилиш чораларини кўрсин.

12. Хоразм вилоят ҳокимлиги (Ф.У. Эрманов) 2021 йил 1 июляга қадар:

Шолиҷилик илмий-тадқиқот институти Хоразм филиалига Гурлан тумани Чинобод ММТП худудидаги бўш ер майдонида маъмурий лаборатория биносини қуриш ҳамда зарур бўладиган қишлоқ хўжалиги техникалари, лаборатория ускуналари билан таъминлаш маҳаллий бюджет даромадлари режасининг ошириб бажарилган қисми ҳисобидан амалга оширилиши чораларини кўрсин;

Гурлан туманидан 200 гектар суғориладиган ер майдонлари ажратилишини таъминласин.

13. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Ж.А. Ходжаев):

а) Шолиҷилик илмий-тадқиқот институтининг ҳисоб-китобларига асосан шоли уруғлигини саралаш учун замонавий кичик ҳажмдаги саралаш ва қадоқлаш цехларини ташкил этиш, лаборатория жихозлари, қишлоқ хўжалиги техника ва агрегатлари билан таъминлаш учун Жаҳон банкининг «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш» лойиҳаси доирасида жалб этилган маблағларидан ажратилишини таъминласин;

б) манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда:

суперэлита, элита ва кейинги авлодларга мансуб уруғлик шоли етиштириш учун Уруғчилик хўжаликларини танлаш тартибини;

қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

14. Мазкур қарор ижросини ҳар чоракда муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини назорат қилиш Бош вазир ўринbosари Ш.М. Фаниев зиммасига юклансин.

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижадорлиги юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президентига ҳар чорак якуни бўйича ахборот киритиб борилсан.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2021 йил 2 февраль,  
ПҚ-4973-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ**

**44 Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази фаолиятини ташкил этиш тўғрисида\***

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 3 февралдаги «Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар тизими ҳамда замонавий хизматлар кўрсатишни янада ривожлантириш тўғрисида»ги ПФ-6159-сон Фармони ижросини таъминлаш максадида:

1. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Давлат активларини бошқариш агентлиги ва Фанлар академиясининг:

а) Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази (кейинги ўринларда — Миллий марказ) тизимида:

Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институтининг Фаллаорол илмий-тажриба станцияси негизида Лалмикор дехқончилик илмий-тадқиқот институтини;

Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институтининг Қашқадарё филиали негизида Жанубий дехқончилик илмий-тадқиқот институтини;

Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институтининг Корақалпогистон илмий-тажриба станцияси ва Шоличилик илмий-тадқиқот институтининг Корақалпогистон илмий-тажриба станцияси негизида Дон ва шоли илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасини ташкил этиш;

б) қуидагилар:

Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш агентлиги ҳузуридаги Академик М. Мирзаев номидаги Боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти;

«Ўзгрокимёхимоя» акциядорлик жамиятининг «Ўсимликларни ҳимоя қилиш илмий-тадқиқот институти» масъулияти чекланган жамиятини белгиланган тартибда давлат муассасаси шаклида қайта ташкил этган ҳолда Миллий марказ тизимига ўтказиш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

2. Қуидагилар:

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий марказининг ташкилий тузилмаси 1-иловага\*\* мувофиқ;

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази бошқарув аппаратининг тузилмаси 2-иловага\*\* мувофиқ;

---

\* Ушбу қарор «Конун хужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 4 февралда эълон қилинган.

\*\* 1-2-иловалар «Конун хужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги хузуридаги Қишлоқ хўжалигига билим ва инновациялар миллий марказининг Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда вилоятлардаги ахборот ва маслаҳат тизими асосида иш юритадиган ҳудудий агрохизматлар марказлари (кейинги ўринларда — ҳудудий агрохизматлар марказлари) намунавий тузилмаси З-иловага\* мувофиқ;

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги хузуридаги Қишлоқ хўжалигига билим ва инновациялар миллий марказининг Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда вилоятларда ташкил этиладиган ҳудудий агрохизматлар марказлари жойлашув манзиллари рўйхати 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Қишлоқ хўжалиги вазирига, зарур ҳолларда, Миллий марказ, унинг таркибидаги илмий-тадқиқот муассасалари ва агрохизматлар марказларининг тузилмасига ходимларнинг чекланган умумий сони доирасида ўзгартиришлар киритиш, шунингдек, бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан қўшимча штат бирликларини киритиш ҳуқуқи берилсан.

3. Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги (А.Х. Тошқулов), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Ж.А. Ходжаев) ушбу қарорга 4-иловада\* қўрсатилган таълим муассасаларининг ҳудудий агрохизматлар марказларига ўtkазилаётган бино-иншоотлари ҳамда мол-мулклари, уларнинг фаолиятини таъминлашга етарли қисмини белгиланган тартибда оператив бошқарув ҳуқуқи билан, шунингдек, ер участкаларини доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан ўтказилишини таъминласин.

#### 4. Белгилансинки:

а) Миллий марказга қишлоқ хўжалиги вазирининг ўринbosари — Қишлоқ хўжалигига билим ва инновациялар миллий маркази бош директори раҳбарлик қилади;

б) Миллий марказнинг қўшимча 11 нафар ҳамда ҳудудий агрохизматлар марказларининг қўшимча 119 нафар бошқарув ходимлари штат бирликлари Қишлоқ хўжалиги вазирлиги тизимидағи ташкилотларнинг мавжуд штат бирликларини мақбуллаштириш ҳисобига шакллантирилади;

в) Миллий марказ ва ҳудудий агрохизматлар марказлари қишлоқ хўжалигига билим ва инновацияларни, ахборот ва маслаҳат хизматлари тизимини жорий этиш соҳасида ваколатли орган ҳисобланади ҳамда юридик шахс мақомига, ўз балансига, Ўзбекистон Республикаси Фазначилигига шахсий разна ҳисобварақларига, Давлат герби тасвиrlанган муҳрига эга бўлади;

г) Миллий марказ Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат таъминоти илмий-ишлаб чиқариш маркази, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги тизимидағи «АгроЭнновация» давлат унитар корхонаси ва Тошкент давлат аграр университети хузуридаги «Ғўза уруғчилиги маркази» давлат муассасасининг барча ҳуқуқлари ва мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади;

д) Миллий марказ тизимидағи илмий-тадқиқот институтлари ва илмий-тажриба станциялари юридик шахс мақомига эга давлат муассасалари бўлиб:

Жанубий дехқончилик илмий-тадқиқот институти Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институти Кашқадарё филиалининг;

\* 3-4-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Лалмикор дехқончилик илмий-тадқиқот институти Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институти Фаллаорол илмий-тажриба станциясининг;

Ўсимликларни ҳимоя қилиш илмий-тадқиқот институти «Ўзагрокимёҳимоя» акциядорлик жамияти хузуридаги «Ўсимликларни ҳимоя қилиш илмий-тадқиқот институти» масъулияти чекланган жамиятининг;

Дон ва шоли илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институти Қорақалпоғистон илмий-тажриба станциясининг ҳамда Шолиҷилик илмий-тадқиқот институти Қорақалпоғистон илмий-тажриба станциясининг хукуқлари, мажбуриятлари ва шартномалари бўйича хукуқий ворислари ҳисобланади;

е) худудий агрохизматлар марказлари биносига жойлаштирилган давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, хўжалик бирлашмалари худудий бўлинмаларининг мутахассислари фаолияти худудий агрохизматлар марказлари томонидан мувофиқлаштирилади;

ж) қишлоқ хўжалиги соҳасидаги илмий-тадқиқот институтлари, муассасалари, илмий-тажриба станциялари ва участкалари (кейинги ўринларда — илмий-тадқиқот муассасалари), олий таълим муассасалари ҳамда Миллий марказ ва худудий агрохизматлар марказлари:

ер участкаларини мақбуллаштириш, олиб қўйиш ва уларнинг ихтисослашувига мос бўлмаган экинларни жойлаштиришга;

илмий ходимларини уларнинг фаолиятига хос бўлмаган бошқа ишларга жалб этишга йўл қўйилмайди.

5. Давлат активларини бошкариш агентлиги (А.Ж. Ортиков) «Ўзагрокимёҳимоя» АЖ устав капиталидаги давлат улуши Миллий марказ тизимига ўтказилаётган «Ўсимликларни ҳимоя қилиш илмий-тадқиқот институти» масъулияти чекланган жамияти устав капиталидаги «Ўзагрокимёҳимоя» АЖ улушкининг баланс қиймати ҳисобига камайтирилишини таъминласин.

6. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра:

а) худудий агрохизматлар марказлари фаолиятини самарали ташкил этиш мақсадида, уларда хизмат кўрсатишни ташкил этиш учун ойлик маоши ва устамаларни сақлаб қолган ҳолда агросаноат соҳасига хизмат кўрсатувчи давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, хўжалик бирлашмалари ҳамда уларнинг худудий бўлинмалари мутахассислари жалб этилади;

б) фан ва таълимнинг узвий интеграциясини таъминлаш мақсадида:

тажриба-синов тариқасида Қишлоқ хўжалиги вазирлиги тизимидағи олий таълим муассасаларининг кафедра мудирлари бир вақтнинг ўзида тегишли таълим ўйналиши бўйича илмий-тадқиқот институтлари директорларининг илмий ишлар ва инновациялар бўйича ўринбосари ҳисобланади;

олий таълим муассасалари кафедра мудирларига ҳамда илмий-тадқиқот институти директорининг илмий ишлар ва инновацион ишланмалар бўйича ўринбосарига таълим жарабёнини илм-фан билан интеграция қилган ҳолда ташкил этиш вазифаси юклатилади.

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги икки ҳафта муддатда мазкур бандга асосан тажриба-синов ўтказиладиган олий таълим муассасалари кафедралари

ва илмий-тадқиқот институтларини аниқласин ҳамда 2021 йил 1 декабрга қадар тажриба-синон натижалари юзасидан аник таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

7. Қўйидагилар Миллий марказ ва худудий агрохизматлар марказлари фаолиятини молиялаштириш манбалари этиб белгилансин:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари;

белгиланган тартибда жалб этиладиган бюджетдан ташқари маблағлар, халқаро молия институтлари маблағлари ва хорижий ташкилотларнинг грантлари;

бўш турган бюджетдан ташқари маблағларни белгиланган тартибда тижорат банклари депозитларига жойлаштиришдан олинадиган даромадлар ҳамда қонун хужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар.

Белгилаб қўйилсинки, Миллий марказ ва худудий бўлинмалари ҳамда қишлоқ хўжалиги соҳасидаги илмий-тадқиқот муассасаларини бюджет маблағлари хисобидан сақлаш харажатлари 2021 йилда Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчи сифатида идоравий мансублигига кўра тегишли вазирлик ва идораларга ажратиладиган маблағлар доирасида, 2022 йилдан бошлаб Давлат бюджети параметрларида назарда тутилади.

8. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi, вилоятлар хокимлари, манфаатдор вазирлик ва идоралар:

худудий агрохизматлар марказларини ташкил этишда давлат-хусусий шериклик механизmlари асосида хусусий секторнинг иштирокини;

худудий агрохизматлар марказларида хизмат кўрсатишни ташкил этиш учун ойлик маош ва устамаларни сақлаб қолган ҳолда тегишли давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, хўжалик бирлашмалари, хизмат кўрсатувчи банк, суғурта ва бошқа ташкилотлар ҳамда уларнинг худудий бўлинмалари мутахассислари жалб этилишини;

хусусий мулкчилик асосида юридик шахс мақомига эга бўлган ташкилотлар томонидан қишлоқ хўжалиги консалтинг хизматларини ташкил этиш бўйича ташкилий, молиявий ҳамда хукуқий жиҳатдан ҳар томонлама қўллаб-куватлаш тадбирлари амалга оширилишини таъминласин.

9. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Ж.А. Ходжаев), Давлат активларини бошқариш агентлиги (А.Ж. Ортиқов), Давлат солиқ қўмитаси хузуридаги Кадастр агентлиги (Ф.К. Умаров) ва Тошкент вилояти ҳокимлиги (Д.А. Хидоятов) белгиланган тартибда қўйидагиларни:

Тошкент вилояти Юқоричирчик туманининг А. Яссавий маҳалласи худудида жойлашган Қишлоқ хўжалиги вазирлиги тизимидағи «АгроИнновация» давлат унитар корхонасига тегишли барча мол-мулкларни оператив бошқарув хукуқи билан ҳамда 10,7 гектар ер участкасини доимий фойдаланиш хукуқи билан Миллий марказга;

Тошкент вилояти Юқоричирчик туманининг А. Яссавий маҳалласи худудида жойлашган Тошкент давлат аграп университети хузуридаги «Ғўза уруғчилиги маркази» давлат муассасасига тегишли бинони оператив бошқарув хукуқи билан Миллий марказга ва 57,4 гектар ер участкасини дои-

мий фойдаланиш ҳуқуки билан Миллий марказнинг Тошкент вилояти агрохизматлар марказига ўтказиб берсин.

10. Бош вазир ўринбосари Ш.М. Фаниев, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Давлат активларини бошқариш агентлиги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда:

қайта ташкил этилаётган муассасаларнинг мол-мулки ва пул маблағларини оқилона тақсимлаш мақсадида уларни хатловдан ўтказиши;

мазкур қарорга мувофиқ қайта ташкил этилаётган муассасаларнинг моддий-техник базасини яратиш, улар ишини самарали ташкил этиш учун зарур бўлган компьютер техникаси, алоқа воситалари билан жиҳозлаш тадбирлари ташкил қилинишини;

қайта ташкил этилаётган муассасаларни, уларнинг ҳудудий бўлинмаларини жойлаштириш, шунингдек, улар фаолиятини ташкил этиш билан боғлиқ бошқа масалаларни ҳал этишин;

қайта ташкил этилаётган муассасаларнинг штат бирликларини таҳлил қилган холда иш ҳажмидан келиб чиқиб, қайта тақсимланишини ҳамда уларни шаффоф тарзда ўтказиладиган танловлар асосида юкори малакали, замонавий билимга ва дунёқарашга эга кадрлар билан тўлдиришни таъминласин.

11. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Ж.А. Ходжаев):

2021 йил 1 апрелга қадар Тошкент вилояти Юқоричирчиқ туманида Республика агрохизматлар, ахборот маслаҳат (*extension*) марказини ташкил этиш чораларини қўрсин;

2021 йил май ойидан бошлаб ҳудудий агрохизматлар марказларини босқичма-босқич ташкил этсин;

икки ҳафта муддатда Қишлоқ хўжалиги вазирлиги марказий аппаратида Ўқув юртлари ва малака ошириш бўлими негизида 6 та штат бирлигидан иборат Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар тизимини ривожлантириш бошқармасини ташкил этсин. Бунда, қўшимча 3 та штат бирлиги вазирлик тизимидағи мавжуд бошқарув ходимлари штат бирликларини қисқартириш ҳисобига шакллантирилади;

бир ой муддатда Миллий марказнинг аниқ ҳисоб-китобларига асосан унинг тизимидағи илмий муассасаларда ташкил этиладиган бирламчи лабораториялар, уруғликин сақлаш, қуритиш омборхоналарини барпо этиш, уларни қадоқлаш ва қайта ишлаш ускуналари билан жиҳозлашга «Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки ҳамда Халқаро тараққиёт уюшмаси иштирокида «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш» лойиҳаси доирасида маблағ ажратиш чораларини қўрсин;

икки ой муддатда Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси, Пиллачилик ва қоракўлчиликни ривожлантириш қўмитаси, Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси, Сув хўжалиги вазирлиги билан биргаликда Миллий марказ ва илмий-тадқиқот муассасаларининг тузилмаларини тасдиқлашни назарда тутувчи Ҳукумат қарори лойиҳасини киритсин;

икки ой муддатда Қишлоқ хўжалиги вазирлиги хузуридаги Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази ҳамда унинг ҳудудий

агрохизматлар марказлари тўғрисидаги низомларни ишлаб чиқсин ҳамда тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

икки ой муддатда Инновацион ривожланиш вазирлиги, Монополияга қарши курашиб қўмитаси, Фанлар академияси билан биргаликда қишлоқ хўжалиги экинларининг нав муаллифлари ва оригиналорларини рафбатлантириш, уруғчилик ва қўчатчилик билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектлари фаолиятини тартибга солиш, уруғлик ва қўчатларни сертифиқатлаш тизимини жорий этиш механизмини ишлаб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда конун хужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин;

2022 йил якунига қадар Нидерландиянинг Вагенинген, Буюк Британиянинг Бангор ва бошқа хорижий етакчи илмий марказлар билан маслаҳатлар ўтказган ҳолда Миллий марказнинг юқори технологиялар асосидаги кўп тармоқли Илмий-тадқиқот марказини ташкил этсин. Бунда, Илмий-тадқиқот марказида замонавий юқори технологияли лаборатория, ўйналишлар бўйича кўргазма майдончалари, ўсимликлар флораси миллий генбанки, илмий стратегик таҳлил маркази ташкил этилади ҳамда ҳар бир ўйналиш бўйича халқаро маслаҳатчилар гуруҳи фаолияти йўлга қўйилади.

12. «Эл-юрт умиди» жамғармаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Молия вазирлиги, Инновацион ривожланиш вазирлиги, Фанлар академияси билан биргаликда 2021 йил 1 марта қадар илмий-тадқиқот муассасаларининг илмий ходимлари ҳамда соҳа мутахассисларини, биринчи навбатда, куйи тизимдағиларни «Эл-юрт умиди» жамғармаси ҳамда Инновацион ривожланиш ва новаторлик фояларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобига хорижий етакчи олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларига узок ва қисқа муддатли стажировка, малака ошириш ва ўқишга юбориш юзасидан 2021-2022 йилларга мўлжалланган дастурни тасдиқласин ҳамда ижрога қаратсин.

13. Миллий марказ Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Университет кўчаси, 2-үй манзилида жойлаштирилсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига 5-илова-га\* мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорлари 6-ило-вага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб хисоблансин.

16. Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги (А.А. Ходжаев), Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси (А.Ж. Хаджаев), Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги (А.К. Кўчимов) Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Ж.А. Ходжаев) билан биргаликда мазкур қарорнинг мазмун-моҳияти ҳамда мақсад ва вазифалари оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини таъминласин.

17. Мазкур қарорнинг ижросини ташкил этишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Буш вазир ўринбосари Ш.М. Фаниев, қишлоқ хўжалиги

---

\* 5-илова «Конун хужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

вазири Ж.А.Ходжаев, қишлоқ хўжалиги вазирининг ўринбосари — Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази бош директори, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi Раиси ва вилоятлар ҳокимлари белгилансин.

Қарор ижросини ҳар чоракда муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Баш вазири А.Н. Арипов ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш. Низомиддинов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2021 йил 3 февраль,  
ПҚ-4975-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2021 йил 3 февралдаги  
ПҚ-4975-сон қарорига  
6-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг ўз кучини  
йўқотган деб эътироф этилаётган қарорлари  
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 10 февралдаги «Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги илмий-ишлиб чиқариш маркази фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги ПҚ-2125-сон қарори.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 20 мартағи «Ўзбекистон Республикасида боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4246-сон қарори 12-банди.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ**

**45**

**Алишер Навоий номидаги халқаро жамоат фондини  
ташкил этиш тұғрисида\***

Буюк шоир ва мутафаккир, атокази давлат ва жамоат арбоби Алишер Навоийнинг ҳаёти ва ижодини, унинг бой илмий-адабий меросини ўрганиш, асарларини юртимиз ва хорижий мамлакатларда кенг тарғиб қилиш хамда хотирасини агадийлаштириш мақсадида:

1. Фанлар академияси, Маданият вазирлиги ва Ўзбекистон Їзувчилар уюшмасининг Фанлар академияси муассислигига Алишер Навоий номидаги халқаро жамоат фондини (кейинги ўринларда — Фонд) ташкил этиш тұғрисидаги таклифи маъқуллансан.

2. Қуйидагилар Фонднинг асосий вазифалари этиб белгиланиши маълумот учун қабул қилинсин:

Алишер Навоий ҳаёти, юксак инсонпарварлық ғоялари ва илмий-адабий меросини юртимизда ва халқаро миқёсда кенг ўрганиш ва тарғиб қилиш;

Алишер Навоий асарларини хорижий тилларга таржима қилиш, мукаммал илмий нашрларини яратиш, уларни республикада ва чет әлларда нашр этиш;

Алишер Навоийнинг илмий-адабий меросини тадқиқ этаётган адіб ва олимлар фаолиятига күмаклашиш, улар яратған илмий ва бадий асарларни жамлаш, шоир ижодини ўрганаётган, жумладан хорижий давлатлардаги илмий-ижодий марказлар билан ҳамкорлик қилиш;

хар йили Алишер Навоий туғилған сана — 9 февраль куни халқаро конференция (симпозиум) ва «Навоийхонлик кунлари»ни ташкил этиш ва ўтказиш.

3. Қуйидагилар:

Алишер Навоий номидаги халқаро жамоат фонди Васийлик кенгаши-нинг таркиби 1-иловага\*\* мувофиқ;

Алишер Навоий номидаги халқаро жамоат фондининг тузилмаси 2-ило-вага\*\* мувофиқ маъқуллансан.

Белгилансинки, Ижро этувчи дирекция Фонднинг ижро органды хисобланади ва унга ижрочи директор раҳбарлик қиласы.

4. Васийлик кенгашига қуйидаги ваколаттар берилсін:

Фонднинг даромад ва харажатлари бўйича прогноз кўрсаткичларини хамда маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартибини тасдиклаш;

Фонд маблағларидан фойдаланишнинг асосий йўналишларини белгилаш;

---

\* Ушбу қарор «Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 4 февралда эълон килинган.

\*\* 1-иловалар «Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон килинган.

ижрочи директорни лавозимга тайинлаш ва лавозимидан озод қилиш;

Ижро этувчи дирекция томонидан Фонд маблағларидан мақсадли фойдаланилиши устидан тизимли назорат ўрнатилишини таъминлаш;

зарур ҳолларда, штат бирликлари ва меҳнатга ҳақ тўлаш фонди доирасида Фонднинг тузилмасига ўзгартериш киритиш;

Фонд зиммасига юкланган вазифаларни амалга ошириш учун манфаатдор давлат ва нодавлат ташкилотларни ҳамда ҳомийларни жалб этиш.

5. Куйидагилар Фонд маблағларини шакллантириш манбалари этиб белгилансин:

Вазирлар Махкамаси хузуридаги Ўзбек тилини ривожлантириш жамармаси томонидан ҳар йили 1 млрд сўмгача ажратиладиган маблағлар;

халқаро молия институтлари грантлари;

юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳомийлик хайриялари;

қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар.

6. Фанлар академияси ва Адлия вазирлиги икки ой муддатда Фонд уставининг белгиланган тартибда тасдиқланиши ва давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминласин.

7. Фонд Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, академик Яхё Фуломов кўчаси, 70-йўнинг бир қисмида текин фойдаланиш хукуқи асосида жойлаштирилсин.

8. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2021 йил 4 февраль,  
ПҚ-4977-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ

**46**

**Тошкент шаҳрида «Янгиҳаёт» индустриал технопаркини ташкил этиш чора-тадбирлари тӯғрисида\***

Тошкент шаҳрининг саноат ва экспорт салоҳиятини ошириш, янги турдаги ракобатбардош саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш, иқтисодий тармокларига замонавий технологияларни жорий этиш, шу асосда ахолини юқори даромадли иш жойлари билан таъминлаш мақсадида:

1. Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигининг Тошкент шаҳри, Янгиҳаёт туманида «Хўжа Учқун», «Жалойик» ва «Гулзор» маҳаллалари туташган ҳудуддаги қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер майдонлари хисобидан 210 гектар ер участкасида «Янгиҳаёт» индустриал технопаркини ташкил этиш тӯғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги (Ж.А. Артиқходжаев) Давлат солиқ қўми-таси ҳузуридаги Кадастр агентлиги (Ф.К. Умаров) билан биргаликда ўн кун муддатда ушбу бандда назарда тутилган ер майдонларини «Янгиҳаёт» индустриал технопаркини ташкил этиш учун ажратсин.

2. «Янгиҳаёт» индустриал технопаркини ташкил этиш бўйича ташкилий комиссия (кейинги ўринларда — Ташкилий комиссия) иловага\*\* мувофиқ таркибда тузилсин.

Ташкилий комиссия (А.Н. Арипов):

а) бир ҳафта муддатда:

«Янгиҳаёт» индустриал технопарки таркибига киритиладиган ер майдонларининг чегараларини аниқ белгиласин;

«Янгиҳаёт» индустриал технопарки дирекциясини ташкил этсин;

б) икки ҳафта муддатда «Янгиҳаёт» индустриал технопаркининг бош режаси лойиҳаси ишлаб чиқилиши ва белгиланган тартибда тасдиқланишини таъминласин;

в) бир ой муддатда:

«Янгиҳаёт» индустриал технопаркининг ташқи мухандислик-коммуникация ва йўл-транспорт инфратузилмасини барпо этиш дастурини тасдиқлаш ва унинг амалга оширилишини бошлаш;

«Янгиҳаёт» индустриал технопаркини ва унинг фаолиятини замонавий бошқарув тамойиллари асосида ташкил этишга кўмаклашиш учун етакчи халқаро эксперталар ва хорижий мутахассисларни жалб қилиш чораларини кўрсин.

3. Белгилансинки:

«Янгиҳаёт» индустриал технопаркининг бош режаси лойиҳасини ишлаб чиқиш ҳамда ташқи мухандислик-коммуникация ва йўл-транспорт ин-

\* Ушбу қарор «Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 5 февралда эълон қилинган.

\*\* Илова «Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

фратузилмасини барпо этиш ишлари Ўзбекистон Республикасининг ижтиёмоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастурида кўзда тутилган маблағлар, Тошкент шаҳри маҳаллий бюджетининг қўшимча манбалари ва қонун хужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар хисобидан молиялаштирилади;

«Янгиҳаёт» индустрисал технопаркининг ички муҳандислик-коммуникация ва йўл-транспорт инфратузилмасини барпо этиш ишлари «Янгиҳаёт» индустрисал технопарки дирекцияси ва инвесторлар маблағлари, шунингдек, қонун хужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар хисобидан молиялаштирилади.

4. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ «Янгиҳаёт» индустрисал технопаркини ташкил этиш учун ер майдонлари ажратилиши билан боғлиқ қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликларининг ўрнини қоплаш бўйича компенсация тўловлари беш йилгача бўлган даврда бўлиб-бўлиб тўланиши мумкин.

5. Мазкур қарор ижросини самарали ташкил этишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Тошкент шаҳар ҳокими Ж.А. Артиқходжаев ва Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари Ш.Д. Рахмонов белгилансин.

Қарор ижросини ҳар ойда мухокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бosh вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижадорлиги юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президентига ҳар ой яқуни бўйича ахборот бериб борилсин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2021 йил 4 февраль,  
ПҚ-4979-сон

## УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ  
ҚАРОРИ

**47**

**«Термиз халқаро савдо маркази» эркин савдо зонаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида\***

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Сурхондарё вилояти ва Тошкент шаҳрида маҳсус иқтисодий ва кичик саноат зоналари фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ-6109-сон Фармонининг ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Афғонистон Ислом Республикаси билан иқтисодий ҳамкорликни янада кенгайтириш ва мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ-4892-сон қарорига асосан:

Афғонистон Ислом Республикаси билан савдо-иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тасдиқланганлиги;

Ўзбекистон Республикаси инвестициялар ва ташки савдо вазирининг Афғонистон Ислом Республикаси билан ташки иқтисодий ҳамкорлик бўйича ўринбосари лавозими жорий этилганлиги ҳамда у бир вақтнинг ёзида «Термиз халқаро савдо маркази» эркин савдо зонаси дирекцияси директори этиб белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Кўйидагилар:

«Термиз халқаро савдо маркази» эркин савдо зонаси таркибига кирувчи худудлар чегараси 1-иловага мувофиқ;

«Термиз халқаро савдо маркази» эркин савдо зонаси дирекцияси» давлат унитар корхонасининг тузилмаси 2-иловага\*\* мувофиқ;

«Термиз халқаро савдо маркази» эркин савдо зонаси дирекцияси» давлат унитар корхонасининг устави 3-иловага мувофиқ;

«Термиз халқаро савдо маркази» эркин савдо маркази ҳамда «Термиз» эркин иқтисодий зонасининг мухандислик-коммуникация, йўл-транспорт ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури 4-иловага\*\* мувофиқ тасдиқлансан.

3. Белгилансинки, «Термиз халқаро савдо маркази» эркин савдо зонаси дирекцияси» давлат унитар корхонаси ходимларининг меҳнатига ҳак

\* Ушбу қарор «Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 3 февралда эълон қилинган.

\*\* 2, 4-иловалар «Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

тўлаш билан боғлиқ харажатлар дирекциянинг ўз маблағлари ва Сурхондарё вилояти маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Автомобиль йўллари қўмитаси, Энергетика вазирлиги, «Ўзсувтъминот» АЖ, «Худудгазтъминот» АЖ, «Худудий электр тармоқлари» АЖ, Сурхондарё вилояти ҳокимлигига қарорга 4-иловадаги тадбирларнинг тўлиқ ҳажмда ва ўз вақтида бажарилиши юзасидан шахсий масъулият юклансин.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Термиз» эркин иқтисодий зонаси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2020 йил 13 марта 148-сон қарорига 5-иловага мувофиқ ўзгартириш киритилсин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг инвестициялар ва ташқи иқтисодий алоқалар масалалари бўйича ўринбосари — инвестициялар ва ташқи савдо вазири С.У. Умурзаков ва Сурхондарё вилояти ҳокими Т.А. Боболов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,  
2021 йил 2 февраль,  
47-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2021 йил 2 февралдаги 47-сон қарорига  
1-ИЛОВА

**«Термиз халқаро савдо маркази» эркин савдо зонаси  
таркибиға кирувчи худудларнинг  
ЧЕГАРАЛАРИ**

1-бошланғич нуқта Термиз туманидаги Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараси бўйлаб муҳофаза қилиш зонасининг ғарб томонида, «Термиз халқаро савдо маркази» эркин савдо зонаси ҳудудида жойлашган.

1-нуқтадан чегара Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараси бўйлаб муҳофаза қилиш зонасининг «Термиз халқаро савдо маркази» эркин савдо зонаси ҳудуди бўйлаб шимолий йўналишда 328 метр масофада 2-нуқтагача давом этади.

2-нуқтадан чегара «Аму-занг» канали муҳофаза зонасининг «Термиз халқаро савдо маркази» эркин савдо зонаси ҳудуди бўйлаб ғарбий йўналишда 705,0 метр масофада 3-нуқтагача давом этади.

3-нуктадан чегара «Термиз» эркин иқтисодий зонаси худуди бўйлаб жанубий йўналишда 330,0 метр масофада 4-нуктагача давом этади.

4-нуктадан чегара «Айритом» автомагистрал йўлининг «Термиз халқаро савдо маркази» эркин савдо зонаси худуди бўйлаб шарқий йўналишда 657,0 метр масофада 1-нуктагача давом этади.

5-нуктадан чегара «Гулбаҳор-Айритом» автомобиль йўлининг «Термиз халқаро савдо маркази» эркин савдо зонаси худуди бўйлаб гарбий йўналишда 304,0 метр масофада 6-нуктагача давом этади.

6-нуктадан чегара «Гулбаҳор-Айритом» автомобиль йўлининг «Термиз халқаро савдо маркази» эркин савдо зонаси худуди бўйлаб шимолий йўналишда 1005,0 метр масофада 7-нуктагача давом этади.

7-нуктадан чегара «Аму-занг» канали муҳофаза зонасининг «Термиз халқаро савдо маркази» эркин савдо зонаси худуди бўйлаб шарқий йўналишда 281,0 метр масофада 8-нуктагача давом этади.

8-нуктадан чегара «Термиз халқаро савдо маркази» эркин савдо зонаси худуди бўйлаб жанубий йўналишда 1050,0 метр масофада 5-нуктагача давом этади.

Вазирлар Махкамасининг  
2021 йил 2 февралдаги 47-сон қарорига  
3-ИЛОВА

**«Термиз халқаро савдо маркази» эркин савдо зонаси  
дирекцияси» давлат унитар корхонасининг  
УСТАВИ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. «Термиз халқаро савдо маркази» эркин савдо зонаси дирекцияси» (кейинги ўринларда — Дирекция) оператив бошқарув учун ўзига берилган давлат мулки негизида давлат унитар корхонаси шаклида ташкил этилган тижорат ташкилоти ҳисобланади. Дирекция ўзига биринчирилган мулкка нисбатан қонун хужжатларида белгиланган доирада ўз фаолияти мақсадларига, мулкдор (ёки унинг топшириғига биноан масъул этиб тайинланган давлат органи — муассис) топшириқларига мувофиқ әгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш хуқуқини амалга оширади.

2. Дирекция ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва конунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг қарорлари ва фармойишларига, ушбу Уставга ҳамда бошқа қонун хужжатларига амал қиласди.

3. Дирекция юридик шахс ҳисобланади, алоҳида мулкка, мустақил балансга, банкларда ҳисобваракларига, шу жумладан, валюта ҳисобварак-

ларига, эмблемага, штамплар ва бланкаларга, Ўзбекистон Республикаси давлат герби тасвири туширилган, ўз номи давлат тилида ёзилган муҳрга ва бошқа реквизитларга эга бўлади.

4. Дирекциянинг расмий номи:

а) давлат тилида:

тўлиқ номи — «Termiz» xalqaro savdo markazi» erkin savdo zonasidireksiyasi» davlat unitar korxonasi;

қисқартирилган номи — «Termiz» xalqaro savdo markazi» ESZ direksiyasi» DUK;

б) рус тилида:

тўлиқ номи — Государственное унитарное предприятие «Дирекция зоны свободной торговли «Международный торговый центр Термез»

қисқартирилган номи — ГУП «Дирекция СТЗ «Международный торговый центр Термез»;

в) инглиз тилида:

тўлиқ номи — «Directorate of free trade zone «International trade center Termiz» State Unitary Company;

қисқартирилган номи — «Directorate of FTZ «International trade center Termiz» SUC.

5. Дирекциянинг жойлашган жойи (пошли манзили): Сурхондарё вилояти, Термиз шахри, Ат-Термизий кўчаси, 1а-үй.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Дирекциянинг муассиси (кейинги ўринларда — Муассис) ҳисобланади.

7. Дирекция ўз номидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда мулкий ва шахсий номулкий ҳуқуқларни олиши ва амалга ошириши, мажбуриятлар олиши, судда даъвогар ва жавобгар бўлиши, низоларни ҳал этишида бошқа органларда вакиллик қилиши мумкин.

8. Дирекция Муассиснинг розилигига кўра тижорат ташкилотларининг, шунингдек, қонун ҳужжатларига мувофиқ юридик шахсларнинг қатнашишига йўл қўйиладиган нотижорат ташкилотларда иштирокчи (акциядор, аъзо) бўлиши мумкин.

9. Дирекция бошқа давлат корхонасининг муассиси бўлиши мумкин эмас.

## **2-боб. Дирекция фаолиятининг мақсади ва асосий ўналишлари**

10. «Термиз халқаро савдо маркази» эркин савдо зonasи (кейинги ўринларда — «Термиз халқаро савдо маркази» ЭСЗ) ривожлантириш давлат дастурларининг тўлиқ ва ўз вақтида бажарилишини, шунингдек, «Термиз халқаро савдо маркази» ЭСЗ худудида алоҳида ҳуқуқий режимга риоя этилишини таъминлаш орқали оператив бошқариш, «Термиз халқаро савдо маркази» ЭСЗ иштирокчиларига хизматлар кўрсатишдан ҳамда ушбу Уставда назарда тутилган бошқа ишларни (хизматларни) бажаришдан (кўрсатишдан) фойда олиш Дирекция фаолиятининг асосий мақсади ҳисобланади.

11. Кўйидагилар Дирекция фаолиятининг асосий йўналишлари хисобланади:

«Термиз халқаро савдо маркази» ЭСЗ худудида маҳсус ҳуқуқий режимнинг амал қилишини таъминлаш;

салоҳиятли инвесторлар ва «Термиз халқаро савдо маркази» ЭСЗ иштирокчилари билан ўзаро ҳамкорликни, шу жумладан инвестиция буюртманомасини кўриб чиқиш ва танлаб олиш учун қабул қилишни, мухандислик-коммуникация инфратузилмаси тармоқларига уланиш учун зарур рухсатномалар беришни «ягона дарча» тамойили асосида ташкил этиш;

«Термиз халқаро савдо маркази» ЭСЗ худудидаги инвестиция лойиҳаларининг амалга оширилишини мониторинг қилиш, шунингдек, «Термиз халқаро савдо маркази» ЭСЗ иштирокчилари томонидан инвестиция битимига киритилган мажбуриятларнинг бажарилишини назорат қилиш;

«Термиз халқаро савдо маркази» ЭСЗни ривожлантириш дастури амалга оширилишини таъминлаш;

«Термиз халқаро савдо маркази» ЭСЗ иштирокчиларининг реестрини юритиш;

«Термиз халқаро савдо маркази» ЭСЗ худудида экологик назорат, шунингдек, маданий мерос обьектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисидаги қонун хужжатларига риоя этилишининг назоратини ташкил этиш;

«Термиз халқаро савдо маркази» ЭСЗга иштирокчилари билан шартномалар асосида маркетинг хизматлари, шунингдек, маҳсулотларни ички ва ташки бозорларда тарғиб қилиш бўйича хизматлар кўрсатиш;

«Термиз халқаро савдо маркази» ЭСЗ инвесторларни жалб этиш тадбирларини амалга ошириш;

«Термиз халқаро савдо маркази» ЭСЗ худудига қизиқиш билдирган инвесторларни, эркин савдо зона иштирокчиларини ахборот билан таъминлаш, шу жумладан уларнинг давлат органлари ва бошқа ташкилотлар вакиллари билан учрашувларини ташкил этиш;

«Термиз халқаро савдо маркази» ЭСЗ ҳудудидаги ер участкаларини, шунингдек, бинолар ва иншоотларни эркин савдо зонаси иштирокчиларига эгалик қилишга, фойдаланишга ва ижарага бериш;

давлат-хусусий шериклик лойиҳаларида иштирок этиш.

«Термиз халқаро савдо маркази» ЭСЗ ўз фаолиятини бошқариш бўйича бошқа функцияларни ҳам амалга оширишга ҳақлидир.

12. Дирекция қонун хужжатларида фаолиятининг тақиқланмаган бошқа турларини ҳам амалга ошириши мумкин.

### **3-боб. Дирекция фаолиятини бошқариш**

13. Дирекция Муассисга ва Сурхондарё вилояти маҳсус иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналарининг маъмурий кенгашига хисбот беради.

14. Муассис қўйидаги ҳуқуқларга эга:

Дирекция фаолиятининг мақсади ва йўналишларини белгилаш;

Дирекция Уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш;

Дирекциянинг ортиқча, фойдаланилмаётган ёки белгиланган мақсадда фойдаланилмаётган мулкини олиб қўйиш ва тасарруф этиш;

Дирекцияга берилган мулқдан фойдаланишдан олинган соғ фойданинг бир қисмини ёки ҳаммасини олиш;

Дирекция мулки билан амалга оширилган битимларни ҳақиқий эмас деб ҳисоблаш ва Дирекцияга етказилган заараларни қоплаш тўғрисида судга даъво аризаси билан мурожаат қилиш;

Дирекцияни қайта ташкил этиш ёки тугатиш тўғрисида қарор қабул қилиш, тугатиш комиссиясини тайинлаш ва оралиқ, тугатиш балансини тасдиқлаш;

мехнатга оид қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Дирекция раҳбари билан меҳнат шартномасини муддатидан олдин тўхтатиш ёки бекор қилиш.

15. «Термиз халқаро савдо маркази» ЭСЗнинг мустақил бюджети ва «Термиз халқаро савдо маркази» ЭСЗни ривожлантириш жамғармаси маблағларидан мақсадли фойдаланиш Сурхондарё вилояти маҳсус иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналарининг маъмурий кенгаши томонидан назорат қилинади.

16. «Термиз халқаро савдо маркази» ЭСЗ дирекциясига белгиланган тартибда лавозимга тайинланадиган ва лавозимидан озод этиладиган Ўзбекистон Республикаси инвестициялар ва ташқи савдо вазирининг Афғонистон Ислом Республикаси билан ташқи иқтисодий ҳамкорлик бўйича ўринbosари раҳбарлик қиласи.

17. Дирекция «Термиз халқаро савдо маркази» ЭСЗ иштирокчилари нинг қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга ошириладиган фаолиятига аралашишга ҳақли эмас.

18. Дирекция ижро этувчи орган ҳисобланади.

19. Директор:

қонун ҳужжатлари талабларини бажаришга, Дирекция ходимларининг меҳнат шароитларини муҳофаза қилиш ва яхшилаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги қонун ҳужжатларига риоя қилинишини таъминлаш тадбирларини ишлаб чиқади ва жорий этади;

«Термиз халқаро савдо маркази» ЭСЗни ривожлантириш дастурларининг амалга оширилишини ташкил қиласи;

Дирекциянинг асосий фаолиятини такомиллаштиришга, бошқаришнинг замонавий усусларини жорий этишга доир чора-тадбирларни амалга оширади;

Дирекция номидан ишончномасиз ҳаракат қиласи, барча ташкилотларда, шу жумладан, хорижий ташкилотларда унинг манфаатларини ифода этади;

ходимларни ишга қабул қиласи, улар билан меҳнат шартномаларини (контрактларни) тузади, ўзгартиради ва уларнинг амал қилишини тўхтатади;

қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ишончномалар беради; кадрларни тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш чора-тадбирларини амалга оширади;

Дирекциянинг барча ходимлари учун мажбурий бўлган буйруклар чиқаради ва кўрсатмалар беради;

Дирекциянинг ички иш тартибини ва хўжалик фаолиятини тартибга солувчи ҳужжатларни тасдиқлайди;

Дирекция томонидан қонун ҳужжатларига риоя қилинишини ташкил этиш ва назорат қилишни таъминлайди;

Дирекцияга юкланган мақсадлар ва вазифаларни бажариш учун зарур бўлган бошқа функцияларни амалга оширади.

#### 20. Директор:

Муассисга Дирекция фаолияти тўғрисида белгиланган тартибда ҳисобот беради;

ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва вазифаларни бажаришда Дирекция манфаатларини кўзлаган ҳолда харакат қилиши лозим ҳамда бюджетга ва бюджетдан ташқари жамғармаларга тўловлар, иш хақининг ўз вақтида тўланиши, меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқувчи барча талабларнинг таъминланиши ва уларга тенглаштирилган тўловларнинг тўланишини, ишлаб чиқариш фаолияти билан бевосита боғлиқ эҳтиёжларга маблағлар ўтказилмаганлиги, Дирекциянинг хатти-харакатлари (ҳаракатсизлиги) учун, шу жумладан Дирекцияга берилган давлат мол-мулки йўқолган тақдирда, етказилган зарап юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради;

«Термиз ҳалқаро савдо маркази» ЭСЗнинг «Термиз ҳалқаро савдо маркази» ЭСЗ томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишган ҳолда тасдиқланадиган мустақил бюджети маблағларининг тасаруф этивчиси ҳисобланади;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига «Термиз ҳалқаро савдо маркази» ЭСЗнинг мустақил бюджети ижроси тўғрисидаги ҳисботни келишиш учун белгиланган тартибда тақдим этади.

21. Директор ўз зиммасига юкланган вазифаларнинг бажарилиши, шунингдек, Дирекцияга берилган давлат мулкининг сақланиши ва ундан мақсадли фойдаланилиши юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

### **4-боб. Дирекциянинг устав фонди**

22. Дирекциянинг устав фонди «Термиз ҳалқаро савдо маркази» ЭСЗ фаолиятини оператив бошқариш учун Муассис томонидан ўзига берилган маблағлар, мол-мулк ва бошқа активлар йиғиндисидан иборат бўлади.

23. Дирекция устав фондининг миқдори 5 млрд сўмни ташкил қиласди.

## **5-боб. Дирекциянинг устав фондини кўпайтириш ва камайтириш тартиби**

24. Дирекциянинг устав фонди қонун хужжатларида белгиланган тартибда Муассис қарорига биноан кўпайтирилади ёки камайтирилади.

## **6-боб. Дирекция мулкини тасарруф этиш**

25. Муассис томонидан Дирекцияга оператив бошқарув ҳуқуки билан берилган асосий фондлар ва айланма маблағлар Дирекция мол-мулкини ташкил қиласи.

26. Дирекциянинг асосий фондлари ва айланма маблағлари бўлинмайди ва улушлар (хиссалар, пайлар) бўйича тақсимланиши мумкин эмас.

27. Сурхондарё вилояти маҳсус иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналарининг маъмурий кенгashi Дирекцияга берилган давлат мулкидан белгиланган мақсадда фойдаланишини ва унинг сақланишини, шунингдек, ўзгага берилишини Муассис номидан назорат қиласи.

28. Директор Муассис билан келишган ҳолда, Дирекция мулкини қўйидаги тасарруф этиши мумкин:

    асосий воситаларни сотиш, ижарага ёки гаровга бериш;

    мол-мулкни бошқа хўжалик жамиятларининг устав фондига улуш сифатида киритиш;

    бошқа хўжалик жамиятларининг акцияларини (улушларини) сотиб олиш ва сотиш;

    мол-мулкни қонун хужжатларида белгиланган тартибда бошқача тарзда тасарруф этиш.

## **7-боб. Дирекция бюджетини шакллантириш**

29. Қўйидагилар Дирекция фаолиятини молиялаштириш манбалари ҳисобланади:

    давлат мулки бўлган ва «Термиз халқаро савдо маркази» ЭСЗ ҳудудида жойлашган бинолар ва иншоотларни ижарага беришдан олинган даромадларнинг бир қисми;

    хизматлар кўрсатишдан олинган даромадлар;

    «Термиз халқаро савдо маркази» ЭСЗ иштирокчиларининг ажратмалари ва «Термиз халқаро савдо маркази» ЭСЗ иштирокчилари сифатида рўйхатдан ўтиш учун тўловлар;

    қонун хужжатларида тақиқланмаган бошқа маблағлар.

## **8-боб. Захира фондини ва бошқа фондларни шакллантириш тартиби**

30. Дирекция ўз тасарруфида қоладиган соғ фойда ҳисобига захира

фондини, шунингдек, бошқа фондларни ташкил этиши мумкин, уларнинг миқдори ва шакллантириш тартиби Муассис томонидан тасдиқланади.

### **9-боб. Даромадни (фойдани) тақсимлаш ва заарларни қоплаш тартиби**

31. Дирекциянинг соғ фойдаси Дирекция тасарруфида қолади ва ундан Муассис қарорига биноан фойдаланилади.

32. Муассис ўз қарори билан бошқа юридик ва жисмоний шахсларга ҳомийлик хайрияси сифатида йўналтирилдиган маблағларнинг чекланган суммасини, уларни тасарруф этиш ҳуқуқини Директорга берган ҳолда белгилайди.

33. Дирекциянинг хўжалик фаолияти натижасида кўрилган заарлари ушбу мақсадлар учун ташкил этилган захира фонди маблағлари ҳисобидан қопланиши мумкин.

### **10-боб. Ҳисоботларни тақдим этиш тартиби**

34. Дирекция ҳисобот даври тугагач, ваколатли органларга молия ҳисоботини ва рўйхати қонун ҳужжатларида белгиланадиган бошқа ҳужжатларни тақдим этади ҳамда ҳужжатларнинг сақланиши ва давлат томонидан сақлашга берилиши юзасидан белгиланган тартибда жавоб беради.

35. Дирекциянинг хўжалик субъекти сифатидаги фаолияти Сурхондарё вилояти маҳсус иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналарининг маъмурӣ кенгаши томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда назорат қилинади.

36. Директор ҳар чоракда Дирекция фаолиятининг натижалари ва тасдиқланган ривожлантириш дастурларининг амалга оширилиши тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига ҳисобот беради.

### **11-боб. Дирекциянинг жавобгарлиги**

37. Дирекция ўз мажбуриятлари бўйича ўзига тегишли мулк билан жавоб беради. Муассис Дирекциянинг мулки етарли бўлмаган тақдирда, унинг мажбуриятлари бўйича субсидиар жавобгарликни амалга оширади.

38. Дирекция Муассис мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди.

### **12-боб. Дирекцияни тугатиш ва қайта ташкил этиш**

39. Дирекция Муассиснинг қарорига кўра, қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда ёки суд қарорига биноан тугатилиши ёхуд қайта ташкил этилиши мумкин.

40. Дирекцияни тугатиш Дирекция фаолиятининг ҳукуқ ва мажбуриятлари ҳуқуқий ворислик тартибida бошқа шахсларга ўтмаган ҳолда тўхталишига сабаб бўлади.

Дирекция қайта ташкил этилган тақдирда, унинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳуқукий ворисга ўтади.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2021 йил 2 февралдаги 47-сон қарорига  
5-ИЛОВА

**Вазирлар Маҳкамасининг «Термиз» эркин иқтисодий зонаси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2020 йил 13 марта 148-сон қарорига киритилаётган ўзгартириш**

1-илованинг матни қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Термиз» эркин иқтисодий зонаси таркибига кирувчи ҳудудларнинг чегаралари

1-бошланғич нуқта Термиз туманинди «Термиз халқаро савдо маркази» эркин савдо зонаси худудининг фарб томонида, «Термиз» эркин иқтисодий зонаси худудида жойлашган.

1-нуқтадан чегара «Термиз халқаро савдо маркази» эркин савдо зонаси худуди бўйлаб жанубий йўналишда 330,0 метр масофада 2-нуқтагача давом этади.

2-нуқтадан чегара Айритом автомагистрал йўлининг «Термиз» эркин иқтисодий зонаси худуди бўйлаб фарб йўналишда 616,0 метр масофада 3-нуқтагача давом этади.

3-нуқтадан чегара «Термиз халқаро савдо маркази» эркин савдо зонаси худуди бўйлаб шимолий йўналишда 1050,0 метр масофада 4-нуқтагача давом этади.

4-нуқтадан чегара «Аму-занг» канали муҳофаза зонасининг «Термиз» эркин иқтисодий зонаси худуди бўйлаб шарқий йўналишда 320,0 метр масофада 5-нуқтагача давом этади.

5-нуқтадан чегара «Аму-занг» канали муҳофаза зонасининг «Термиз» эркин иқтисодий зонаси худуди бўйлаб жануб йўналишда 755,0 метр масофада 6-нуқтагача давом этади.

6-нуқтадан чегара «Термиз халқаро савдо маркази» эркин савдо зонаси худуди бўйлаб фарбий йўналишда 315,0 метр масофада 1-нуқтагача давом этади.».

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ  
ҚАРОРИ**

**48 Курилиш соҳасида электрон давлат харидларини ташкил этиш ва ўтказиш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида\***

Курилиш соҳасида давлат харидларини ташкил этиш ва ўтказиш, шунингдек, лойиҳалаштириш, қурилиш-монтаж ишларида давлат харидлари ҳужжатларини ишлаб чиқиш, тасдиқлаш бўйича тартиб-таомилларни электрон тизимга ўтказиш орқали янада такомиллаштириш ҳамда шаффофликни таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор килади**:

1. Курилиш соҳасида давлат харидларини ташкил этиш ва ўтказишнинг куйидагиларни назарда тутувчи янги тизими жорий этилсин:

қурилиш соҳасидаги давлат харидларини ўтказишда танлов ҳужжатларининг умумий ва техник қисмларини тақдим этиш талаб этилмайди; электрон танлов (тендер) (кейинги ўринларда — танлов) савдоларини амалга ошириш учун танлов ҳужжатлари ва техник вазифалар фақат тонварлар (ишлар, хизматлар) ҳажмларини ва уларнинг нарх параметрларини баҳолаш қисми бўйича комплекс экспертизадан ўтказилади;

танлов савдоларида жорий йил учун молиявий мажбуриятлари ҳажми қурилиш-пудрат ташкилотларининг сўнгги уч йиллик ҳисобот даврининг бир йилида бажарилган энг йирик ишлар ҳажмининг 1,5 бараваридан ошган оферентлар иштирок этмайди;

танлов натижалари бўйича шартномада белгиланган нархга нисбатан сифати ва ҳажмига таъсир қилмаган ҳолда тежалган маблағлар пудрат ташкилоти тасарруфида қолдирилади.

2. Давлат буюртмачилари қурилиш соҳасидаги танловларни маҳсус ахборот портали операторлари орқали онлайн режимда ўтказилишини таъминласин.

Курилиш вазирлиги Молия вазирлиги билан биргаликда «Шаффофф қурилиш» миллый ахборот тизими ҳамда танловларни ўтказиш бўйича маҳсус ахборот портали операторлари ўртасида электрон ахборот алмашинувини йўлга қўйсинг.

3. Курилиш соҳасида электрон давлат харидларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги вақтинчалик низом иловага мувофиқ тасдиқлансан.

4. Курилиш вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда ўзлари қабул қилган норматив-хукуқий ҳужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштирасин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари А.Ж. Раматов, қурилиш

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 6 февралда эълон қилинган.

вазири Б.И. Закиров ва молия вазири Т.А. Ишметов зиммасига юклан-син.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,  
2021 йил 5 февраль,  
55-сон

Вазирлар Махкамасининг  
2021 йил 5 февралдаги 55-сон қарорига  
ИЛОВА

**Қурилиш соҳасида танловларни ташкил этиш ва  
ўтказиш тартиби тўғрисида  
ВАҚТИНЧАЛИК НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Вактинчалик низом қурилиш соҳасида танловларни ташкил этиш ва ўтказиш тартибини белгилайди.

2. Мазкур Вактинчалик низомда қўйидаги асосий тушунчалар қўлла-нилади:

**танлов** — қурилиш соҳасида давлат харидининг электрон порталда давлат буюртмачилари томонидан қурилиш-пурдат ташкилотлари ишлари (хизматлари)нинг пуллик асосда олиниши;

**давлат буюртмачиси** — танловни амалга ошираётган юридик шахс (кейинги ўринларда — буюртмачи);

**махсус ахборот портали** — операторнинг давлат харидлари ўтка-зилишини, давлат харидлари тўғрисидаги эълонлар, давлат харидлари якунлари, харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчиларининг таклифлари ҳақидаги ахборотнинг ва қонун хужжатларида назарда тутилган бошқа ах-боротнинг электрон шаклда жойлаштирилишини ва кўрилишини, шунингдек, танловлар ўтказилишини таъминловчи веб-сайти ва маҳсус электрон платформаси (кейинги ўринларда — портал);

**танловни ўтказиш бўйича маҳсус ахборот портали оператори** — давлат харидларининг субъекталарига харид қилиш тартиб тамойилларини ташкил этиш ва ўтказиш, маҳсус ахборот порталига эълонларни, буюртманомаларни ҳамда давлат харидлари ва уларнинг якунлари тўғрисидаги бошқа ахборотни жойлаштириш билан боғлиқ хизматлар кўрсатувчи маҳсус ваколатли юридик шахс (кейинги ўринларда — оператор);

**танлов ташкилотчиси** — Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлигининг ҳудудий танлов савдоларини ташкил этиш консалтинг марказлари ва капитал қурилишда товарлар, ишлар ва хизматлар харид қилиш учун

танлов хужжатларини тайёрлаш, ташкил этиш ва ўтказиш учун лицензияга эга ихтисослашган ташкилот;

**оферент** — қурилиш соҳасида танловдан манфаатдор бўлган ва электрон танлов таклифини тақдим этадиган, электрон рейтингга киритилган қурилиш-пудрат ташкилоти;

**электрон рейтинг** — «Шаффоф қурилиш» миллий ахборот тизимишинг қурилиш-пудрат ташкилотлари рейтинги қўрсаткичлари акс эттирилган электрон платформаси;

**танлов хужжатлари** — танлов предметининг молиявий, тижорат, ташкилий ва бошқа тавсифлари тўғрисидаги ҳамда танловни ташкил этиш шартлари ва ўтказиш тартиб-таомиллари тўғрисидаги дастлабки ахборотни ўз ичига олувчи, буюртмачи томонидан тайёрланадиган электрон хужжатлар тўплами;

**танлов предмети** — оферент иши ва хизмати;

**танлов таклифи** — танлов хужжатларида белгиланган шартларга мувофиқ танлов предметига нисбатан оферентнинг портал орқали электрон шаклда тақдим этилган таклифи;

**акцепт** — буюртмачи томонидан оферентга юбориладиган, уни танлов ғолиби деб эътироф этиш ва шартнома тузишга розилик бериш тўғрисидаги электрон ёзма хабарнома;

**захира ижрочиси** — танлов яқунларига кўра харид комиссиясининг қарорига мувофиқ ғолиб деб эътироф этилган оферентнинг танлов таклифидан сўнг танлов таклифи энг мақбул деб топилган оферент.

3. Мазкур Вақтинчалик низом давлат буюртмачиларининг ва Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари хисобидан қиймати базавий ҳисоблаш микдорининг 2500 бараваридан ортиқ бўлган қурилиш соҳасидаги танловларига нисбатан татбиқ этилади.

4. Қурилиши мазкур Вақтинчалик низомнинг З-бандида назарда тутилмаган ҳолатларда мазкур низом талаблари тавсиявий аҳамиятга эга.

5. Мазкур Вақтинчалик низомнинг амал қилиши:

давлат томонидан ҳимоя қилиниши лозим бўлган шахсларнинг хавфсизлигини таъминлаш, Ўзбекистон Республикасида мудофаа қобилиятини, хавфсизликни таъминлаш ва ички тартибни сақлаш учун амалга ошириладиган давлат харидларига, шунингдек, давлат сирлари билан боғлиқ бўлган давлат харидларига;

фавқулодда вазиятлар юз берган ҳолларда Ўзбекистон Республикасининг эҳтиёжларини таъминлаш учун зарур бўлган товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) давлат харидларига нисбатан татбиқ этилмайди.

6. Танлов куйидаги тартибда амалга оширилади:

буюртмачи томонидан танлов ўтказиш тўғрисидаги қарор қабул қилинади;

харид комиссия таркиби тасдиқланади;

танлов ташкилотчиси томонидан танлов ўтказилади;

таклифлар қабул қилинади — талабгорлардан тушган таклифлар автоматик тарзда олинади;

хисоблаш натижалари бўйича электрон баённома тузилади;  
электрон баённома тўғрисида порталда эълон берилади;  
танлов ғолиби билан шартнома тузилади.

## **2-боб. Танлов иштирокчилари**

7. Буюртмачи, оператор, танлов ташкилотчиси, танлов комиссияси ва оферент (кейинги ўринларда — харид иштирокчилари) танловнинг асосий иштирокчилари хисобланади.

8. Танлов ташкилотчиси буюртмачи томонидан белгиланган тартибда харид қилиш тартиб-таомиллари натижалари асосида аниқланади.

9. Харид комиссияси буюртмачининг тегишли қарори билан тузилади.

Харид комиссияси буюртмачи, Қурилиш соҳасида назорат инспекцияси, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Давлат солик қўмитаси ва Монополияга қарши курашиб қўмитаси вакилларидан иборат камида 5 кишилик тоқ сонли тартибда шакллантирилади.

Танлов предметига қараб лойиха, эксперт ташкилотлари ва бошқа ташкилотларнинг вакиллари харид комиссияси таркибига киритилиши мумкин.

10. Буюртмачи:

танловни ўтказиш тўғрисида қарорни кабул қиласди;

танловни ўтказиш ҳақидаги эълонни порталга жойлаштиради;

танлов ҳужжатлари ва техник вазифалар комплекс экспертизасининг товарлар (ишлар, хизматлар) ҳажмларини ва уларнинг нарх параметрларини баҳолаш қисми бўйича ижобий хулоса мавжуд бўлмаса, эълонни жойлаштириш тақиқланади;

танловни ўтказиш санасини белгилайди;

харид комиссияси таркибини шакллантиради, унинг ишида қатнашади;

танлов ғолиби билан шартнома тузади;

танловни ташкил этиш билан боғлиқ барча харажатларни қоплайди.

11. Оператор қўйидагиларни таъминлайди:

харид иштирокчиларининг ўз функцияларини амалга ошириш учун порталдаги шахсий кабинетига киришини;

электрон рейтингга киритилган қурилиш-пудрат ташкилотларининг рўйхатини ва электрон рейтинг тоифаси ҳақидаги ахборотни тақдим этишни;

танлов таклифларини автоматик равишда баҳоланишини;

оферентларни танлов таклифларига ва уларни баҳолаш натижаларига кириш муддати ҳақида автоматик равишда хабардор қилиш;

оферентларнинг танлов ҳужжатларидан фойдаланишни;

танлов комиссияси аъзоларининг танлов таклифларини ўрганишни;

танлов иштирокчилари томонидан киритилган маълумотларнинг махфийлигини;

тизимни доимий равишда ишлашини.

12. Танлов ташкилотчиси:

танлов ўтказилиши тўғрисидаги эълонни, танловни ўтказишга танлов хужжатларини расмийлаштиради;

танлов хужжатлари ва техник вазифалар комплекс экспертизасининг товарлар (ишлар, хизматлар) ҳажмларини ва уларнинг нарх параметрларини баҳолаш қисми бўйича ижобий хулоса мавжуд бўлмаса эълонни расмийлаштириши тақиқланади;

харид комиссиясининг танлов таклифларини кўриб чиқиш ва баҳолаш натижалари тўғрисидаги электрон баённомани расмийлаштиради;

танлов ғолиблари ҳақидаги ахборотни порталга жойлаштиради.

### 13. Харид комиссияси:

танлов таклифларини қабул қилишнинг охирги куни ва вактини белгилайди;

таклиф киритиш тартибини, шаклини ва уни таъминлаш ҳажмини 2 фоиздан ортиқ бўлмаган микдорда белгилайди;

танлов таклифларининг тўғри расмийлаштирилишини текширади;

14. Харид комиссияси томонидан танлов хужжатларида назарда тутилмаган маълумотларни оферентлардан талаб этишга йўл қўйилмайди.

Харид комиссияси оферентларнинг тијорат сирлари маҳфийлигини таъминлайди.

15. Харид комиссияси аъзоларининг ваколатига киритилган масалаларни кўриб чиқиш учун портал харид комиссияси аъзоларининг ёпиқ электрон маълумот алмашиш (чат) имкониятини таъминлайди.

16. Харид комиссиясининг қарори харид комиссияси аъзолари умумий сонининг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Овозлар teng бўлган тақдирда, комиссия раисининг овози ҳал қилувчи хисобланади.

## **З-боб. Танлов иштирокчиларининг шахсий кабинети**

17. Танлов иштирокчилари порталда шахсий кабинетлари орқали иштирок этадилар.

Буюртмачи ва иштирокчилар ўзларининг солиқ органлари томонидан берилган электрон рақамли имзоларидан (кейинги ўринларда — ЭРИ) фойдаланган ҳолда порталда рўйхатдан ўтиши талаб этилади.

Буюртмачи ва иштирокчи томонидан ЭРИдан фойдаланиш, электрон тизимда тузиладиган шартномаларни ҳақиқий деб топиш учун асос бўлиб хисобланади.

Бюджет буюртмачиларини харидга киритиш автоматик тарзда Молия вазирлиги ва операторнинг маълумотлар базаларини интеграция қилиш орқали амалга оширилади.

Корпоратив буюртмачиларни харидга киритиш улар томонидан порталдаги электрон шаклдаги сўровнома-аризани (кейинги ўринларда — сўровнома) тўлдириш йўли билан амалга оширилади.

18. Рўйхатдан ўтгандан сўнг автоматик равишда танлов иштирокчисининг шахсий кабинети шакллантирилади. Танлов иштирокчисининг шахсий кабинетига кириш ЭРИдан фойдаланган ҳолда амалга оширилади.

19. Танлов иштирокчиси (юридик шахс) тугатилганда унинг шахсий кабинетига киритилган маълумотлар порталнинг маълумотлар архивига юборилади ва белгиланган тартибда сақланади.

20. Харид комиссиясининг ҳар бир аъзоси ўзининг шахсий қабинети орқали овоз беришда ёқлаб овоз бериши ёки қарши овоз бериши мумкин. Харид комиссияси аъзоси қарши овоз берганда электрон баённомада асослантирилган тушунтириш қолдириши шарт.

21. Харид комиссиясининг ҳар бир аъзоси иштирокчиларни таклифларини қабул қилиш муддати тугаган кунга қадар харид иштирокчилари билан аффилланганлик хусусиятига эга алоқалари мавжудлиги ҳақидаги маълумотларни порталга киритиши шарт.

22. Харид иштирокчилари билан аффилланганлик хусусиятга эга алоқалари бўлган ва /ёки тугатиш ёки банкротлик босқичида бўлган оферентлар танловга қўйилмайди.

#### **4-боб. Танловни ўтказиш тўғрисидаги эълонни жойлаштириш**

23. Буюртмачи томонидан танлов ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинганидан сўнг, танлов ўтказиш ҳақидаги эълон (кейинги ўринларда — эълон) тайёрланади ва порталга жойлаштирилади.

24. Эълонга қўйидаги маълумотлар киритилади:

ишнинг (хизматнинг) батафсил тавсифи;

курилиш объектининг қиймати;

оферентларга нисбатан қўйиладиган талаблар;

агар танлов предмети ҳисобланган ишларни бажариш (хизматларни кўрсатиш) билан боғлиқ фаолият Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ лицензияланадиган бўлса, лицензия мавжудлиги ҳақидаги талаб;

таклифларни юбориш муддати тугайдиган сана ва вақт;

таклифни таъминлаш кафолатининг қиймати.

25. Иштирокчилардан таклифларни қабул қилиш муддати порталда эълон қилинган кундан бошлаб ўн иш кунидан кам бўлмаслиги керак.

#### **5-боб. Оферентларнинг танловга кириши**

26. Оферент объектнинг қиймати ва хавф-хатар тоифасига қараб, қурилиш ташкилотларининг қўйидаги электрон рейтингида ижобий кўрсаткичларга эга бўлганда танловга киритилади:

I хавф-хатар тоифасидаги объектлар учун:

қиймати 1 млрд сўмгacha — «DD» ва ундан юқори;

қиймати 1 млрд сўмдан 2 млрд сўмгacha — «DDD» ва ундан юқори;

қиймати 2 млрд сўмдан 6 млрд сўмгacha — «C» ва ундан юқори;

қиймати 6 млрд сўм ва ундан юқори — «CC» ва ундан юқори электрон рейтинг баҳосига эга;

II хавф-хатар тоифасидаги объектлар учун:  
 қиймати 5 млрд сўмгача — «СС» ва ундан юқори;  
 қиймати 5 млрд сўмдан 10 млрд сўмгача — «ССС» ва ундан юқори;  
 қиймати 10 млрд сўмдан 20 млрд сўмгача — «В» ва ундан юқори;  
 қиймати 20 млрд сўмдан 30 млрд сўмгача — «ВВ» ва ундан юқори;  
 қиймати 30 млрд сўм ва ундан юқори — «ВВВ» ва ундан юқори электрон рейтинг баҳосига эга;

III хавф-хатар тоифасидаги объектлар учун:  
 қиймати 10 млрд сўмгача — «СС» ва ундан юқори;  
 қиймати 10 млрд сўмдан 20 млрд сўмгача — «ССС» ва ундан юқори;  
 қиймати 20 млрд сўмдан 40 млрд сўмгача — «В» ва ундан юқори;  
 қиймати 40 млрд сўм ва ундан юқори — «ВВ» ва ундан юқори электрон рейтинг баҳосига эга;

IV хавф-хатар тоифасидаги объектлар учун:  
 қиймати 20 млрд сўмгача — «СС» ва ундан юқори;  
 қиймати 20 млрд сўмдан 50 млрд сўмгача — «ССС» ва ундан юқори;  
 қиймати 50 млрд сўмдан 80 млрд сўмгача — «В» ва ундан юқори;  
 қиймати 80 млрд сўмдан 110 млрд сўмгача — «ВВ» ва ундан юқори;  
 қиймати 110 млрд сўм ва ундан юқори — «ВВВ» ва ундан юқори электрон рейтинг баҳосига эга.

Танловда ягона оферент иштирок этганда ёки бирорта ҳам оферент иштирок этмаганда, харид комиссияси танловга кириш учун оферентларга нисбатан қўйилган электрон рейтинг баҳони пасайтириш хукуқига эга.

27. Агар танлов предмети хисобланган ишларни бажариш (хизматларни кўрсатиш) билан боғлиқ фаолият Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатларига мувофиқ лицензияланадиган бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибда берилган тегишли лицензияга эга бўлган оферентлар қўйилади.

Иштирокчилар учун обьект йўналишидан ва хавф-хатар тоифасидан келиб чиқкан ҳолда рейтинг бўйича талабларни аниқлаш Қурилиш вазирлигининг буйруғи асосида амалга оширилади.

## **6-боб. Танлов хужжатлари таркиби, тузилиши, уларни тасдиқлаш тартиби**

28. Буюртмачи танлов хужжатларини электрон рақамли имзо билан тасдиқлайди ҳамда эълон билан бир вақтда порталга жойлаштиради.

29. Танлов хужжатлари қўйидагилардан иборат:

мазкур Вақтинчалик низомга 1-иловага\* мувофиқ ишларни бажаришга нарх таклифи;

мазкур Вақтинчалик низомга 2-иловага\* мувофиқ обьектни қуришнинг умумий жадвали;

мазкур Вақтинчалик низомга 3-иловага\* мувофиқ обьект қурилишини молиялаштиришнинг умумий жадвали;

---

\* 1 — 3-иловалар «Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

мазкур Вақтингчалик низомга 4-иловага\* мувофиқ жамланма жадвал, ишларнинг физик ҳажмлари ва объектга ресурслар қайдномаси ҳамда асосий нарх шакллантирувчи компонентларга нархлар жадвали;

мазкур Вақтингчалик низомга 5-иловага\* мувофиқ танлов таклифини таъминлаш кафолати;

мазкур Вақтингчалик низомга 6-иловага\* мувофиқ танлов предмети қийматининг камидаги 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг мавжудлиги ҳақидаги маълумотнома ёки кўрсатилган маблағларни тақдим этишга банк кафиллиги;

агар танлов предмети хисобланган ишларни бажариш (хизматларни кўрсатиш) билан боғлиқ фаолият Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ лицензияланадиган бўлса, тегишли лицензия нусхаси;

шартнома лойиҳаси.

30. Танлов ҳужжатларининг шакллари ва иловалари намуналари, шартнома лойиҳаси буюртмачи томонидан порталга жойлаштирилади.

31. Буюртмачи, харид комиссияси билан келишилган ҳолда танлов ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги қарорни, иштирокчиларнинг таклифларини қабул қилиш муддати тугайдиган санадан камидаги учун олдин қабул қилишга ҳақли.

Бунда танлов иштирокчиларининг таклифларини қабул қилиш тугайдиган муддат танлов ҳужжатларига ўзгартиришлар киритилган санадан бошлаб камидаги беш иш кунига узайтирилади. Агар эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, эълонга ўзгартиришлар киритилади.

32. Танлов ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш жараёнида танлов предмети ва турини ўзгартиришга йўл қўйилмайди.

33. Зарур ҳолларда буюртмачи, харид комиссиясининг ташаббуси билан харид комиссияси қарори асосида танлов таклифларини тақдим этиш муддатини узайтириши ёки оферентларга уларнинг танлов таклифлари амал қилиш муддатини муайян даврга узайтириш тўғрисида таклиф билан мурожаат қилиши мумкин.

34. Таклифларни қабул қилиш муддати тугагунга қадар оферент ўз таклифларига ўзгартиришлар киритиш ёки қайтариб олиш хукуқига эга.

## **7-боб. Танлов таклифини бериш тартиби**

35. Оферент шахсий кабинетдан фойдаланган ҳолда танлов ҳужжатларининг иловаларини тўлдириш ва юклаш (электрон шаклда «pdf» форматда сканер қилинган ҳужжатларни) йўли билан порталга таклифини ЭРИ билан тасдиқлаган ҳолда эълонда белгиланган муддатдан кечиктирмай юборади.

36. Танлов таклифи билан биргаликда оферентлар эскизлар, расмлар, чизмалар, фотосуратлар ва бошқа ҳужжатларни жойлаштириши мумкин.

37. Оферент тақдим этилаётган ахборот ва ҳужжатларнинг ҳаққонийлиги ва ишончлилиги учун жавоб беради.

\* 4 — 6-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

38. Портал томонидан танлов таклифларининг қабул қилиниши порталда жойлаширилган эълонда белгиланган кун тугаши билан соат 00:00 да тўхтатилади.

39. Иштирокчилар таклифларини қабул қилиш муддати тугагунга қадар портал харид иштирокчилари томонидан кўриш имкониятини чеклайди.

40. Танлов хужжатлари бўйича тушунтириш олиш мақсадида, оферентлар томонидан юбориладиган мурожаатларни қабул қилиш буюртмачи томонидан эълонни тугаш муддатидан икки кун олдин тўхтатилади. Келиб тушган барча мурожаатларга буюртмачи томонидан очик электрон чат орқали икки кун муддатда тушунтиришлар берилиши шарт.

## **8-боб. Танлов таклифларини кўриб чиқиш ва баҳолаш**

41. Харид комиссияси тушган танлов таклифларини уларни тақдим этиш муддати тугаган пайтдан бошлаб ўн кун ичида кўриб чиқади.

42. Харид комиссияси қўйидаги ҳолларда танлов таклифларини рад этади:

таклифлар танлов хужжатлари талабларига мувофиқ бўлмаганда;

оферентнинг комиссия аъзоси билан аффилланганлик хусусиятига эга алоқалари мавжуд бўлса, шунингдек, банкротлик ёки тугатиш босқичида бўлса.

43. Танлов қўйидаги ҳолларда амалга ошмаган деб ҳисобланади:

ягона оферент иштирок этган ёки бирорта ҳам оферент иштирок этмаган тақдирда. Бундай ҳолатда буюртмачи танловни танлов хужжатларида белгиланган айни ўша шартларда ва ишларга (хизматларга) доир айни ўша талабларга мувофиқ тақороран ўтказиши шарт. Бунда танлов хужжатларига ўзгартиришлар киритишга, электрон рейтинг баҳоси қисмидаги оферентнинг танловга кириш талабини пасайтиришга йўл қўйилади;

танлов таклифларини кўриб чиқиш натижалари бўйича харид комиссияси барча танлов таклифларини рад этса;

ғолиб ва захира ғолиби шартнома тузишни рад этса.

Танлов амалга ошмаган деб ҳисобланган тақдирда, танловни белгилangan тартибда тақороран ўтказиш бўйича эълон берилади.

44. Оферентнинг умумий баллари йиғиндинсини якуний ҳисоблаш учун портал томонидан автоматик режимда ҳисобланадиган қўйидаги формуладан фойдаланилади:

$$\text{ЯБ} = (\text{РБ} * 0,6) + (5 - (\text{бирдан бешгача})) + \\ (\text{ББН} - \text{ОН}) * 35 / (\text{ББН} - \text{ЭТН}):$$

ЯБ — оферентнинг якуний бали;

РБ — электрон рейтинг доирасида олинган балл;

0,6 — оферент томонидан электрон рейтинг доирасида олинган баллнинг оферентнинг умумий якуний балидаги улушкини аниқловчи коэффициент;

(5 — (бирдан бешгача)) — оферентнинг ишни (хизматни) бажариш

муддатининг танлов хужжатларида белгиланган муддатга мувофиқлигини аниқловчи ифода (оферентнинг ишни (хизматни) бажариш муддати танлов хужжатларида белгиланган муддатга мувофиқ бўлганда ёки оферентнинг ишни (хизматни) бажариш муддати танлов хужжатларида белгиланган муддатдан олдинроқ бўлганда оферент 5 балл олади, ҳар бир 10 кун миқдоридан ошганлик учун 5 дан 1 балл олиб ташланади, бироқ 5 баллдан ортиқ бўлмаслиги керак);

БН — буюртмачининг бошланғич нархи;

ОН — оферентнинг нархи;

35 — оферент томонидан танлов таклифи бўйича олинган баллнинг оферентнинг умумий якуний балидаги улушкини аниқловчи коэффициент;

ЭТН — танлов таклифининг энг кам нархи.

Оферент танлов таклифини энг кам нарх билан берган тақдирда, у 35 балл олади ва формуланинг иккинчи қисми —  $((\text{БН} - \text{ОН}) * 35 / (\text{БН} - \text{ЭТН}))$  ифодаси ҳисобланмайди.

Харид иштирокчисининг чегирмаси бошланғич нархга нисбатан 10 фоиздан кўп бўлган тақдирда, ушбу иштирокчи харид жараёнидан четлаштирилади.

45. Автоматлаштирилган ҳисоблаш натижалари бўйича танлов ғолиби ва захира ғолиби аниқланади.

46. Танлов ғолибини аниқлаш якунларига кўра харид комиссияси аъзолари бир иш куни ичida ўз электрон рақами имзоларидан фойдаланган ҳолда электрон баённомани тасдиқлайди. Электрон баённомадан кўчирма порталда автоматик режимда эълон қилинади.

47. Танлов таклифларини кўриб чиқиш ва баҳолаш ҳақидаги электрон баённомада қўйидаги ахборотлар акс эттирилади:

танлов таклифларини кўриб чиқиш, баҳолаш санаси ва вақти;

харид комиссияси иштирок этган аъзолар ва оферентлар ваколатли вакилларининг таркиби;

танлов таклифларини баҳолаш натижаси;

қабул қилинган қарор, танлов ғолиби ва захира ғолиби ҳақидаги маълумот.

## **9-боб. Танлов натижалари бўйича шартнома тузиш**

48. Буюртмачи танлов ғолиби аниқланган пайтдан бошлаб ғолиб ташкилотга икки иш куни ичida танлов якунларига кўра акцент юборади. Акцент юборилган вақтдан бошлаб танлов тугалланган ҳисобланади.

49. Акцент танлов бекор қилинмаган ҳамда танлов тартиб-таомиллари бузилмаган тақдирда юборилиши мумкин.

50. Буюртмачи ғолиб бўлган танлов таклифи акцептига қадар исталган вақтда танловни бекор қилиш хуқуқига эга. Танлов бекор қилинган тақдирда, буюртмачи порталда мазкур қарорнинг асосланган сабабларини эълон қиласи.

51. Танлов натижалари бўйича шартнома танлов хужжатларида ва шартнома тузилаётган оферент томонидан берилган танлов таклифида кўрса-

тилган шартлар асосида танлов ғолиби эълон қилинган пайтдан бошлаб ўн кун муддатдан кечикмай тузилади.

52. Танлов ғолиби акцептни тасдиқлашдан ёки шартнома тузишдан бош тортган ҳолларда шартнома тузиш ҳуқуки захира ғолибига ўтади ва танлов ғолибига танлов таклифини таъминлаш суммаси қайтариб берилмайди. Бунда захира ғолиби танлов ғолиби томонидан ёки танлов таклиф этилган нарх бўйича шартнома тузиши ёки шартнома тузишдан бош тортиши мумкин.

Захира ғолибига, у шартнома тузишдан бош тортган тақдирда, танлов таклифини таъминлаш суммаси қайтариб берилмайди.

Ғолиб ёки захира ғолиби шартнома тузишдан бош тортган тақдирда, танлов амалга ошмаган деб ҳисобланади ва танловни тақроран ўтказиш эълон қилинади.

53. Буюртмачи қўйидаги ҳоллардан бири рўй бергандан сўнг танлов таклифини таъминлаш суммаси тўланишини талаб қилмайди ва таъминлаш тўғрисидаги хужжатни уч иш куни ичидаги қайтаради ёки унинг қайтарилишини таъминлайди:

танлов таклифини таъминлашнинг амал қилиш муддати тугаганда;

танлов тўғрисидаги шартнома кучга кирганда ва ушбу шартнома ижросини таъминлашни тақдим этиш, агар бундай таъминлаш танлов хужжатлари шартларида талаб этилса;

танлов бекор қилинганда;

танлов таклифларини юборишининг охирги муддати тугагунига қадар танлов таклифининг чақириб олиниши, агар танлов шартларида бундай қайтариб олишга йўл қўйилмаслиги айтиб ўтилмаган бўлса.

## **10-боб. Танловни ташкил этиш ва ўтказиш харажатлари**

54. Курилиш соҳасида электрон танлов порталида тузилган битим рўйхатга олинади, оферент ўз фармойиши асосида ҳар бир обьект учун шахсий ҳисоб варафидан операторнинг воситачилик шартнома асосида тўлов ечиб олинади.

## **11-боб. Харид иштирокчиларининг жавобгарлиги**

55. Харид иштирокчилари Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

56. Буюртмачи қўйидагилар учун жавоб беради:

харид комиссиясини шакллантиришда унинг таркибига доир талабларга риоя этиш;

танлов савдолари ғолиби билан шартнома тузиш муддатининг бузилганлиги;

танлов шартларининг бажарилиши мониторинги учун «Шаффофф курилиш» миллый ахборот тизимида маълумотларни киритмаганлиги ёки нотўғри маълумотлар киритганлиги.

57. Оператор қўйидагилар учун жавоб беради:

буортмачига тақдим этилиши лозим бўлган иштирокчиларнинг таклифлари ва электрон рейтинг ҳақидаги маълумотларнинг ҳамда порталга юклатилган таклифларнинг тузилмасидаги ҳужжатлар бутлигига;

электрон танлов тақлифларининг тарафлар ўртасидаги шартнома мажбуриятлари бажарилиши тугаллангандан сўнг қонунчиликда белгиланган муддатда сақланишига;

харид иштирокчилари томонидан киритилган маълумотларнинг эълон муддати давомида махфийлигини таъминлашга.

58. Харид комиссияси қўйидаги ваколатларга эга эмас:

оферентдан танлов ҳужжатлари талабларига мувофиқлигини тасдиқловчи ҳужжатларни асоссиз талаб этишга;

оферентларнинг тижорат сирини муҳофаза қилишга бўлган хукуклар бузилишига;

харид иштирокчилари билан аффилланганлик хусусиятига эга алоқалари бўлган, шунингдек, тугатиш ёки банкротлик босқичида бўлган оферентларнинг танловда иштирок этишга йўл қўйишга;

оферентнинг танловда иштирок этишдан асоссиз равишда четлатишга;

танлов ҳужжатларини кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш муддатларини ўзгартиришга;

танлов тартиб-таомилларининг бошқа белгиланган талабларини бузишга.

59. Оферент ўзи томонидан тақдим этилган маълумотлар ишончлилиги учун жавобгар ҳисобланади.

## **12-боб. Якунловчи қоидалар**

60. Танлов натижаларини расмийлаштириш, тузилган шартномалар бўйича ҳисоб-китобларни ташкил этиш, шартнома мажбуриятлари бажарилиши мониторингини олиб бориш ҳамда шикоятлар, низо ва келишмовчиликларни кўриб чиқиш Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

61. Оператор танловга тааллуқли барча ҳужжатларнинг Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда сақланишини таъминлайди.

62. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Капитал қурилишда танлов савдолари тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2003 йил 3 июлдаги 302-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси ҳудудида капитал қурилишда танлов савдолари тўғрисидаги низом асосида амалга ошириладиган тартиботлар мазкур Вақтинчалик низом талабларига зид бўлмаган тақдирда кўлланилади.

63. Вақтинчалик низом талабларини бузганликда айбдор шахслар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ  
ҚАРОРИ**

**49      Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан жойлаштирилган маблағлар ҳисобидан ипотека кредитлари ажратиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида\***

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ипотека кредити механизми таомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2019 йил 28 ноябрдаги ПФ-5886-сон Фармонига ва «Аҳолининг уй-жой шароитини яхшилаш ҳамда ипотека кредити бозорини янада кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2020 йил 1 майдаги ПҚ-4701-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Махкамаси **қарор қиласди**:

1. Куйидагиларни назарда тутивчи Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан жойлаштирилган маблағлар ҳисобидан ипотека кредитлари ажратиш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин:

Молия вазирлиги томонидан тижорат банкларига узок муддатли маблағларни жойлаштириш тартиби;

тижорат банклари ва қарз олувчиларга нисбатан белгиланадиган мувофиқлик мезонлари;

ипотека кредитларини расмийлаштириш ва ажратиш тартиби;

ипотека кредити мониторингини олиб бориш ва кредитларни қайтариш тартиби.

2. Манфаатдор тижорат банкларига ушбу қарор талабларидан келиб чиқиб, Молия вазирлиги томонидан жойлаштирилган маблағлар ҳисобидан ипотека кредитлари ажратиш бўйича ички тартибларни ишлаб чиқиш тавсия этилади.

3. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 2-иловага мувофиқ айрим қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисблансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-хукукий хужжатларни бир ой муддатда мазкур қарорга мувофиқлаштирун.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг молия-иктисодиёт ва камбағалликни қисқартиш масалалари бўйича ўринбосари — иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартиш вазири Ж.А. Қўчкоров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,  
2021 йил 5 февраль,  
56-сон

---

\* Ушбу қарор «Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 6 февралда эълон қилинган.

Вазирлар Маҳкамасининг

2021 йил 5 февралдаги 56-сон қарорига

1-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан  
жойлаширилган маблағлар ҳисобидан ипотека кредитлари  
ажратиш тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом бозор тамойилларига асосланган ипотека кредитлари орқали аҳолини уй-жой билан таъминлашнинг янги тартиби (кейинги ўринларда — янги тартиб) доирасида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги (кейинги ўринларда — Молия вазирлиги) томонидан жойлаширилган маблағлар ҳисобидан Ўзбекистон Республикаси фуқароларига (кейинги ўринларда — фуқаролар) ипотека кредитлари ажратиш тартибини белгилайди.

**2. Мазкур Низом қоидалари:**

шахар ва қишлоқ жойларда қурилган бирламчи уй-жой бозорида кўп квартирали уйлардаги квартираларни (кейинги ўринларда — квартиралар) сотиб олишда;

Тошкент шаҳри, Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятларида тажриба тариқасида (кейинги ўринларда — тажриба ўтказилаётган вилоятлар) 2020 йил 1 майга қадар белгиланган тартибда умрбод эгалик қилиш хукуки асосида ажратилган ер участкаларида пудрат ташкилотларини жалб этган холда белгиланган тартибда келишилган ва тасдиқланган лойиҳалар асосида якка тартибдаги уй-жойларни куриш (қайта куриш) учун ипотека кредитларини ажратишида қўлланилади.

**3. Мазкур Низом қоидалари қўйидагиларга нисбатан:**

тижорат банкларининг (кейинги ўринларда — банк) ички кредит сиёсатига мувофиқ ўз маблағлари, ҳалқаро молия ташкилотлари ва хорижий хукумат молия ташкилотлари маблағлари ҳамда бошқа жалб қилинган маблағлар ҳисобидан жисмоний шахсларга уй-жой (квартира) сотиб олиш, куриш (қайта куриш), таъмирлаш учун ипотека кредитлари ажратишига;

ипотекани қайта молиялашириш ташкилоти томонидан белгиланган тартиб ва шартлар, банкларнинг ички сиёсати, шунингдек, мазкур ташкилот ва банклар ўртасида тузилган шартномалар асосида унинг маблағлари ҳисобидан ипотека кредитлари ажратишига;

якка тартибдаги уй-жой қурилишига рухсат олиб, лекин кейинчалик бирламчи бозорда сотиши мақсадида қурилган кўп квартирали уйлардаги квартираларни ипотека кредитлари орқали сотишга татбиқ этилмайди.

**4. Ушбу Низомда қўйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:**

**ариза берувчи** — бирламчи уй-жой бозорида квартирани сотиб олиш ёки тажриба ўтказилаётган вилоятларда фуқаронинг умрбод эгалик қилиш

хукуки асосида ажратилган ер участкасида пудрат ташкилотини жалб этган холда белгиланган тартибда келишилган ва тасдиқланган лойиха асосида якка тартибда уй-жой қуриш (қайта қуриш) мақсадида ипотека кредити олиш учун банкка ариза тақдим этган фуқаро;

**бирламчи уй-жой бозори (янги қурилган уй-жой)** — туман (шаҳар) ҳокимининг қурилиши тугалланган уй-жойни фойдаланишга қабул қилиб олиш тӯғрисида комиссия далолатномасини тасдиқлаш ҳақидаги қарори асосида мулк хукуки юзага келган ҳамда қабул қилиб олинганига уч йилдан кўп бўлмаган уй-жой;

**биргаликда қарз оловчи** — қарз оловчининг ипотека кредити асосий суммаси ва кредит бўйича хисобланган фоизларнинг ҳар ойдаги тўловларида қатнашадиган, шунингдек, ипотека кредити бўйича солидар жавоб берадиган жисмоний шахслар;

**бошланғич бадал** — сотиб олинадиган квартиранинг ёки қуриладиган (қайта қуриладиган) якка тартибдаги уй-жой қийматининг ипотека кредити олиш учун қарз оловчи томонидан ўз маблағлари ва қонун хужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан белгиланган меъёрларда шакллантириладиган қисми;

**ипотека кредити** — ахолига бирламчи уй-жой бозоридаги квартиralарни сотиб олиш учун ёки ер участкалари мавжуд фуқароларга лойиха асосида пудрат ташкилотини ёллаган холда якка тартибдаги уй жойларни қуриш (қайта қуриш) учун Молия вазирлиги томонидан жойлаштирилган маблағлар ҳисобидан банклар томонидан бозор тамоиллари асосида ажратиладиган кредитлар;

**иштирок этувчи тижорат банклари** — фуқаролар томонидан бирламчи бозорда танланган уй-жойларни сотиб олишга Молия вазирлиги томонидан жойлаштирилган маблағлар ҳисобидан ипотека кредитини тақдим этувчи банклар;

**пудрат ташкилоти** — кўп квартирали уйларни ёки якка тартибдаги уй-жойларни ўз маблағлари, банк кредити ва қонун хужжатларида тақиқланмаган бошқа маблағлар ҳисобидан қуриш (қайта қуриш)ни амалга оширувчи ҳамда бирламчи уй-жой бозорида қурилган квартираларни сотиш учун таклиф этувчи тадбиркорлик субъекти;

**субсидия** — ипотека кредитлари асосида бирламчи уй-жой бозоридаги квартираларни сотиб олиш учун ипотека кредити бўйича бошланғич бадал ва (ёки) кредит фоизининг бир қисмини қоплаш мақсадида давлат бюджетидан фуқаро учун банкда унинг номига очилган тегишли ҳисобварафиға ўтказилган маблағ;

**уй-жой** — пудрат ташкилотлари томонидан ўз маблағлари, банк кредити ва қонун хужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан қурилган бирламчи уй-жой бозоридаги квартиралар ҳамда фуқаро билан тузилган шартнома доирасида унга умрбод эгалик қилиш хукуки асосида ажратилган ер участкасида қурилган (қайта қурилган) якка тартибдаги уй-жойлар;

**уй-жойнинг ҳисобланган қиймати** — квартира бир квадрат мет-

рининг тегишли худуддаги ўртача бозор қиймати ҳамда икки, уч ва ундан кўп хонали квартиralар майдонининг энг кам меъёларини инобатга олган ҳолда аниқланадиган қиймат;

**қарз оловчи** — бирламчи уй-жой бозоридаги квартирани сотиб олиш ёки якка тартибдаги уй-жойни қуриш (қайта қуриш) учун ипотека кредити олган ва кредит шартномасида белгиланган шартларда қайтариш мажбуриятiga эга фуқаро;

**қарз юки кўрсаткичи** — қарз оловчининг барча кредитлари ва микрокарзлари бўйича ўртача ойлик тўловларининг ушбу қарз оловчи ва биргаликда қарз оловчиларнинг тасдиқланган ўртача ойлик даромадлари мидорига бўлган нисбати;

**якка тартибдаги уй-жой** — бир ер участкасида жойлашган, доимий яшаш, дам олиш ва шахсий хўжаликни юритишига мўлжалланган ёрдами-ч-хўжалик иморатлари ва ҳовлидаги иншоотлар тегишли бўлган бир ёки бир неча тураг жой иморати;

**якка тартибдаги уй-жой қуриш (қайта қуриш, реконструкция қилиш)** — фуқаронинг белгиланган тартибда умрбод эгалик қилиш ҳукуқи асосида ажратилган ер участкасида (кейинги ўринларда — ер участкаси) белгиланган тартибда келишилган ва тасдиқланган лойиҳа асосида (кейинги ўринларда — лойиҳа асосида) пудрат ташкилотини ёллаган ҳолда якка тартибдаги уй-жой қуриш, унинг меъморчилик-режалаштириш ечимларини ўзгартириш, уйнинг устига, ёнига қўшимча қуриш, эскирган конструкциялар ва муҳандислик иншоотларини, шу жумладан, ташқи тармоқларни (магистраль тармоқдан ташқари) қисмларга ажратган, алмаштирган ҳолда ўзгартириш.

5. Молия вазирлиги томонидан жойлаштирилган маблағлар ҳисобидан фуқароларга ипотека кредитлерини ажратиш банклар ва уларнинг филиаллари томонидан мазкур Низомга ва банкларнинг ички кредит сиёсатига мувофиқ амалга оширилади.

Банклар томонидан Молия вазирлигидан маблағлар жалб қилиш, ушбу маблағлар ҳисобидан фуқароларга ипотека кредитларини ажратиш, кредит бўйича фоиз ставкасини аниқлаш, кредитларни белгиланган муддатларда қайтариш шартлари банклар ва Молия вазирлиги ўртасида тузиладиган Бош битим ва шартномаларда белгиланади.

6. Молия вазирлиги томонидан банкларга ажратиладиган маблағлар ва банклар томонидан қарз оловчиларга бериладиган ипотека кредитлари:

20 йилдан кўп бўлмаган муддатга бозор (фоиз) ставкасида ажратилади;

улар бўйича аннуитет тўловлар тартиби татбиқ этилади ва имтиёзли давр белгиланмайди;

фоиз ставкаси Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг (кейинги ўринларда — Марказий банк) асосий ставкаси пасайтирилган тақдирда, мутаносиб равишда камаяди, оширилган тақдирда эса — ўзгаришсиз қолади.

Бунда фоиз тўловларидағи ўзгаришлар Марказий банк асосий ставкасининг пасайтирилиши амалга киритилган кундан бошлаб ҳисоб-китоб қилинади.

Агар банклар томонидан ипотека кредитлари бўйича фоиз ставкаси пасайтирилмаган тақдирда, банкнинг ипотека кредитлари бўйича фоиз ставкасини пасайтирилмаслик натижасида олган фоиз даромадининг икки баравари микдорида жарима ҳисоблаган ҳолда унинг барча ҳисобварақларидан Молия вазирлиги томонидан жойлаштирилган маблағлар (ундириш кунига ҳисобланган фоизлар билан бирга) сўзсиз ундирилади.

Ушбу шартлар Молия вазирлиги ва банклар ўртасидаги Бош битим ва шартномаларда ҳамда банклар ва қарз олувчилар ўртасидаги ипотека кредити шартномаларида белгилаб қўйилган бўлиши керак.

7. Янги тартиб доирасида кўп квартирали уй-жойлардаги квартиralарни сотиб олиш ва якка тартибда уй-жой қуриш (қайта қуриш) учун ипотека кредитларини ажратиш ушбу Низомга 1 ва 2-иловалардаги\* схемаларга мувофиқ амалга оширилади.

## **2-боб. Банкларга қўйиладиган мувофиқлик мезонлари ва уларга маблағлар ажратиш тартиби**

8. Молия вазирлиги томонидан ипотека кредитлари учун маблағлар ажратишида банкларга қўйидаги мувофиқлик мезонлари белгиланади:

банкда янги тартиб доирасида ипотека кредитларини ажратиш юзасидан аниқ белгиланган ички тартиб мавжуд бўлиши;

банк «Fitch Ratings» ёки «Standard & Poor's» рейтинг агентликларининг «B» даражасидан ёки «Moody's Investors Service» рейтинг агентлигининг «B2» рейтингидан паст бўлмаган даражада узоқ муддатли кредит рейтингига эга бўлиши;

охирги уч йиллик молиявий ҳисботлар бўйича аудиторлик ташкилоти ижобий хулосасининг мавжудлиги;

банкнинг регулятив капитали 500 миллиард сўмдан кам бўлмаслиги;

банк давлат бюджети маблағлари, шу жумладан, Молия вазирлиги томонидан янги тартибга мувофиқ жойлаштирилган маблағлар бўйича муддати ўтган қарздорликка эга бўлмаслиги;

Марказий банк томонидан белгиланган пруденциал нормативлар бузилганлиги сабабли унга нисбатан ипотека кредити берилишига тўсқинлик қилувчи амалдаги чора ва санкциялар мавжуд бўлмаслиги лозим.

Мазкур банднинг иккинчи — олтинчи хатбошларида назарда тутилган ҳужжатлар банклар томонидан, еттинчи хатбошида келтирилган маълумотлар Марказий банк томонидан Молия вазирлигига тақдим этилади.

9. Молия вазирлиги банкларнинг мувофиқлик мезонларига мос келишини баҳолашда Марказий банкдан банкларнинг молиявий ҳолати тўғрисидаги қўшимча ахборотни сўраб олиши мумкин.

10. Ушбу Низомнинг 8-бандида белгиланган ҳужжатлар тўлиқ тақдим этилгандан сўнг Молия вазирлиги мувофиқлик мезонларига мос келувчи банклар билан ипотека кредитлари учун маблағлар ажратиш юзасидан Бош битим тузади.

\* 1-2-иловалар «Конун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Молия вазирлиги томонидан ушбу Низом доирасида ажратиладиган маблағлар банкнинг биринчи даражали регулятив капиталидан ошиб кетмаслиги лозим.

11. Бош битимга мувофиқ Молия вазирлиги маблағларни банкларга бозор шартлари асосида жойлаштиради.

Бунда банкларга жойлаштирилладиган маблағларнинг бозор ставкаси Молия вазирлиги ва Марказий банк томонидан банкларга жойлаштирилган депозитлар, давлат қимматли қофозлари, бошқа воситалар ва операциялар бўйича фоиз ставкаларидан келиб чиқсан холда аниқланади.

Маблағларнинг фоиз ставкасини аниқлашда фойдаланилладиган молиявий операция ва мақсадли кўрсаткичлар турлари Молия вазирлиги томонидан Марказий банк билан келишган холда инфляциянинг жорий ва кутилаётган даражаси ҳамда пул бозоридаги шарт-шароитларни инобатга олган холда белгиланади.

12. Молия вазирлиги томонидан банкларга маблағлар жойлаштиришдан олинган даромадлар (фоизлар) Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетига ўтказилади.

13. Банклар Бош битимга мувофиқ ипотека кредитлари учун фуқаролардан тушган реал талабни инобатга олган холда асосланган ҳисоб-китоблар билан бирга ипотека кредитлари учун маблағлар ажратиш бўйича Молия вазирлигига шартнома тузиш юзасидан мурожаат қиласди.

Мурожаат киритилгандан сўнг банклар томонидан ўз маблағлари ҳисобидан фуқароларнинг ўй-жойга бўлган талабини ўз вақтида қондириш мақсадида ажратилган ипотека кредитлари Молия вазирлигидан ажратилган маблағлар ҳисобидан қайта молиялаштирилиши мумкин.

14. Банклардан ипотека кредитлари ажратиш бўйича буюртманомалар қабул қилингандан сўнг Бош битим доирасида Молия вазирлиги банклар билан ажратиладиган маблағ миқдори, фоиз ставкаси ва молиялаштиришнинг бошқа шартларини назарда тутувчи шартномаларни имзолайди ҳамда ўн иш куни мобайнида шартномада назарда тутилган маблағларни тегишли банкка ўтказиб беради.

Молия вазирлиги томонидан жойлаштирилган маблағлар ушбу маблағлар олинган санадан бошлаб уч ой мобайнида ипотека кредитлари бериш учун фойдаланилмаган тақдирда, банк фойдаланилмаган маблағларни ушбу давр тугашидан олдинги санагача шартномада кўрсатилган фоизлар билан бирга Молия вазирлигига қайтариши шарт.

Фойдаланилмаган маблағлар банк томонидан Молия вазирлигига белгиланган уч ой муддатда қайтарилмаган тақдирда, қайтарилмаган маблағлар улар олинган санадан бошлаб ҳақиқатда қайтариш санасига бўлган давр учун шартномада кўрсатилган фоиз ставкаси икки баравар миқдорда ҳисобланган холда тўлаб берилади.

Бунда тегишли банк томонидан молия йили мобайнида икки марта Молия вазирлиги маблағларининг 50 фоиздан ортиқ қисми ипотека кредитлари бериш учун белгиланган уч ой муддат мобайнида фойдаланилмаслик ҳолатлари аниқланган тақдирда, Молия вазирлиги ушбу банкка

кейинги уч ой муддатга маблағ ажратилишини вақтинча тұхтатиши мүмкін.

15. Молия вазирлигидан олинган маблағлар улар ҳисобидан ажратыладын ипотека кредитлари қарз олувчилар томонидан түловларни амалга ошириш муддатидан қатын назар банклар томонидан Бөш битим, шартномалар ва уларға илова қилинган қайтариш графикларига асосан қайтарилади.

### **3-боб. Қарз олувчиларнинг мувофиқлик мезонлари**

16. Қарз олувчилар қўйидаги мувофиқлик мезонларига мос бўлиши лозим:

а) ипотека кредити олиш учун мурожаат қилган кунида 18 ёшга тўлган ва 60 ёшдан ошмаган Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлиши;

б) доимий иш жойига, шахсий ёрдамчи ёки деҳқон хўжалигидан ёхуд якка тартиbdаги тадбиркорлик фаолиятидан доимий даромадга, шунингдек, ипотека кредити бўйича ҳисобланган фоизларни ва асосий қарзни тўлов жадвалига мувофиқ ҳар ойда тўлаш учун етарли бўлган қонун хужжатларида такиқланмаган ва хужжатлар билан тасдиқланган бошқа даромад манбаига эга бўлиши;

в) қарз юки кўрсаткичи (ипотека кредити бўйича фоиз харажатларнинг бир қисмини қоплаш учун субсидия бериш назарда тутилган ҳолларда мазкур субсидияни ҳисобга олган ҳолда) 70 фоиздан юқори бўлмаслиги;

г) ипотека кредити олиш учун бирламчи уй-жой бозорида сотиб олинадиган квартира қийматининг:

кишлоп жойларда — камида 10 фоизи;

шаҳарларда — камида 20 фоизи миқдорида (шу жумладан, бошланғич бадалнинг бир қисми учун субсидия тўланадиган шахслар бўйича субсидия суммасини инобатга олган ҳолда) бошланғич бадални шакллантириш имкониятига эга бўлиши;

д) тажриба ўтказилаётган вилоятларда 2020 йил 1 майга қадар ажратилган ер участкаларида якка тартиbdаги уй-жой қуриш (қайта қуриш) ишлари қийматининг камида 10 фоизи миқдорида бошланғич бадални шакллантириш имкониятига эга бўлиши;

е) сотиб олинадиган квартира ёки қуриладиган (қайта қуриладиган) якка тартиbdаги уй-жойнинг қиймати ушбу банд билан белгиланган бошланғич бадал ва ушбу Низомнинг 28-бандида белгиланган ипотека кредитининг энг кўп миқдори суммасидан ошиб кетган тақдирда, қийматнинг қолган қисми шакллантириш (тўлаш) имкониятига эга бўлиши;

ж) ипотека кредитини ажратишни кўриб чиқиш вақтида кредит ташкилотларидан аввал олинган кредитлар бўйича муддати ўтган қарздорлиги мавжуд бўлмаслиги;

з) якка тартиbdаги уй-жой қуриш (қайта қуриш) учун ер участкасига умрбод эгалик қилиш ҳукуқига ва белгиланган тартиbdада келишилган лойиҳасмета хужжатларига эга бўлиши.

17. Қарз юки кўрсаткичи хисоб-китобларида қарз олувчи ва биргаликда қарз олувчиларнинг ўртача ойлик даромадлари микдори улар томонидан охирги 12 ой мобайнидаги (12 ойдан кам ишланган тақдирда — ишланган давр учун) олган даромадлари микдорининг ўртача арифметик қиймати сифатида хисобланади.

18. Банк қарз олувчи (биргаликда қарз олувчи)нинг ўртача ойлик даромадини аниқлашда қўйида келтирилган тасдиқловчи хужжатлардан фойдаланиш хукуқига эга:

иш берувчи томонидан тасдиқланган иш ҳақи тўғрисидаги маълумот;

пенсия тўловлари микдори тўғрисидаги маълумот;

жамғарип бориладиган пенсия бадаллари тўғрисидаги маълумот;

фоизлар, дивидендлар, мол-мулкни ижарага беришдан олинган доимий тарздаги даромадларини тасдиқловчи маълумотлар;

давлат солиқ хизмати органи томонидан тасдиқланган жисмоний шахсларнинг даромадлари бўйича декларация;

қонун хужжатларида тақиқланмаган бошқа даромадларни тасдиқловчи маълумотлар.

Банк қарз олувчи ва биргаликда қарз олувчиларнинг ўртача ойлик даромадини аниқлашда кредит бюородан ёки бошқа расмий манбалардан мустақил равишда олинган, қарз олувчининг даромадларини аниқлаш имконини берувчи маълумотлардан фойдаланиши мумкин.

19. Қарз олувчи (биргаликда қарз олувчи)нинг қарз юки кўрсаткичи белгиланган меъёрдан юқори бўлганда, унинг банк олдидаги қарз мажбуриятини таъминлаш юзасидан юридик шахслар кафиллиги қабул қилиниши ва юридик шахснинг йиллик соф фойдасининг 50 фоизи қарз олувчининг қарз юки кўрсаткичини хисоблашда қўшилиши мумкин.

20. Қарз олувчи ўз танловлари асосида бирламчи уй-жой бозорида сотиладиган квартиralарни танлайди ва пудрат ташкилоти билан шартнома имзолайди.

#### **4-боб. Ипотека кредитини қайтариш тартиби**

21. Ипотека кредити банклар томонидан қайтаришлик, тўловлилик, таъминланганлик, муддатлилик ва мақсадлилик шартларида берилади.

22. Қарз олувчининг ипотека кредитини қайтариш бўйича мажбурияти таъминоти сифатида:

бирламчи уй-жой бозоридан сотиб олинаётган квартира;

якка тартибда қуриладиган (қайта қуриладиган) уй-жой ва у жойлашган ер участкасига бўлган хукуқ гаровга қўйилади.

23. Банк Давлат хизматлари марказлари ёки Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали субсидия олиш учун ариза берувчининг кредитга лаёқатлилиги бўйича юборилган сўровига жавобан мазкур Низомнинг 16-бандида белгиланган мезонларга мувофиқлиги доирасида унинг тўлов қобилияти, унга берилиши мумкин бўлган ипотека кредити ва сотиб олиниши мумкин бўлган квартиранинг юқори қиймати ҳамда хулоса бериш

вақтида кредит ташкилотлари олдида муддати ўтган қарздорлик мавжуд ёки мавжуд эмаслиги юзасидан хulosса тақдим этади.

24. Қарз оловчига берилиши мумкин бўлган ипотека кредитининг юқори миқдори қарз юки кўрсаткичи бўйича ушбу Низомнинг 16-банди «в» ки-чик бандида белгиланган меъёрдан келиб чиқсан ҳолда аниқланади.

Бунда пурдат ташкилотлари томонидан янги тартиб доирасида тайёр ҳолда топшириш шартлари билан қуриб битказилган, қурилган квартиralарни бирламчи уй-жой бозорида сотиб олиш ҳамда якка тартиbdагi уй-жойни қуриш (қайта қуриш) ишлари учун берилиши мумкин бўлган ипотека кредитининг энг кўп миқдори ушбу Низомнинг 28-бандида белгиланган миқдорлардан ошиб кетмаслиги лозим.

25. Сотиб олинадиган квартира ва қуриладиган (қайта қуриладиган) якка тартиbdагi уй-жойнинг қиймати ушбу Низомнинг 16-бандида белгиланган бошланғич бадалнинг минимал миқдори ва 28-бандига мувофиқ берилиши мумкин бўлган ипотека кредитининг энг кўп миқдори йиғиндиси сифатида аниқланади.

26. Банк томонидан Давлат хизматлари маркази ёки Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали ариза берувчининг субсидия олиш хақидаги мурожаатини кўриб чиқишида унинг кредитга лаёқатлилиги бўйича ижобий хulosса берилгандан сўнг ариза берувчи ушбу банкка субсидия хабарномасини илова қилган ҳолда банкнинг хulosасида белгиланган берилиши мумкин бўлган ипотека кредити миқдоридан ошмаган суммада ипотека кредитини олиш тўғрисида мурожаат қилганда, унга тўловга лаёқатлизилик важи билан кредит бериш рад этилишига йўл қўйилмайди.

Субсидия хабарномасини олган фуқаро банкка ипотека кредити олиш учун ариза тақдим этаётган даврда ушбу Низомнинг 16-бандида белгиланган қарз оловчиларнинг мувофиқлик мезонларига тўлиқ жавоб бермай қолган ҳолларда банк ажратиладиган ипотека кредити миқдорини камайтиши ёки ипотека кредити ажратишни рад этиши мумкин.

27. Фуқаро банкка ипотека кредити олиш учун мурожаат қилган тақдирда, банкнинг масъул ходими унга ипотека кредитининг асосий йўналишлари бўйича изох беради, талаб этиладиган барча ҳужжатлар рўйхати ва тахминий харажатлар турлари билан таниширади.

Бунда қарз оловчи банкка ипотека кредити олиш учун ариза ва ушбу Низомга ҳамда банкнинг ички кредит сиёсатига асосан тегишли ҳужжатларни тақдим этади.

Субсидия хабарномасига эга бўлган қарз оловчи банкка қўшимча равишда мазкур хабарномани ҳам тақдим этади.

Якка тартиbdагi уй-жойни қуриш (қайта қуриш) учун ипотека кредити олиш бўйича буюртманомага қарз оловчининг ер участкасига умрбод эгалик қилиш хуқуқини тасдиқловчи ҳужжат, якка тартиbdагi уй-жойни қуриш (қайта қуриш) бўйича смета ҳужжати, пурдат ташкилоти билан тузилган шартнома ҳамда ипотека кредитини қайтариш бўйича мажбурият таъминотини тасдиқловчи тегишли ҳужжатлар ҳам илова қилинади.

28. Пурдат ташкилоти томонидан янги тартиб доирасида тайёр ҳолда

топшириш шарти билан қуриб битказилган, шунингдек, янги тартиб дои-расидан ташқари тайёр ҳолда топшириш шартисиз (пардоз ишларини амалга оширмасдан) қурилган квартиralарни бирламчи уй-жой бозорида сотиб олиш ҳамда якка тартибдаги уй-жойни қуриш (қайта қуриш) ишлари учун Молия вазирлиги томонидан жойлаштирилган маблағлар ҳисобидан фуқароларга ипотека кредити банклар томонидан қўйидаги шартлар асосида ажратилиди:

- 1) бозор ставкасида;
- 2) 20 йилдан кўп бўлмаган муддатга;
- 3) бошланғич бадали:
  - а) тажриба ўтказилаётган вилоятларда якка тартибда қурилаётган (қайта қурилаётган) уй-жой қийматининг 10 фоизидан кам бўлмаган микдорда;
  - б) сотиб олинадиган квартира қийматининг:  
кишлөк жойларда — 10 фоизидан кам бўлмаган микдорда;  
шаҳарларда — 20 фоизидан кам бўлмаган микдорда;
- 4) бир қарз олувчига бериладиган ипотека кредитларининг қўйида келтирилган энг кўп микдорларидан ошмаган микдорда:  
а) Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ипотека кредити механизmlарини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2019 йил 28 ноябрдаги ПФ-5886-сон Фармонига мувофиқ уй-жой ҳисобланган қийматининг:  
кишлөк жойларда — 90 фоизидан ошмайдиган микдорда;  
шаҳарларда — 80 фоизидан ошмайдиган микдорда;  
б) Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ахолининг уй-жой шароитини яхшилаш ҳамда ипотека кредити бозорини янада кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2020 йил 1 майдаги ПҚ-4701-сон қарорига мувофиқ:  
кишлөк жойларда — 1 ва 2 хонали квартиralар учун 240 млн сўмгача, 3 ва ундан кўп хонали квартиralар учун 320 млн сўмгача;  
шаҳарларда — 1 ва 2 хонали квартиralар учун 240 млн сўмгача, 3 ва ундан кўп хонали квартиralар учун 320 млн сўмгача;

Тошкент шахрида — 1 ва 2 хонали квартиralар учун 264 млн сўмгача, 3 ва ундан кўп хонали квартиralар учун 352 млн сўмгача берилади.

29. Қарз олувчи томонидан банкка 20 йилдан кам муддатга ва (ёки) ушбу Низомнинг 28-бандида белгилангандан кўпроқ микдордаги бошланғич бадални тўлаган ҳолда ипотека кредити олиш учун ариза тақдим этилганда, аризани кўриб чиқиш ҳамда кредит ажратиш ушбу Низомга ва банкнинг ички кредит сиёсатида белгиланган талабларга мувофиқ амалга оширилади.

30. Сотиб олинадиган квартира ёки якка тартибда қурилган (қайта қурилган) уй-жойнинг қиймати ушбу Низомнинг 28-бандида белгиланган микдорлардан ошиб кетган тақдирда, қийматнинг қолган қисми қарз олувчи томонидан ўз маблағлари ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан тўланади.

Бунда қийматнинг ортган қисмини шакллантириш (тўлаш) учун банклар томонидан қарз олувчига ушбу Низомга асосан Молия вазирлиги то-

монидан ажратилган маблағлар хисобидан ипотека ва бошқа кредитлар берилишига йўл қўйилмайди.

31. Ипотека кредитининг йиллик фоиз ставкаси банкнинг ички сиёсатига асосан Молия вазирлиги томонидан жойлаштирилган маблағларнинг фоиз ставкаси ҳамда банк маржасини инобатга олган ҳолда қарз олувчи ва банк ўртасидаги ўзаро келишувга мувофиқ ипотека кредити шартномасида белгиланади.

Бунда фоиз тўловларининг бир қисмини қоплашга субсидия ажратилган ипотека кредитининг фоиз ставкаси янги тартиб доирасида бошқа шахсларга берилган ипотека кредитларининг фоиз ставкаларидан юқори бўлишига йўл қўйилмайди.

32. Кредит хужжатлари тўлиқ шакллантирилгандан сўнг қарз олувчи ўз маблағлари ҳисобидан бошланғич бадални, шунингдек, ипотека кредитлари бўйича бошланғич бадалнинг бир қисмини қоплаш учун субсидия хабарномасига эга бўлган қарз олувчилар бошланғич бадалнинг ўзи томонидан шакллантирилиши лозим бўлган қисмини банкдаги тегишли ҳисобваракда шакллантириши лозим.

Якка тартибда уй-жойни қуриш (қайта қуриш) учун бериладиган ипотека кредити бўйича бошланғич бадал учун қарз олувчи томонидан сотиб олинган қурилиш материаллари ва (ёки) бажарилган қурилиш-монтаж ишлари қиймати ҳисобга олиниши мумкин.

33. Сотиб олинадиган квартира ёки қурилаётган (қайта қурилаётган) якка тартибдаги уй-жойнинг қиймати қарз олувчи тўлаган бошланғич бадал билан унга бериладиган ипотека кредитининг энг кўп микдори йиғин-дисидан ортган ҳолларда қийматнинг ортган қисми учун маблағлар қарз олувчи томонидан банкдаги тегишли ҳисобваракқа ўтказилади ёки банкка ушбу сумма тўланганлигини тасдиқловчи хужжат тақдим этилиши мумкин.

34. Тегишли хужжатлар тўлиқ тақдим қилингандан ва маблағлар шакллантирилгандан сўнг банк уч иш кунида қарз олувчига кредит бериш ма-саласини кўриб чиқади ҳамда аризани қаноатлантириш ёки рад этиш тўғрисида қарор қабул қиласди.

35. Банк томонидан ипотека кредити беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, уч иш кунида қарз олувчига ипотека кредити беришни рад этишнинг сабаблари аниқ ва тушунарли кўрсатилган ҳолда ёзма хулоса юборилади.

36. Қарз олувчи банк хулосасида кўрсатилган камчиликларни барта-рафт этгандан кейин ипотека кредити бериш тўғрисидаги ариза билан банкка қайта мурожаат қилишга ҳақлидир.

37. Қарз олувчига ипотека кредити бериш тўғрисида ижобий қарор қабул қилинган тақдирда, банк уч иш кунида бу ҳақида қарз олувчини ёзма равишда хабардор қиласди. Бунда банк томонидан қарз олувчига танишиб чиқиш ва ўзи билан олиб кетиши мумкин бўлган ипотека кредити шартномаси ва кредитнинг қайтариш жадвали лойиҳаси тақдим этилади.

38. Субсидия хабарномаси мавжуд бўлганда, банк худудий молия бўлимларига қарз олувчи бошланғич бадалининг бир қисмини қоплаш учун ха-

барномани юборади. Молия бўлимлари икки иш кунида ушбу хабарномани рўйхатдан ўтказади ҳамда унга асосан тегишли буюртманома ва тўлов топшириқномасини шакллантириб худудий ғазначилик бўлимларига юборади.

Худудий ғазначилик бўлимлари Молия бўлимларидан тегишли буюртманома ва тўлов топшириқномасини олган кундан бошлаб бир иш кунида бошланғич бадалнинг бир қисмини қоплаш учун субсидия маблағларини банкка ўtkазиб беради.

39. Худудий ғазначилик бўлимлари томонидан бошланғич бадалнинг бир қисмини қоплаш учун субсидия ўттиз кунда банкка ўtказиб берилмагандан, қарз олувчига ипотека кредити шартномасини расмийлаштириш вақтинча тўхтатиб турилади.

Бунда банк томонидан қарз олувчига шакллантирилмаган бошланғич бадалнинг бир қисмини ўз маблағлари ҳисобидан тўлаш бўйича аниқ муддат қўрсатилган ёзма огохлантириш хати юборилади.

40. Ижобий қарор қабул қилинган ипотека кредити бўйича (субсидия хабарномасига эга қарз олувчилар учун субсидия банкка ўtказиб берилгандан сўнг) бир иш кунида:

а) белгиланган тартибда пудрат ташкилоти билан квартиранинг олди-сотди ёки якка тартибдаги уй-жойни қуриш (қайта қуриш) шартномаси расмийлаштирилади;

б) банк ва қарз олувчи (биргаликда қарз олувчилар) ўртасида ипотека кредити шартномаси расмийлаштирилади ва битта асл нусхаси кредитни қайтариш жадвали билан бирга қарз олувчига тақдим этилади;

в) қарз олувчи ўз ҳисобига ва ипотека кредити шартномасида белгиланган муддатларда сотиб олинаётган квартира ёки қурилаётган (қайта қурилаётган) якка тартибдаги уй-жой ва у жойлашган ер участкасига бўлган хукуқ бўйича гаров шартномаси ҳамда суфурта ташкилоти билан ипотека предметини таваккалчиликлардан суфурта қилиш шартномасини тузади. Бунда суфурта шартномасида суфурта мукофоти ҳар йили тўланиши назарда тутилиши мумкин;

г) «Ипотека тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ ипотека шартномаси тузилади. Ипотека шартномаси, шунингдек, қонун асосида юзага келган ипотека белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўtказилади.

41. Банкнинг ипотека кредити бериш бўйича мажбурияти қарз олувчи томонидан банкка ипотека предметини ўқолиш ва шикастланиш таваккалчиликларидан суфурта қилиш шартномаси ҳамда суфурта полиси тақдим этилгандан, шунингдек, ипотека юзага келгандан кейин пайдо бўлади. Ушбу шарт ипотека кредити шартномасида белгилаб қўйилган бўлиши керак.

42. Қарз олувчининг банк ҳисобварағида шакллантирилган маблағ ва унга ажратилган ипотека кредити банк томонидан нақд пулсиз шаклда пудрат ташкилотининг ҳисобварағига ўtказиб берилади.

43. Ипотека кредити шартномаси қайтариш графигига асосан қарз олувчи ипотека кредити ва унга ҳисобланган фоиз тўловларини (субсидиядан ташқари қисми) тўлаб боради.

**5-боб. Якка тартибдаги уй-жойни қуриш (қайта қуриш)  
учун ипотека кредитини ажратишнинг ўзига хос  
хусусиятлари**

44. Якка тартибдаги уй-жойни қуриш (қайта қуриш) учун қарз олувчига ипотека кредити бериш банк томонидан қарз олувчи ва пудрат ташкилоти ўртасида тузилган якка тартибдаги уй-жойни қуриш (қайта қуриш) бўйича ишларни бажариш ёки хизмат кўрсатиш шартномаси ва қурилиш-монтаж ишлари режа-жадвали асосида қарз олувчининг банкда очилган алоҳида ссуда ҳисобварафидан бажарилган ишлар ҳажмига мутаносиб рашида босқичма-босқич пудрат ташкилотининг депозит ҳисобварағига нақд пулсиз шаклда ўтказиш орқали амалга оширилади.

45. Ипотека кредити бўйича маблағ ажратиш банк томонидан қарз олувчининг ёзма топширикномаси олинган вактдан бошлаб бир банк куни мобайнида амалга оширилади. Бунда кредит ажратишнинг ҳар бир босқичида банк ходими томонидан жойига чиқиб, ажратилган ипотека кредитининг мақсадли ишлатилиши ўрганилади.

Бажарилган ишлар ҳажмининг 95 фоизгача қисми қарз олувчининг бошлангич бадали (жами бажариладиган ишлар қийматининг 10 фоизи) ҳисобидан пудрат ташкилотига ўтказиб берилган аванс маблағларга мутаносиб рашида ушлаб қолинган ҳолда қарз олувчи ва пудрат ташкилоти томонидан тақдим қилинган бажарилган қурилиш-монтаж ишлари тўғрисидаги далолатномага мувоғик молиялаштириб борилади ҳамда якка тартибдаги уй-жой қийматининг 5 фоизи микдоридаги қолган қисми банк ходими томонидан жойига чиқиб ипотека кредитини тўлиқ ажратиш тўғрисида хулоса берилгандан сўнг тўланади.

Қарз олувчи ҳар ойда банкка амалга оширилган қурилиш-монтаж ишлари ҳолати тўғрисида ҳисбот топшириши керак. Ҳисботга сотиб олинган товарларга берилган счёtlар, квитанциялар, юқ хатлари ва бошқа ҳужжатлар ҳамда қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа маълумотлар иловава қилинади.

46. Якка тартибдаги уй-жойнинг қурилиши (қайта қурилиши) тугалланниб, белгиланган тартибда фойдаланишга топширилган ҳамда давлат рўйхатидан ўтказилгандан кейин бир ой муддатда:

а) қурилиши тугалланган уй-жойни таваккалчиликлардан суғурта қилиш шартномаси тузилади. Бунда суғурта шартномасида суғурта мукофоти ҳар ўили тўланиши назарда тутилиши мумкин;

б) ипотека тўғрисидаги шартнома ёки қонун асосида ипотекани расмийлаштирилади ва у давлат рўйхатидан ўтказилади.

**6-боб. Ипотека кредити мониторингини олиб бориш ва  
кредитни қайтариш тартиби**

47. Ипотека кредитини қайтариш ва у бўйича ҳисобланган фоизларни тўлаш тартиби банк ва қарз олувчи ўртасида тузилган ипотека кредити

шартномаси, қонун хужжатлари ва банк кредит сиёсати билан тартибга солинади.

48. Ипотека кредити бўйича фоиз кредит қолдиғига нисбатан ҳар куни ҳисоблаб ёзилади ва ҳар ойда бир марта ундирилади.

49. Ипотека кредити бўйича асосий қарзни ва фоизни тўлаш тартиби кредит шартномасида белгиланади. Бунда ҳисобланган фоиз ва ипотека кредити бўйича асосий қарз банк ва қарз олувчи томонидан имзоланган, кредит шартномасига илова қилинган тўловлар жадвалида белгиланган муддатларда ундирилади.

50. Банк фоиз харажатларининг бир қисмини қоплаш учун субсидия олиш хуқуқига эга бўлган қарз олувчига ипотека кредити берилган кундан бошлаб уч иш кунида худудий молия бўлимларига ипотека кредитини тўлаш жадвали илова қилинган ҳолда субсидияни тўлашга буюртманомани тақдим этади.

Субсидия олиш хуқуқига эга бўлган қарз олувчининг фоиз харажатлари бир қисмини қоплаш учун худудий молия бўлимлари ҳар ойнинг 25-кунигача буюртномани шакллантириб тегишли худудий ғазначилик бўлимларига юборади. Буюртманома рўйхатдан ўтгандан сўнг худудий молия бўлимлари ушбу буюртманомага асосан худудий ғазначилик бўлимларига тўлов топширикномасини юборади.

Фоиз харажатининг бир қисмини қоплаш учун маблағ худудий ғазначилик бўлинмаси томонидан қарз олувчининг банк томонидан кўрсатилган ҳисобварафига ўтказиб берилади. Фоиз бўйича харажатнинг бир қисми худудий молия бўлинмаси томонидан ўз муддатида тўлаб (қоплаб) берилмаганда, мазкур тўлов қарз олувчидан ундирилиши мумкин.

51. Қарз олувчи томонидан кредит шартномаси шартлари бажарилмаслиги оқибатида юзага келган муддати ўтган асосий қарздорлик учун ҳисобланган фоиз тўловлари субсидия олиш хуқуқига эга бўлган қарз олувчи учун давлат бюджетидан ажратиладиган субсидия маблағи ҳисобидан қоплаб берилмайди ва ушбу тўловлар қарз олувчи томонидан тўланиши лозим.

Давлат бюджети ҳисобидан фоиз тўловининг бир қисмини қоплаш учун ажратилган субсидия қарз олувчининг ипотека кредити бўйича асосий қарздорлик тўлови учун йўналтирилишига йўл қўйилмайди.

52. Худудий молия, ғазначилик бўлимлари ва банк ўртасида ҳар чоракда камида бир марта субсидия олиш хуқуқига эга бўлган қарз олувчилар фоиз харажатларининг бир қисмини қоплаш учун тўлаб берилган субсидия бўйича солиштирма далолатнома тузилади.

53. Банк ипотека кредитидан фойдаланишнинг бутун даври давомида доимий мониторингни амалга оширади. Мониторинг давомида банкнинг масъул ходими кредитдан мақсадли фойдаланилиши, асосий қарз ва фоизнинг тўланиши, гаров мулкидан фойдаланиш ва унинг сақланиши, ипотека предметининг ноқонуний бегоналаштирилишига йўл қўймасликни назорат қилиб боради.

54. Ипотека кредитидан белгиланган мақсадда фойдаланмаганлик учун

қарз олувчига нисбатан банк томонидан қўлланиладиган чоралар ипотека кредити шартномасида белгиланган бўлиши керак.

55. Қарз олувчи томонидан ипотека кредити бўйича асосий қарз ва унга хисобланган фоиз тўлови белгиланган муддатларда тўланмагандан, банк ходими қарз олувчи билан шахсан учрашиб мажбуриятини бажарилмаётгани сабабини аниқлайди ва муддатида қайтарилимаган кредитнинг қайтарилишини таъминлаш чорасини кўришни талаб қиласди.

56. Ипотека кредити мониторинги давомида тақдим этилган хисобот ва унга илова қилинган ҳужжатларни таҳлил қилиш жараёнида банк томонидан ипотека кредитидан мақсадсиз фойдаланилганлиги аниқланган тақдирда банк мақсадсиз фойдаланилган маблағ ва улар бўйича хисобланган фоизларни ипотека кредити шартномасида белгиланган тартибда муддатидан олдин ундириб олади.

57. Агар ипотека кредитини ўз вақтида ундириш бўйича кўрилган чоралар натижа бермаса ва кредитнинг ўз вақтида ва тўлиқ қайтарилимаслик хавфи юзага келса, банк кредит шартномаси ҳамда қонун ҳужжатлари талаблари асосида тўлов (қайташи) муддати келган кредит ва фоиз тўловларини ундириш чораларини кўради. Берилган кредитни муддатидан олдин ундириш мақсадида банк қарз олувчи (биргаликда қарз олувчи)нинг ҳар қандай хисобварақларидан (омонат, банк карталаридаи) маблағларни акцептсиз тартибда ундириб олиш ва қарздорликни қайташига йўналтириши мумкин. Ушбу шартлар кредит шартномасида белгиланган бўлиши керак.

58. Қарз олувчи ипотека кредити шартномаси ва унга илова қилинган тўловлар жадвали бўйича мажбурияларни мунтазам равишда кетма-кет уч ой давомида бузганда ва тўловларни тўламаган тақдирда, шунингдек, қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳолларда банк «Ипотека тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида белгиланган тартибда ундирувни гаровга қўйилган мулкка қаратади. Шунингдек, банк уч иш куни мобайнида туман (шаҳар) молия бўлимларига ипотека кредити фоиз харажатларини қоплашга субсидия ажратиши тўхтатиш тўғрисида хабарнома юборади.

59. Ипотека кредитини муддатидан олдин ундириш юзасидан суддан олдинги тадбирлар ва судда даъво қўзғатиш «Ипотека тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ва бошқа қонун ҳужжатларига ҳамда банкнинг ички норматив ҳужжатларига мувофиқ ташкил қилинади.

60. Ипотека кредити шартномаси бекор қилинган тақдирда, туман (шаҳар) молия бўлимлари банклар билан биргаликда тўлаб берилган субсидияни қарз олувчидан белгиланган тартибда қайтариб олиш чораларини кўради.

61. Молия вазирлиги томонидан банкларга жойлаштирилган маблағларни қайташи ва улар бўйича фоизларни тўлаш банклар ва Молия вазирлиги ўртасида тузиладиган шартномаларда белгиланган тартибда ва муддатларда амалга оширилади.

62. Молия вазирлиги зарур ҳолларда Марказий банк билан биргаликда банкларга жойлаштирилган узок муддатли маблағларнинг ўзлаштирили-

ши, мақсадлилиги ва қайтарилиши, шунингдек, улар хисобидан ипотека кредити тўғри ажратилишини ўрганиб боради.

### **7-боб. Қарз олувчиларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш**

63. Қарз олувчи ипотека кредити олиш учун банкка мурожаат қилганда, банк ипотека кредитининг асосий шартлари тўғрисидаги ахборот варақасини бепул тарзда тақдим этади.

64. Банк қарз олувчига ипотека кредити бўйича тўланиши лозим бўлган ойлик тўловлар микдори ҳамда қарз олувчининг даромадларини таҳлил қилган ҳолда ушбу тўловларни тўлаш учун унинг имконияти етиши (ёки етмаслиги) ҳақида тушунтириш беради.

65. Ипотека кредити шартномаси имзоланмасдан олдин банк қарз олувчига ушбу шартнома лойиҳасини танишиб чиқиш учун ўзи билан олиб кетиши ҳуқуқига эга эканлиги тўғрисида хабардор қилиши лозим.

66. Банк қарз олувчига ипотека кредити шартномаси имзоланган кунда шартноманинг битта асл нусхасини кредитни қайтариш жадвалини иловава қилган ҳолда тақдим этиши керак.

67. Агар кредитни қайтариш жадвали расмийлаштирилгандан сўнг ипотека кредити шартномасида кўзда тутилган фоиз ставкаси ўзгарганда, банк кредитни қайтариш жадвалини янгидан расмийлаштириб, қарз олувчига тақдим қилиши лозим.

68. Банк ипотека кредитини ажратишда банк хизматлари истеъмолчилари билан ўзаро муносабатларни амалга оширишда банклар фаолиятига қўйиладиган минимал талаблар тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ва бошқа норматив-ҳуқукий ҳужжатлар талабларига мувофиқ қарз олувчиларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаши шарт.

69. Қарз олувчи банк фойдасига ўз хисобидан сотиб олинган квартира ёки қурилган (қайта қурилган) якка тартибдаги уй-жойнинг тўлиқ қийматини йўқолиш ва шикастланиш хавфларидан суурта қилишда суурта ташкилотини мустақил танлаш ҳуқуқига эга.

### **8-боб. Якунловчи қоида**

70. Мазкур Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2021 йил 5 февралдаги 56-сон қарорига  
2-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини  
йўқотган деб эътироф этилаётган қарорлари  
РЎЙХАТИ**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Уй-жой қурилишига, уни реконструкция қилишга ва сотиб олишга ипотека кредити бериш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш хақида» 2007 йил 3 январдаги 2-сон қарори.
2. Вазирлар Маҳкамасининг «Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида «Қишлоқ қурилиш инвест» инжиниринг компанияси иштирокида уй-жойлар қуришни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2009 йил 26 октябрдаги 280-сон қарорига 2-илованинг 2-банди.
3. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айrim қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» 2010 йил 9 ноябрдаги 248-сон қарорига илованинг 13-банди.
4. Вазирлар Маҳкамасининг «Қишлоқ жойларда уй-жой қурилишини молиялаштиришнинг ресурс базасини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2011 йил 25 майдаги 151-сон қарорига 2-илова.
5. Вазирлар Маҳкамасининг «Мамлакатнинг ижтимоий ҳаётида фаол қатнашайтган ёш оиласаларни уй-жой билан таъминлашни янада қўллаб-куватлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2014 йил 8 сентябрдаги 250-сон қарорининг 7-банди ва қарорга 2-илова.
6. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айrim қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» 2014 йил 6 ноябрдаги 309-сон қарорига илованинг 3-банди.
7. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айrim қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» 2017 йил 12 сентябрдаги 712-сон қарорига илованинг 6-банди.
8. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айrim қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» 2017 йил 20 декабрдаги 1001-сон қарорига илованинг 17-банди.
9. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айrim қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» 2020 йил 1 апрелдаги 195-сон қарорига илованинг 2-банди.
10. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айrim қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб хисоблаш тўғрисида» 2020 йил 7 июлдаги 429-сон қарорига 1-илованинг 6-банди.

## БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ  
ҚАРОРИ

**50** «Тижорат банклари томонидан давлат мақсадли жамғармалари кредит линиялари ҳисобидан имтиёзли микрокредитлар бериш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаша ҳақида»ги қарорни, шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил  
3 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2527-4*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги ва «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонунарига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви ва Молия вазирлиги қарор қиласди:

1. Айрим идоравий норматив-хукуқий хужжатлар иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб топилсин.
2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги билан келишилган.
3. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Марказий банк раиси**

**М. НУРМУРАТОВ**

Тошкент ш.,  
2020 йил 23 декабрь,  
329-В-4-сон

**Молия вазири**

**Т. ИШМЕТОВ**

Тошкент ш.,  
2020 йил 15 декабрь,  
57-сон

---

\* Ушбу қарор «Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 3 февралда эълон қилинган.

*Келишиилди:*

**Бандлик ва меҳнат  
муносабатлари вазири**

**N. ХУСАНОВ**

2020 йил 15 декабрь

Ўзбекистон Республикаси  
Марказий банки бошқарувининг 2020 йил  
23 декабрдаги 329-В-4-сон ва Молия  
вазирлигининг 2020 йил 15 декабрдаги  
57-сон карорига  
ИЛОВА

**Ўз кучини йўқотган деб топилаётган идоравий  
норматив-ҳукуқий хужжатлар  
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви ва Молия вазирлигининг 2013 йил 14 октябрдаги 329-В ва 98-сон «Тижорат банклари томонидан давлат мақсадли жамғармалари кредит линиялари ҳисобидан имтиёзли микрокредитлар бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2527, 2013 йил 19 ноябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2013 й., 47-сон, 622-модда).

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви ва Молия вазирлигининг 2014 йил 13 июндаги 329-В-1 ва 44-сон «Тижорат банклари томонидан бюджетдан ташқари жамғармалар кредит линиялари ҳисобидан имтиёзли микрокредитлар бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2527-1, 2014 йил 27 июнь) (Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2014 й., 26-сон, 323-модда).

3. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви ва Молия вазирлигининг 2018 йил 27 августдаги 329-В-2 ва 123-сон «Тижорат банклари томонидан давлат мақсадли жамғармалари кредит линиялари ҳисобидан имтиёзли микрокредитлар бериш тартиби тўғрисида низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2527-2, 2018 йил 28 сентябрь) (Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 29.09.2018 й., 10/18/2527-2/1974-сон).

4. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви ва Молия вазирлигининг 2019 йил 12 апрелдаги 329-В-3 ва 48-сон «Тижорат банклари томонидан давлат мақсадли жамғармалари кредит линиялари ҳисобидан имтиёзли микрокредитлар бериш тартиби тўғрисида низомнинг 8-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2527-3, 2019 йил 22 апрель) (Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 22.04.2019 й., 10/19/2527-3/2986-сон).

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Адлия вазирлиги вазирликлар, давлат қўмиталари ва**  
**идораларнинг норматив-хуқуқий ҳужжатларини давлат**  
**рўйхатидан ўтказиш холати тўғрисидаги**  
**маълумотни маълум қилади**

**I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви ва Молия вазирлигининг 2020 йил 23 декабрдаги 239-В-4-сон, 2020 йил 15 декабрдағи 57-сон «Тижорат банклари томонидан давлат мақсадли жамғармалари кредит линиялари ҳисобидан имтиёзли микрокредитлар бериш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорни, шунингдек, унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори.

**2021 йил 3 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2527-4.**

**II. Давлат реестридан чиқарилди:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг «Банкка алоқадор бўлган шахслар билан тузиладиган битимлар тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2706, 2015 йил 5 август), шунингдек, унга ўзгартириш ва қўшимчалар (рўйхат рақами 2706-1, 2017 йил 24 июль), (рўйхат рақами 2706-2, 2018 йил 6 сентябрь), (рўйхат рақами 2706-3, 2019 йил 25 декабрь).

**2021 йил 30 январда давлат реестридан чиқарилди.**

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг «Бир қарз олувчи ёки бир-бирига дахлдор қарз олувчилар гурухи учун таваккалчиликнинг энг кўп миқдорлари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2707, 2015 йил 5 август), шунингдек, унга ўзгартиришлар (рўйхат рақами 2707-1, 2017 йил 24 июль), (рўйхат рақами 2707-2, 2018 йил 3 апрель), (рўйхат рақами 2707-3, 2018 йил 6 сентябрь), (рўйхат рақами 2707-4, 2020 йил 21 февраль).

**2021 йил 30 январда давлат реестридан чиқарилди.**

3. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви ва Молия вазирлигининг «Тижорат банклари томонидан давлат мақсадли жамғармалари кредит линиялари ҳисобидан имтиёзли микрокредитлар бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2527, 2013 йил 19 ноябрь), шунингдек, унга ўзгартириш ва қўшимчалар (рўйхат

рақами 2527-1, 2014 йил 27 июнь), (рўйхат рақами 2527-2, 2018 йил 28 сентябрь), (рўйхат рақами 2527-3, 2019 йил 22 апрель).

*2021 йил 3 февралда давлат реестридан чиқарилди.*

**Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳукукий ҳужжатлар қабул қилиниши мусобабати билан давлат реестридан чиқарилди.**

